


Алимулла
ҲАБИБУЛЛАЕВ

Ягадий
манбашунослик
ва матнишунослик



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим Вазирлиги**

Тошкент Давлат шарқшунослик институти

**Алимулла
ҲАБИБУЛЛАЕВ**

АДАБИЙ

МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТИШУНОСЛИК

Қисқача курс

ТОШКЕНТ — 2000

Манбашунослик ва матншуносл иқдан қисқача маълумот берувчи ушбу қўлланма ўзбек тилида бу соҳада қўйилган биринчи, қадам бўлиб, у асосан ўрта асрлар арабий, форсий ва туркий адабий мерос материаллари асосида юзага келган.

Китоб филология соҳаси мутахассислари ҳамда талабаларга, шунингдек, манбашунослик ва матншунослик масалалари билан кизувчиларга мўлжалланган.

Масъул мұхаррир: ф.ф.д. Қосимхон Содиқов

ф.ф.д. Қосимхон Содиков

Такризчилар: ф.ф.д. Зохиджон Исломов
ф.ф.н. Марямхон Эшмуҳамедова

Тех. мухаррир:
С. Юсупова

ТошДШИ ўкув-услубий Кенгаши томонидан нашрга тавсия килинган (2000 йил 26 январдаги 5-сон баённомаси).

© Тошкент Давлат шарқшунослик институти

К И Р И Ш

Шарқ халқлари қадим замонлардан буён жағон маданиятининг улкан хазинасига ўзининг мумтоз асарлари билан хисса қўшган кўпгина буюк ижодкорларни етиштириб берди. Уларнинг меросини кенг халқ оммасига етказиб бериш маданиятимизнинг тўқислиги учун ниҳоятда зарурдир. Бу ишларни ўтмиш қўллётзмаларни йиғиш, илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи манбашунослик ва матншунослик билимларисиз, арабий имло малакасисиз амалга ошириб бўлмайди.

Ушбу ўқув фани талабалар филологик билимнинг таркибий қисми бўлган қўллётзма манбалар устида ишлаш малакасини ҳосил қилишларига йўналтирилган.

Адабий манбашунослик ва матншунослик ўқув фани мумтоз филология йўналишида таълим олаётган талабаларни бу соҳанинг амалий ва назарий жиҳатларидан хабардор этишини мақсад қилиб қўяди. Ўқув жараёнида талабалар ёзма манбаларни қидириб топиш, тартибга солиш ва кейинги илмий фойдаланиш учун тайёрлаш назарияси ҳамда услуги юзасидан ҳам малака ҳосил қила борадилар. Шу билан бирга адабий асарлар ва тарихий хужжатлар матни тарихи ва унинг манбаларини ўрганиш, қўллётзма нусхаларни фарқлай олиш кўникмасига эга бўладилар.

Қўлланма манбашунослик ва матншуносликнинг Ёзув тарихи ва китобат санъати, Хаттотлик санъати ва ёзув турлари, Араб ёзуви палеографияси каби масалаларига маҳсус тўхталиб ўтирамай, уларнинг умумий жиҳатларигагина мурожаат қилади. Фикримизча, манбашунослик ва матншуносликни ўзлаштириш жараёни бу фанларнинг алоҳида курслар сифатида ўқитилишини тақозо этади.

Мазкур ўқув фанини ўрганиш учун талабалардан, аввало, тилшунослик, адабиётшунослик, хусусан адабиёт тарихи, ёзув

тариҳи, араб ёзуви, хаттотлик санъати ва араб ёзуви турларидан маълум даражада тайёргарликка эга бўлишлари керак.

Ўтилаётган мавзулардаги таянч сўз ва иборалар манбашунослик ва матншуносликка оид атамаларнинг изоҳли луғати тарзида берилса, мазкур соҳаларнинг турли жиҳатлари юзасидан қўни́мка ҳосил қилиш жараёнини тезлаштиради. Кўлланмага кирган ҳар бир мавзуга оид таянч сўз ва иборалар улар сўнгидаги саволлар жумласида берилди.

Кўлланма, бу соҳадаги дастлабки қадам бўлгани учун, рус матншунос олими Д.С.Лихачев тадқиқотларининг шарқ матншунослиги учун мувофиқ келадиган ўринлари билан ўзбек матншунослиги ютуқларининг синтези тарзида юзага келди. Рус матншунослигига С.А.Рейсер, Е.И.Прхоров каби олимлар ҳам маҳсус китоблар нашр қилишган. Аммо бу нашрлар кўпроқ рус матншунослигининг кейинги асрлар ва ҳозирги замон материаллари асосида юзага келгани, материалларнинг мафкуралаштирилганлиги сабабли ҳозирги талабларга жавоб бера олмайди. Шу боис адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасидаги шиддат билан ўсиб бораётган ҳозирги эҳтиёжимизни қондириш учун улардан бирортасини ўзбек тилига таржима қилиб қўя қолиш билан иш битмаслиги яққол кўриниб турибди.

Манбашунослик соҳасида эса маълумотларнинг ниҳоятда тарқоқ эканлиги маълум. Бу соҳанинг алоҳида бир фан сифатида тан олина бошланганига қарамасдан, унинг назарий масалалари, принциплари юзасидан изланишлар деярли олиб борилмаган. Бу соҳада дунё қўлёзма фонdlаридан ажратиб қўйилган олимларимиз илмий изланишлар мустақиллиги пайтигача бу принципларни Москвадан кутишга мажбур бўлишган.

Ҳозирги пайтда олимларимиз чет элларга илмий сафарлар уюштириб, жаҳон кодикология (қўлёзма китобларнинг яратилиш тирихи, китоб таркиби ва тарихини ўрганувчи) фанининг ривожланиш даражасидан воқиф бўлиб қайтмоқдалар. Бу, албатта, жаҳон фанига интеграциялашиш, турли маданий марказлардаги илғор усууларни ўзлаштириш жараёнини тезлаштиради. Бунинг учун манбашунослик ва матншунослик

соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ишларини жонлантириш лозим бўлади.

Қўлланмада назарий қисм алоҳида ажратиб олинмай, фан асослари билан унинг ривожланиш босқичлари бирга бериб борилди. Бунинг сабаби ҳар иккала соҳа — манбашушосликда ҳам матншуносликда ҳам назарий масалаларда ҳали бир тўхтамга келинмаган илмий мунозарали жиҳатларнинг мавжудлигидир.

Мазкур фан университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари учун маҳсус курс ҳамда манбашунос ва матншунослар гурухи учун назарий курс сифатида тавсия этилади.

МАНБАШУНОСЛИК

I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

БИРИНЧИ МАВУ

Манбашунослик фанининг предмети ва тарихий аҳволи

Адабиёт: Қ а ю м о в А. Ўзбек адабий манбашунослиги.— «Ўзбек тили ва адабиёти» ж-ли, 1987, № 5; ЎзСЭ: “Манбашунослик”, “Текстология” мақолалари; Ш а й х з о д а. Тазкирачилик тарихидан.—“Навоийга армуғон” китобида, —Т., 1968.

Дарс мазмуни: Ёзма манбаларни қидириб топиш, тартибга солиш ва сақлаш муаммолари. Ўрта аср манбалари ҳақида маълумот берувчи асарлар.

Қўлёзма фондларида сақланаётган минг-минглаб китоблардан соҳа мутахассислари орасида барқарорлашган, илмий йўлга қўйилган, маҳсус ишлаб чиқилган қатъий тартиб қоидаларсиз фойдаланиш ниҳоятда оғир бўлган бўлур эди. Сонсаноқсиз китоблар орасидан зарур бўлган бирор асарни топиш ёки бу хазиналарда нималар борлигидан воқиф бўлишини манбашуносларнинг мashaққатли меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Билимнинг бу соҳаси манбашунослик деб аталади.

Манбашунослик ёзма манбаларни йигиши, қидириб топиш, тартибга солиш ва улардан илмий фойдаланиши ўйларини ўргатувчи фандир.

Манбашунослик фанлар соҳаси бўйича қуйидаги тормоқларга бўлинади:

*Адабий манбашунослик,
Тарихий манбашунослик
Илмий манбашунослик,*

Фольклор манбашунослик.

Умуман олганда, манбашунослик илмдә тарих фанининг бир соҳаси сифатида қабул қилинган.

Собиқ шўролар даврида кўпгина фанлар қатори манбашуносликка ҳам фаннинг Октябрь инқилобигача тараққий этмаган бир соҳаси деб қараш хукмрон эди. Бироқ ҳар бир даврни ўз мезонлари билан олиб қарасак, манбашунослик маданиятимиз тарихида ўзининг чукур илдизларига эга эканига амин бўламиз. У ўзининг муайян мезон ва меъёрлари билан ривожланиб тараққий этиб келган. Тўғри, XX асргача манбашуносликка фаннинг алоҳида тормоги сифатида қараш дунё миқёсида йўқ эди. Аммо бу соҳадаги амалий ишлар тинимсиз ривожланишда бўлгани кузатилади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиё халқлари орасида китоб йиғиш, уларни маълум соҳалар бўйича туркумлаш, китоб хазиналарини тарихнинг суронли воқеаларидан омон сақлаб қолиш ишларига қадимдан катта эътибор бериб келишган. Бу ишда албатта, йирик маданий марказлардаги китоб хазинадорлари, йирик олим ва ижодкорлар жонбозлик кўрсатишган.

Тарихий ёдгорликлар жуда қадим замонлардан подшоҳлар ва коҳинларнинг хазиналаридан диний, тарихий ва адабий мазмундаги қўлёзмалар тўпланганлигини ва сақланганлигини аниқлашга имкон беради. Кулдорлик давлатлари мавжуд бўлган даврда бу хазиналарда қўлёзмалар мажмуалари, маданий бойликлар сақланадиган маҳсус омборхоналар вужудга келиши учун шарт-шароит вужудга кела бошлайди.

Бироқ Марказий Осиё халқларининг энг қадимги ёзма ёдгорликлари деярли сақланиб қолмаган. Улардан кўплари араблар босиб олган даврда VII—XI асрларда нобуд бўлган. Сўғд ва Хоразмнинг араб халифалиги томонидан қўйилган нойиби китобларни ва уларни сақловчиларни йўқ қилиб ташлаганлиги ҳақида биринчи бўлиб Беруний (927—1046 йиллар) маълумот беради. Наршахий «Бухоро тарихи» (943—944 м.) асарида: «Қутайба... кофирилик ва оташпаастлик асарларини йўқ қилди»,—деб ёзади. Араб халифалигининг чекка

ўлкаларидан бирига айланиб қолган Марказий Осиёда ёзма миллий маданиятнинг қайтадан вужудга келиши учун анчагина вақт керак бўлди.

Ёзма манбаларда, жумладан, Ибн Сино таржимаи ҳолида ёзилишича, Бухорода—сомонийлар саройида каттагина китоб хазинаси мавжуд бўлиб, у ерда сақланадиган китобларга X асрда маҳсус *фехрист* тузилган. Бу хозирги даврда қўллётмалар фонди *каталоги* билан баробардир.

Ёзма манбаларни йиғиш ва тартибга солишдан ташқари, уларни қидириб топиш ҳам манбашуносликнинг зиммасидаги асосий вазифалардан биридир.

Бу жиҳатдан «Ал-осор ул-боқия анал қарн үл-холия» деган китобини ёзиш учун Абу Райхон Берунийнинг Марказий Осиё ҳудудида исломгача бўлган манбалардаги маълумотларни бир ерга тўплаши—ўлкамизда ислом маданияти юзага келиши даврида ўтмиш манбаларининг борини йиғиб-териб, кейинги авлодларни уларнинг мазмуни билан таништириши ниҳоятда муҳимдир. Беруний бу асарини яратишда, аввало, бу манбаларни бир ерга йиғган, яъни, уларнинг матнини қайта тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўлса ҳам, манбашунослик фаолияти муаллиф ижоди жараёнида дастлабки босқич бўлиб хизмат қилган. Кўриб турганимиздек, бу фан ўз ривожининг дастлабки босқичларидаёқ назарий йўналишдан кўра *амалиётга яқинроқ* ҳолда шаклланган.

Манбаларни қидириб топиш ишида *тазкира*, *маноқиб*, *ҳолот*, *ҳасби ҳол* каби асарлар ниҳоятда муҳим ўрин тутади.

Адабий манбашуносликка бевосита дахлдор китоб турларидан бири *тазкиралардир*. Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётшунослигида тазкиранависликни С а о л и б и й (вфт. 1037) бошлаб берган. Унинг *араб* тилида ёзган «Ятимат удаҳар» тазкираси катта шуҳрат тутди. Бу хилдаги асарнинг илк *форсий* намунасини бухоролик шоир ва адабиётшунос Муҳаммад А в ф и й нинг «Лубоб ул-албоб» тазкираси мисолида қўрамиз. 1222 йилда ёзилган бу тазкира мўғул истелосидан аввалги адабиёт ва маданият арбоблари ҳақида маълумотлар беради ва бу давр манбашунослиги учун ягона

манба ҳисобланади. Ундан кейин Шайх Аҳмад Тарозий нинг дастлабки туркий тазкираси—«Фунуни балоға» (XIV аср) юзага келди.

Кейинчалик Абдураҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Нисорий, Лутф Алибек кабилар ҳам тазкиралар ёзишган. Тазкиралар адабий манба сифатида қадимдан қадрланиб келган. Тазкиранинг манбашунослик учун аҳамияти шундан иборатки, улардаги ҳар бир мақола—«ф и қ р а» да алоҳида бир арбоб (шоир, адиб, мутафаккир ва ҳ.к.)нинг исми, тахаллуси, қаерлик экани, ижоди соҳаси, муҳим асарлари, табиати, муаллифнинг унга муносабати, ижодидан бир шингил, арбоб умрининг ниҳояси, дағн этилган жойи ва ҳ.к.лар бериладики, улар ўрта аср китобдорларининг ўз хазиналарини нималар билан тўлдиришлари мумкинлиги ҳақида қимматли маълумотлар берган. Бунинг устига, мумтоз адабиётдан кўпгина намояндаларнинг ижодий ҳасби ҳолини тиклашда тадқиқотчилар у ҳақида маълумотни биринчи навбатда тазкиралардан қидирадилар. Тазкиранависликнинг манбашуносликдаги ўрнини белгилашда бу турдаги китоблар ҳақида олиб борилган тадқиқотларнинг хизматлари катта (қ.:Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи, 289-б.).

Маноқиб, ҳолот, ҳасби ҳол каби асарларда машҳур кишиларнинг ҳаёт йўли билан таништириш асносида улар ёзган асарлар ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилади. Бундай асарлар одатда бу шахсларни таниган ёки уларга маслақдош бўлган кишилар томонидан ёзилгани учун улардаги маълумотлар юқори баҳоланади. Манавий меросимиз орасида бу руҳдаги асарлар кўп учрайди. Чунончи, Алишер Навоининг «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Мухаммад», «Хамсат ул-мутахайирин»; Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ»; Муаллифи номаълум «Маноқиби Машраб», «Маноқиб ул-орифин», «Маноқиб уш-шуаро» (КВР, АН ТаджССР, IV т.); Али Мухаммад Мухлиснинг «Ҳолнома» асарлари шулар жумласидандир.

Адабий манбашунослик учун муҳим тасдиқловчи маълумотлар бера олиши мумкин бўлган китоб турларидан яна

бири *баёз* лардир. Баёзлар ўнлаб шоирларнинг шеърларини ўз ичига олиши, уларнинг номлари ва шеърларидан намуналар берилиши билан манбашунослик фанида муҳим ўрин тутади. Бу китобларнинг дастлабки намуналари араб мумтоз адабиётидаги IX асрга мансуб (шоир Абу Таммом тузган). Марказий Осиёда ҳозирча 1442 йилда тузилган баёз энг қадимий ҳисобланади. Унда 22 та Эрон, Ҳинд ва Марказий осиёлик шоирларнинг шеърлари берилган.

Бу турдаги китоблар қаторига «мажмуя», «качкул», «гулчин» деб аталған китобларни ҳам қўшиш мумкин. Бу хилдаги китоблар юзасидан таниқли олимлар Ё. Исҳоқов ва М. Ҳамидовалар тадқиқот олиб боришган.

Адабий манбашуносликнинг айниқса, адабиёт тарихи ва матншунослик учун аҳамияти беқиёсdir. Манбашунослик соҳаси ўтмиш адабиёт намуналарини нашрга тайёрлаб, чоп этишда матншунослик ишлари учун материал етказиб беради. Бунинг учун мазкур материалларни ўз ичига олган манбаларни йиғиши, тартибга солиш, улар ҳақида атрофлича *тавсифларни* яратиш лозим.

Асарларнинг матнлари билан бир қаторда, улар ҳақидаги фикрлар қайд этилган китоблар ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. Бу манбаларга суюниб тил тарихи, адабиёт тарихи ҳамда адабиёт назариясига оид тадқиқотлар олиб борилади, хулосалар чиқарилади. Натижада маълум тарихий давр учун адабиётнинг тил ва услугуб хусусиятлари, жанрлар тараққиёти, ҳаётни бадиий акс эттириш мезонлари очила боради.

Саволлар:

- * Манбашунослик фанининг вазифаси нималардан иборат?
- * Қадимда манбалар ҳақидаги маълумотларни қандай китоблардан топиш мумкин бўлган?
- * Манбашунослик қандай тормоқларга бўлиб ўрганилади?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <фольклор манбашунослиги, адабий манбашунослик, илмий манбашунослик; фикрамақола, каталог, фехрест, тазкира>.

ИККИНЧИ МАВУ

Манбашуносликнинг ривожланиши йўналишлари ва асосий вазифалари

Адабиёт: Источниковедение. Теоретические и методологические проблемы. Сб. М., 1969.; Ҳақимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. –Т., 1991; Қосимхонов Б. Навоий асарларининг тошбосма нашрлари тавсифи. –Т., 1968.

Дарснинг мазмуни: Назарий манбашунослик ва амалий манбашунослик. Манбаларга турли даврлардаги эътибор.

Бу фан икки—назарий ва амалий йўналишларда ривожланади. Шунга қараб унинг асосий вазифаси белгиланади.

Назарий манбашунослик:

- ёзма манбаларнинг вужудга келиши ва уларда реал тарихий жараённинг акс эттирилиши қонуниятларини аниқлайди;
- фан сифатида *мавзулар маркиби*,
- бу мавзуларнинг *жойлашиши ўринларини* белгилайди;
- манбаларни тартибга солиш ва туркумларга бўлиш *асосларини* ишлаб чиқади;
- манбаларни тадқиқ қилиш *услубини* ўрганади.

Илмнинг бу соҳасини акс эттирувчи ўқув қўлланмалари ёки дарслик мавжуд эмас. Бу ҳақдаги маълумотлар олимларнинг кўпсонли тадқиқотлари орасида тарқоқ ҳолда учрайди. Бу соҳани тадқиқ этувчи айрим мақолалар рус манбашуносларининг ҳаракати билан юзага келган ва совет манбашунослигида қабул қилинган *меъёр ва мезонларнигина* акс эттиради. Олимларимизнинг сўнги пайтлардаги хорижий мамлакатларга қилган илмий сафарлари давомида бу меъёр ва

мезонларнинг дунё миқёсида бизнидан бирмунча фарқ қилиши маълум бўлди. Бу фарқ манбашуносларимизнинг кейинги йиллардаги ишларидан ўрин олиб бормокда.

Амалий манбашунослик, қўлёзмалар фонди, архив, музей, кутубхоналарда ёдгорликларни

- *тўпллаш,*
- *сақлаш,*
- *тавсифлаш,*
- *кейинги илмий тадқиқот ишлари учун уларни материал сифатида тайёрлаш*

билин шуғулланади.

Манбашунослик фани ўз ривожининг дастлабки босқичлариданоқ назарий йўналишдан кўра *амалиётга яқинроқ* ҳолда ривожланган. Манбашуносликнинг амалий соҳасини ҳам яхлит қамраб олувчи китоб ёки дарслик йўқ. Бироқ бу соҳада, амалда жуда кўп ишлар қилинган.

Чунончи, илгари саройлар ва мадрасаларда сақланиб келган қўлёзмалар кейинчалик, аста-секин кутубхоналарда тўплана бошлади. Айни вақтда қўлёзмаларни хилларга ажратиш усувларини ишлаб чиқишига эҳтиёж туғилди. Бу ишлар IX—X асрларга келиб анча юқори даражага кўтарилди.

Бухоро амири саройидаги кутубхона айниқса машҳур эди. Буюк олим Ибн Сино ўсмирлик чоғида ана шу кутубхонада ишлаганини ўз таржима ҳолида эслаб ўтган.

Ҳикоя қилишиларича, Бухоро амири Нух ибн Мансур оғир бир дардга дучор бўлади. Табобат илмида эндиға шуҳрат қозонаёган ёш (14 ёшли) Ибн Сино уни бу дарддан халос қиласди. Бир ўлимдан қолган амир Ибн Синога «тила тилагингни» дейди... У амирликнинг турли туман китобларга бой кутубхонасидан фойдаланишга руҳсат сўрайди.

«Мен кирган уйнинг хоналаридан бирида,—деб ёзади Ибн Сино,—арабча шеърий китоблар, иккинчисида фиқҳ илмига оид китоблар бор эди... Эски муаллифлар ёзган китоблар *rўйхатини* кўздан кечириб, керакли китобни сўрадим. Мен шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик кишилар ҳатто уларнинг сарлавҳасини ҳам эшитмаган. Ўша пайтгача ҳам, ўшандан кейин

ҳам ҳеч қачон мен бунчалик кўп китобни кўрмаган эдим. Бу китобларни ўқиб чиқиб, зўр манфаат топдим»¹.

Бу лавҳадаги китоб хазинасида китобларнинг соҳасига кўра алоҳида хоналарда сақланиши, уларга рўйхат тузиб кўйилганлиги ўша давр амалий манбашунослигини кўрсатувчи далилдир. Барча йирик китоб хазиналари бундай тартибида эҳтиёж сезганлар.

Бухорода сарой китоб хазиналаридан ташқари бир қанча мадрасаларда ҳам кутубхоналар бўлган. Чунончи, Бухородаги Форжак мадрасаси тўғрисида 937 йилги ёнғин муносабати билан эслатиб ўтилади². Бу мадрасада каттагина кутубхона бўлиб, унда жуда кўп қимматбаҳо қўлёзмалар сақланган.

XI—XII асрлар амалий манбашунослик соҳасида рўй берган муҳим воқеалардан бири давлат архивлари ва кўплаб кутубхоналарнинг барпо этилиши бўлди. Бу даврдаги кутубхоналар ҳақида муфассал маълумотлар сақланиб қолган. Фазнавийлар даврида Хоразм, Рэй, Хамадон, Исфаҳон сингари йирик шаҳарларининг кутубхоналари Хуросондаги барча истеъдодли ва ўқимишли кишиларни ўзига тортувчи марказлар бўлиб қолган эди деб ёзган эди ак. Семёнов (Очерки исторический науки в СССР вып 1. М., 1955 135-б).

Темурийлар даврида бу ишларга эътибор янада ошди. Кутубхоначилик тарихи учун бу даврдан жуда кўп маълумотлар сақланиб қолган.

Шундай қилиб, бутун тарихий давр давомида барча йирик китоб хазиналари китоб йиғиш, хиллаш ва сақлашнинг маълум тартиб ва қоидаларини ишлаб чиқиб, унга риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатишган.

Шу куннинг амалий манбашунослигига келсак, у асосан, қуйидаги икки фаолият доирасидаги ишларни амалга оширади:

¹ Ирисов А. Абу Али ибн Сино. —Т., 1980.

² Наршахий. Бухоро тарихи. —Т., Фан, 1966, 84-бет.

а/ бирламчи (муаллиф замонидаги ёки унга яқин даврларда яратилған) манбаларни топиб, илмий изланишлар учун материал етказиб беради.

б/ бирламчи манбаларни топиб, матншунослик ишлари (нашрға тайёрлаб, чоп этиш) учун материал етказиб беради.

Хозирги пайтда бу соҳа замонавий компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Саволлар:

- * Хозирги манбашунослигимиз ўз вазифаларини қандай белгилаб олган?
- * Қадим қўллэзма фондлари қаерларда сақланган?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <назарий йўналиш, амалий йўналиш, бирламчи манбалар>

УЧИНЧИ МАВУ

Манбаларнинг тур ва шакллари

Адабиёт: Хрестоматия по истории древнего Востока. М., 1963; Б е р т е л ь с. Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М., 1965; И м о м н а з а р о в М., Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Т., 1996. А б д у р а х м о н о в F, Р у с т а м о в А. Қадимги туркӣ тили, –Т., 1982.

Дарснинг мазмуни: Манбаларнинг ташқи белгиларига ва мазмунига кўра турлари: тошдаги ёзувлар, теридаги ёзувлар; Манбалар таснифи.

Ёзма манбаларни бугунги кунимизга хизмат қилдириш учун бундай манбаларни йиғиш, тартибга солиш, уларнинг атрофлича *тавсифларни* яратиш лозим (тавсиф—хар бир манбанинг асосий белгилари, хусусиятлари ва таркиби ҳақидаги муайян тартибга солинган маълумотлар мажмуудир). Тавсиф

жараёнида манбалар, аввало, ижросига кўра **хилланиб** қолади. Бу хилланиш (тасниф—*синфларга бўлиш* маъносида) уларни ўрганиш, тушуниш, тадқиқ этиш, зарур маълумотни осонлик билан топишга имкон яратади.

Манбаларни тахминан қуидагича хиллаш мумкин:

Келиб чиқшиж жойи бўйича

- ўзимизда яратилган манбалар
- хорижий манбалар (Оврупо сайёҳларининг қайдлари ва асарлари)

Тили бўйича

- форсий манбалар
- арабий манбалар
- туркний манбалар

Даври бўйича:

- қадимий
- ўрта аср
- янги давр
- ҳозирги замон

Шакли бўйича:

- Оғзаки
- ёзма
- этник
- моддий (ашёвий)

Жанри бўйича

- мемуарлар («Бобурнома» туридаги)
- тарихий хроника
- хатлар ва ёзишмалар (муншоот туридаги)
- хужжатлар (элчиларга берилган ёрлиқлар, халқаро ёзишмалар каби)
- хорижий хроникалар (Қадим Хитой хроникаларида Туркистон тарихи каби)

- архив фондлари

Ёзув материали бўйича

- битиктошлар (Бесутун ёзувлари, руний ёзувлар каби)
- теридағи ёзувлар (Авесто, Қуръон каби)
- китобалар (бино пештоқларидағи ёзувли безак)
- қоғоздаги манбалар

Манбаларнинг мазмунига қўра турлари

- тарихнавислик
- илмий манбалар
- фалсафий манбалар
- диний манбалар
- тасаввуфий манбалар
- адабий манбалар.

Кўйида уларнинг айримлариға намуна сифатида тўхталиб ўтамиз.

Манбаларнинг ёзув ашиёсига қўра турлари

ТОШДАГИ ЁЗУВЛАР. Беҳистун битиклари—Эроннинг Хамадон шахри яқинидаги Беҳистун қоясига шоҳ Доро I (эр. ав. 521—485) буйруғи билан битилган *битиктошлардир*. Ёзув матни қадимий форс, эلام (Жануби Гарбий Эрон) ва Бобил (Ироқ) тилларида, *міхҳат* билан ёзилган. Битик ахоманийлар давлатидаги милоддан аввалги 522—519 йил воқеалари баёнидан иборат. XIX асрнинг 30—40-йилларида инглиз олими Г.К. Роулинсон матннинг каттагина қисмини ўқишига муваффақ бўлган. Натижада міхҳат билан ёзилган бошқа кўпгина ёзма ёдгорликларни ўқишига йўл очилди. Міхҳат алифбоси шу даврда қайта кашф этилди.

Битиклар яна Арабистон ва Суриянинг жанубидаги қоятошларда сақланиб қолган. Уларнинг ёзилиш даври эса

эрамизнинг I асрларига тўғри келади. Матн қадим араб тилида ёзилган.

Бунгача ёзилган битиктошларнинг кўплари Миср фиръавнлари хукмронлиги даврига мансуб бўлиб, аксар ҳолларда *иероглифик* ёзувларда ёзилган. Уларда, асосан, хукмдорлар ҳақидаги маълумотлар, давр ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти баён этилади (қ.: Хрестоматия по истории Древнего Востока. —М., 1963). Булардан айримлари ҳозир Қоҳира музейида, Британия музейида, йириклари ўз жойларида сақланади. Бу ёзувлар ҳақида рус шарқшунослигига талай ишлар қилинган ва улар, асосан, ғарб мамлакатлари манбалари асосида юзага келган. Булар соҳадаги ўзбек тилидаги маълумотлар ана шу манбаларга асосланади.

Туркий халқлар тарихида, VI—VIII асрларда тошга ўйиб ёзилган *адабий-тархий лавҳалар* ёдгор бўлиб қолган. Ҳозирги Мўғалистон ўлкаси худудида бир вақтлар ўнга яқин қоонликлар иттифоқидан ташкил топган қадимий турк давлати маркази—Қорақурум шахрининг харобалари бор. Бу ердаги тошларга битилган ёзувлар ўрхун ёзувлари, турк руний ёзувлари деб ном олган. Кейин бу хилдаги ёзувлар Энасой дарёси бўйида ҳам сақланиб қолгани аниқланди (1720—27). 1889 йилда Мўғалистоннинг Баин Цокто деган еридан ҳам худди шундай ёзувлар топилган. Ҳозирда уларнинг айримлари Красноярск, Мурманск, Қизил шаҳарларининг музейларида сақланади.

Бу ҳар иккала туркум битиклар хукмдорлар қабр тошига ўйилган ёзувлардир. Уларда ўша шахсларнинг ҳаётига оид маълумотлар: қайси жангларда қаҳрамонлик кўрсатганлиги, бу жангларнинг кимларга қарши қаратилгани бадиий лавҳалarda баён этилади. (Уларнинг манба сифатидаги тавсифини «Қадимги туркий тил» китобидан қаранг).

ТЕРИДАГИ ЁЗУВЛАР. Даствлаб терига ёзилган йирик манба «Авеста» бўлса, яна бири Қуръондир. Унинг даствлабки хатга туширилишида ҳам маҳсус ишлов берилган тери—пергамент (ўрама) ишлатилган. Китоб ҳолидаги пергаментга ёзилган ноёб Қуръонлардан бири—Усмон Қуръони (651 йил) Тошкентдаги Мовароуннаҳр диний идораси музейида

сақланади. Тери ёзув ашёси сифатида X асрларгача ҳам сақланиб қолғанлиги манбалардан маълум. Қоғознинг муомалага кириши билан китоб яратишда тери фақат муқовалар учун ишлатиладиган китобат ашёси бўлиб қолди.

Манбаларнинг мазмунига қўра турлари

Тарихнавислик. Тарихнавислик тарихи давлатчилик тарихига бориб тақалади. Кадимги тошдаги битиклар, пергаментларда сақланиб қолган ёдгорликларнинг барчасида кўхна тарих сахифалари ёритилган. Ўрта асрларга келиб, тарихнавислик шиддат билан ривожлана борди. Жумладан:

- Ўрхун-Энасой битиклари—қоонликлар тарихи;
- Тарихи Наршахий (943—944)—Бухоро тарихи;
- Тарихи Табарий—араб халифалиги ҳудудида 915 йилгача бўлган воқеалар;
- Тарихи Яминий (976—1030)—Утбий асари;
- Тархи Кошғар (X аср)—Қорахонийлар давлати тарихи;
- Тарихи Комил (Ўрта Осиё XII—XIII аср воқеалари)—Иbn ал-Асир асари;
- Ажойиб ул-мақдур фи Ахбори Темур—Иbn Арабшоҳ асари;
- Зафарнома—Шарафиддин Али Яздий асари;
- Тарихи Рашидий (XIV—XVI аср)—Мирзо Муҳаммад Ҳайдар асари ва ҳоказолар.

Бу асарлар тарих сахифаларига ойдинлик киритиш билан бирга ўз даврининг маданий-адабий ҳаётидан ҳам дарак бергани туфайли адабий манбашунослик учун ҳам қимматли манбалардандир.

Илмий манбалар. Илм-фаннинг турли соҳаларига бағишлиб ёзилган асарларни ўша соҳалар билан бир қаторда «Фан тарихи» деган фан соҳаси ҳам ўрганади. Қўлёзма фонdlаримизда тиббиёт, фалакиёт, риёзиёт, ҳандаса, табииёт ва ҳоказоларга оид кўплаб қўлёзма китблар мавжуд. Ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний асарлари шулар жумласидандир. Бундай манбаларни чоп этишда

манбашунослик ва матншунослик соҳасида муайян тажрибалар орттирилган. Йирик алломаларимизнинг бир қанча илмий асарлари ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, чоп этилган.

Фалсафий манбалар—ислом минтақасида бу турдаги асарлар дастлаб юонон донишмандлари Арасту, Афлотун, Сукрот кабиларнинг асарларини араб тилига таржима қилиш, уларга шарҳлар ёзиш билан бошланди. X аср ўрталарида юзага келган «Ихвон ус-сафо» давраси шу йўналишдаги фаолияти билан ном қолдирган.

Бундай манбалар мутакаллимлар (мутазилия), ботинийлар (исмоилия), файласуфлар, сўфийларнинг ижодида фалсафий рисолалар ва фалсафий қасидалар шаклида кўплаб қўлёзма китоблар ҳолида сақланиб қолган.

Диний манбалар. Куръон, Ҳадис, тафсир, маноқиб, тазкира ва қиссалар. Булардан ташқари шариат аҳкомлари, фикҳ илми, мазҳаб йўналишлари ва оқимлар шарҳига бағишланган асарлар ва ҳ.к.лар шаклидаги илмий изланишлар натижаси бўлмиш китоблар ҳам кўплаб яратилган.

Тасаввуфий манбалар. Турли тариқатлар баёнига бағишларган илмий-фалсафий рисолалар, фалсафий достонлар, тазкира ва маноқиб, ҳолномалар, тасаввуф атамалари шарҳлари (истилоҳоти шуаро).

Адабий манбалар. Куллиётлар, девонлар, маснавийлар, тазкиралар, баёзлар каби хрестоматив материаллар билан бир қаторда адабий жанрлар, бадиий санъатлар, шоир ва адиблар ҳақида маълумот берувчи манбалар ва ҳ.к. бу адабий манбашуносликнинг бевосита тадқикот мавзуси бўлиб, бу мавзуни биз атрофлича ўрганамиз.

Саволлар:

- * Миср фирмавлари хўкмронлиги даврига мансуб битиктошлар қандай ёзувларда ёзилган?
- * Миххатда ёзилган араб тилидаги матнлардан қайсиларини биласиз?

* Марказий Осиё халқлари тарихини ёритувчи араб тилидаги манбалардан бир нечасининг қисқача тавсифини беринг.

* Кўйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <манба хиллари, хорижий манбалар, адабий-тархий лавҳалар>

ТЎРТИНЧИ МАВУ

Манбашунослик ва матншуносликнинг ёндоши соҳалари

Адабиёт: Литературный энциклопедический словарь. М., 1987; М. Ш а й з о д а . Тазкирачилик тарихидан.—“Навоийга армуғон” китобида, –Т., 1968; Ҳ а м и д о в а М., Кўлёзма баёзлар адабий манба сифатида.—Адабий мерос, –Т., 1971, 2-сон.

Дарснинг мазмуни: Адабий манбашунослик ва матншунослик—филологиянинг кенг қамровли соҳаси экани. Манбашуносликнинг бошқа соҳалар билан муносабати.

Билим соҳасининг кўпгина фанларида бўлганидек, манбашунослик ва матншунослик ҳам танҳоликда мавжуд бўлолмайди. Жаҳон андозаларига кўра манбашунослик ва матншуносликнинг бир қанча ёндош соҳалари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги мустақил фанлар сифатида тан олинган ҳамда манбашунослик тадқиқот объектларининг характерига қараб зарур ўринлардагина қўлланилиб борилади. Қўйида уларнинг манбашунослик ва матншунослик илмида кўп тилга олинадиганлари билангина танишиб ўтамиз.

МАТНШУНОСЛИК—филологиянинг адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий хужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи соҳасидир. Адабий, тарихий ва илмий асарлар матншунослигига бўлинади. Бу манбашунослик билан энг узвий боғлиқ бўлган соҳа. Бунга биз қўлланмамизнинг иккинчи қисмида алоҳида фан сифатида тўхталамиз.

АРХЕОГРАФИЯ—қадим ёзма ёдгорликларини қайта ишлаш усуллари ва эълон қилишнинг назарий масалалари хақидағи тарихий-филологик фан. Бу соҳадаги ишлар минтақа маданиятилизда алоҳида ном билан аталмагани ҳолда жуда қадимдан давом этиб келади.

ПАЛЕОГРАФИЯ— қадим ёзма ёдгорликларнинг ёзилиш ўрни, вақти ва ҳ.к.ларни аниқлаш учун унинг ташқи белгиларини, ёзувини ўрганувчи тарихий-филологик фан. Бунинг учун қўлёзмаларнинг материали, ҳарф шакллари, безак ва бошқа хусусиятлари синчиклаб ўрганилади. Алоҳида ном билан аталмагани ҳолда китобат ишлари жумласида мавжуд бўлиб келган.

УСЛУБШУНОСЛИК—У лисоний (лингвистик) услугушунослик ва адабий услугушуносликларга бўлинади. Адабий йўналишда айрим тарихий даврлар, минтақалар, муайян адабий мактаблар, ижодкорларнинг ижод тарзи, услуги хусусиятларини ўрганувчи филологик фан. Бунда асарлардаги бадиий нутқ, поэтик тил хусусиятлари, ифода воситалари ўрганилади. Жумладан, хурросон услуги, ироқ услуги, хинд услуги, туркона услуг ва ҳ.к.

ТАРИХИЙ ПОЭТИКА—бадиий сўз санъатининг тарихнинг турли босқичларида вужудга келган қонуниятлари ва мумтоз адабиёт жанрлари назарияси билан шуғулланувчи филологик фан. У қадимда илми адабнинг бир қисмини ташкил этган.

ҚАДИМИЙ ЛУФАТЛАР—улар алоҳида сўзларнинг маъносини шарҳлаш билан бир қаторда бу сўзлар шарҳланган манбаларни ҳам келтиришлари манбашуносликнинг кўпгина мунозарали саволларига жавоб бера олишлари билан ҳам қимматлидир.

ГЕРМЕНЕВТИКА—матншуносликнинг қадим ёзма ёдгорликларни, классикларнинг асарларини уларнинг дастлабки мазмунини тиклаш мақсадида шарҳлаш, тафсир этиш соҳаси. (Антик даврда диний матнларни шарҳлаш, тафсир этишдан келиб чиқсан). Жумладан, Форобий юнон мутафаккирлари Афлотун, Арасту, Эвклид, Птолемей, Порфирий ва

бошқаларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса Аристотель асарларидан «Метафизика», «Этика», «Риторика», «Софистика» ва бошқаларни батафсил изоҳлаб, қийин жойларини тушунтириб берган. Бу асарларнинг умумий мазмунини очиб берувчи «Мо баъий табиат» га ўхшаш маҳсус шарҳлар ёзган. Ҳозирги маънодаги герменевтика шоир ёки ёзувчи асарларининг илмий танқидий-матнини тузиш, бу асарларни ҳар хил изоҳ ва шарҳлар билан таъминлаш, асарнинг адабиётда тутган ўрнини аниқлаб беришдир.

БИБЛИОГРАФИЯ—тариҳий, адабий, илмий асарларнинг фан, мавзу, давр, мамлакат, муаллифларга бағишлиб тузилган манбалари рўйхати. Улар алоҳида китоб ёки китобга илова тарзида, алифбо тартибида бўлади. Қадимда айрим қўлёзма китоблар орасида баъзи соҳага оид ёки бирор муаллифга мансуб китоблар феҳристи (рўйхати) келтирилган

АРХИВШУНОСЛИК—хужжатларни йиғиш, тартибга солиш ва сақлаш усулларини ишлаб чиқувчи, архивлар ишини ташкил этишни, уларнинг тариҳини ўрганувчи фан. Бу соҳа мутахассислари Республика Давлат архиви, нохия ва вилоят архивларида фаолият қўрсатадилар. Адабий архивлар республикамиз қўлёзма фондларида ва адабиёт музейларида жойлашган. Шўролар даврида қатағон қилинган адиллар ҳақида Республика Давлат архивидан кўпгина маълумотлар топиш мумкин.

ФИЛИГРАНОЛОГИЯ—қоғоздаги сув белгиларини ўрганувчи фан. Айниқса, китоб муқоваларига туширилган шакллар, безаклар сув белгилари усулида ҳосил қилинган. Уларнинг вужудга келган вақти ва жойини билган ҳолда, санаси қўрсатилмаган қўлёзма китоблар ҳақида ҳукм чиқариш мумкин бўлади.

ЭПИГРАФИКА—тош, ёғоч, сопол каби нарсаларда сақланган ёзувларни ўрганувчи тарихий-филологик фан.

НУМИЗМАТИКА—тариҳнинг танга, чака ва тақинчоқлардаги ёзувларни, пул зарб қилиш ва пул мумомаласини ўрганувчи соҳаси.

КРИПТОГРАФИЯ—палеографиянинг маҳфий ёзувларни ўрганувчи соҳаси.

Бу соҳаларнинг ҳар бири ўз ўрни билан бирор манба ҳақида ҳукм чиқариш (манбашунослик), муайян асар матнини юзага келтиришда қўшимча маълумотлар олиш (матншунослик) учун зарур бўлиб қолиши мумкин. Бу соҳаларнинг зарурати манбашунослик ва матншунослик учун бир хилда бўлмаса-да, иш асносида уларга у ёки бу муносабат билан мурожаат қилишга тўғри келади.

Мазкур соҳаларнинг кўпчилиги Европада XVI—XX аср археология ва тарих илmlари билан ҳамқадам ривожланиб келди. Тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб, айримлари ҳатто мустақил фан мақомига ҳам эришди.

Саволлар:

- * Қадим ёзма ёдгорликларини қайта ишлаш усувлари ва эълон қилишнинг назарий масалалари ҳақидаги фан нима деб аталади?
- * Қуйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг:
<матншунослик, палеография, археография, герменевтика, эпиграфика>.

II. ЁЗМА МАНБАЛАР ТАРИХИДАН

БЕШИНЧИ МАВУ

Ёзув тарихи ва қўлёзма манбалар. Палеография.

Адабиёт: О. А з и з о в. Тилшуносликка кириш. –Т., 1963; Х а л и д о в А. Б. Книжная культура. -Сб.: Очерки истории арабской культуры V - XV вв. М., 1982.

Дарснинг мазмуни: Кўлёзма манбаларнинг ёзув тарихи билан биргалиқда ривожланиб бориши. Хатнинг китоб турига мувофиқлаштирилиши.

Ёзув нутқ билан бир қаторда иккинчи алоқа воситаси ҳисобланади. Маълумки, ёзувларнинг энг қадимиysi *пиктографик* ёзувдир. Улар тоғ қояларида, ғор деворларида учрайди. Бу ёзув белгилари маҳсус товуш ифодаламай, *воқеани яхлит* ҳолда билдиради.

Тошдан кейин бигиз, бамбук, тери, папирус, қоғоз, сиёҳлар каби ёзув ашёлари юзага кела бошлагач, айрим расмларининг ўзлари ифодалаган нарсага ўхшашлиги аста-секин йўқола боради. Ниҳоят, ёзув *айрим сўзларни* билдирадиган алоҳида белгилардан иборат бўлиб қолди. Бу *иероглифик* ёзувдир. Бундай ёзув энг аввал Хитой билан Мисрда пайдо бўлган. Бу ёзув алифбе ёзувининг яратилиши учун замин тайёрлаб берди. Унинг асосида кейинроқ япон фонетик бўғинли (силлабик) ва корейс фонетик (алифбо) ёзуви юзага келди.

Қадимги Миср иероглифик ёзуви кейинчалик (эр. ав. 4-минг йиллик) алоҳида бўғин ва нутқ товушларини ифодалайдиган бўлди. Худди шу даврларда пиктографик ёзувдан хатнинг яна бошқа бир тури—мих ёки поначаларга ўхшаш белгилардан иборат бўлган *міхҳат* келиб чиққан. Бу ёзувни *шумерлар* яратган, сомийлар уни ўз тилларига мослаштириб олишган. Ўрта ва Яқин шарқда милоднинг биринчи асригача бу хатдан кенг фойдаланилган. Ундаги матн юқоридан пастга қараб ёзилган. Хат лойдан қилинган тахтачаларга шакл тушириб ёзилган. Учинчи минг йиллик ўрталаридан бу хатни чапдан ўнгга ёза бошлашган.

Дастлабки алифбо ёзуви Мисрда иероглифик ёзув белгиларидан 20 тасини олиб, унли ва ундош товушларни ифодалайдиган (фонетик) ёзув шаклида юзага келди.

Эрамиздан бир ярим минг йиллар аввал бу ёзувдан *финикия* ёзуви пайдо бўлди. Бу алифбо асосан, ундош товушларни ифодалаган. У учта катта тармоққа бўлинниб:

—ОРОМЕЙ-СУРИЯ тармоғи шарққа,

—ЖАНУБИЙ АРАБИСТОН тармоғи жанубга,
—ЮНОН-ЕВРОПА тармоғи ғарбга тарқалиб кетган.

Оромей-суря ёзуви эрамизнинг бошларида араб ёзувининг яратилишига асос бўлган. «Ислом дини пайдо бўлгунга қадар араб қабилалари, гарчи асрлар давомида ёзув маданияти юксак даражада тараққий этган халқлар билан қўшни бўлиб, ёнма-ён яшаб келган бўлсалар-да, ўз ёзувларига эга бўлмаганлар. Оромей-суря ёзувининг араб тилига мослаштирилган варианти юзага келган (Холидов А.Б. Книжная культура, с. 215).

Ёзувнинг пайдо бўлиши тарихи, тарихий тараққиёт босқичлари, ҳарф ёзув белгиларининг ўзгариб бориши филологияда алоҳида бир фан сифатида *палеография* ўрганади. Бу фан яна қўшимча равишда китоб ва қўлёзмаларни безаш ва ясаш—китобат санъатини ҳам, қадимги ёзув ёдгорликларининг материаллари, қуроллари, ёзув билан алоқадор безаклар ва ҳ.к. ларни ҳам тадқиқ этади. Палеографиянинг энг кенг тадқиқ соҳаси қўлёзмалар билан боғлиқ. Бунда биринчи навбатда ёдгорликнинг яратилиш вақти, жойи, кейин муаллифи аниқланади. Ундан кейин матнни тўғри ўқишига киришилади. Буларни аниқлашда ёдгорликнинг яратилиш вақтидаги ёзувнинг хили (жумладан, Марказий Осиё худудида турли даврларда руний, сўғд, уйғур, хоразм, тохар, араб ёзувлари бўлганлиги), имло, қофоз, сиёҳ тури, хаттотлиқ, рассомлик, сахҳофлик усуслари эътиборга олинади.

Палеографияни яхши ўзлаштириш учун қуйидаги ёрдамчи *фанларнинг* муайян қисмларидан маълум даражада хабардор бўлиш керак:

—матншунослик, тилшунослик, тарих, адабиёт тарихи, санъат тарихи, кимё (сиёҳ ва бўёклар таркиби), физика (органик материаллар даврини белгилаш).

Палеография ёзув хилига ва қайси халқقا мансублигига қараб фақат хусусий (фақат бир ёзувга боғлиқ) йўналишда ривожланади. Умумий палеография фани ҳозирча йўқ. Биз

фақат араб ёзуви палеографиясига боғлиқ тарзда ишлар олиб борамиз.

Қайси ёзувнинг қайси даврда пайдо бўла бошлаганини билиш қўлёзма манбаларнинг қайси даврга мансублигини аниқлашда керак бўлади. Жумладан, куфий (Х асргача кенг, XV асргача сийрак), уйғур (араб ёзуви тарқалгунча кенг, XV асргача камроқ), насх (Х асрдан кенг), настаълик (XV асрдан кенг) расм бўлган ёзувларини қаерларда ва қайси даврларда қўлланилганини эслаб кўришнинг ўзи кифоя.

Бунинг устига бир пайтнинг ўзида қўлланилган турли ёзувларнинг ўзига хос вазифалари бўлгани кузатилади. Жумладан, араб тилидаги илмий асарларга кўпроқ насх хати, форсийдаги адабий-тарихий асарларга настаълик хати лозим кўрилган. Форсий ва туркий матн ичидаги арабий иқтибослар учун насх хати маъқул ҳисобланган.

Саволлар:

- * Шумерлар яратган ёзув нима деб аталади ва нега?
- * Умумий палеография фанини нега яратиб бўлмайди?
- * Қуйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг:
<пиктография, иероглиф, миххат, фонетик ёзув>

ОЛТИНЧИ МАВУ

Турли ёзувда ва даврларда юзага келган манбаларга обзор

Адабиёт: Н. М а л л а е в, Ўзбек адабиёти тарихи, –Т., 1973: К р а ч к о в с к а я В.А. Памятники арабского письма Ср. Азии и Закавказья до IX в., в сб. Эпиграфика Востока. 1952, вып. 6; ЎзСЭ: “Хаттотлик” “Ёзув” мақолалари; Л и в ш и ц В.А. Согдийский документ В-4 с горы Муг. - Проб. Востоковедения, 1959, № 6.; Абдураҳмонов F, Рустамов А. Қадимги туркий тил, –Т., 1982.

Дарснинг мазмуни: Ўлкамизда ишлатилган хат турлари, уларнинг келиб чиқиши. Қадим хат турларида уларда ёзилган ёдгорликлар.

Оромей—суря ёзуви негзидаги авеста, хоразмий, сўғд, кушон, руний, уйғур ёзувлари вужудга келди.

1. *Авеста ёзуви.* Бу ёзув эрамиздан 2000 йил аввал юзага кела бошлаган ва оғзаки тарзда сақланиб келган зардуштийлик динининг муқаддас китобидир. Бу дин Эрон, Озарбайжон ва Марказий Осиё халқлари орасида исломгача асосий диний эътиқод сифатида кенг тарқалган эди. «Авеста» китоби Эронда сосонийлардан Анушервон (Хусрав I) даврида (531–578) ёзув маданиятининг яхши ривожланган бир пайтда хатга туширилди. Бу даврда сосонийларда паҳлавий ёзуви, оромий-суря ёзуви кенг расм бўлган бўлса ҳам, «Авеста» китобидаги диний аҳкомларнинг қироатини ўрнига қўйиб ўқилиши талабига жавоб бериши учун «Авеста» тили фонетикасини яхши ифодалай оладиган маҳсус ёзув ишлаб чиқилган. <М.Баҳор, Сабкшуноси, 1-жилд, 81-б.> 44 та ҳарф ва белгилардан иборат бу ёзувда хат горизонтал ҳолатда ўнгдай чапга қараб ёзилган. <қ.: Н.Маллаев, Ўзбек адабиёти тарихи, –Т., 1973>.

2. *Хоразм ёзуви.* Марказий Осиёда узок асрлар давомида қўлланган ёзувларнинг асосий икки туридан бири бўлиб (иккинчиси сўғд), жуда қадимги даврларда пайдо бўлган. Хоразм ёзуви оромей ёзувининг энг қадимги анъаналарини сақлаб қолган ёзувдир. Бу ҳол унинг Марказий Осиёдаги бошқа ёзувлардан бирмунча илгари шаклланганлигини билдиради. Бу ёзувнинг эр. аввалги III асрга мансуб ёдгорликлари (*буюмлар*) топилган (Кўйқирилди қалъаси—Н.Маллаев, Ўзбек адабиёти тарихи, 34-б.).

3. *Сўғд ёзуви.* Марказий Осиёда узок вақт қўлланган иккинчи ёзув тури. Милоддан аввалги сўнгги минг йилликнинг охирларида оромей алифбосидан ажралиб чиққан. Бу ёзув ҳам ўнгдан чапга қараб ёзилган. Қадим манбаларда бу алифбода 25 та ҳарф борлиги таъкидланади. Бироқ сақланиб қолган ёдгорликларга қараганда 20—25 орасида фарқланиб туради.

Сүфд ёзуви *фақат ундоши* товушларнигина ифодалаган. Унли товушлар ёзувда ифода этилмаган. *a, e, u* унлилари ундошлар ёрдамида берилган. Бу ёзувнинг милод бошларига оид энг қадимги намунаси Самарқанд яқинидаги Фолий Барзу деган жойдан топилган. Бу ёзувнинг энг сўнгги ёдгорлиги IX аср бошларга оид. Бу ёдгорликнинг кўпчилиги Шинжондан топилган. Шулардан бири 808—821 йиллар хукмронлик қилган хоқон шарафига битилган қабр тоши ёзувидир (тошга сўфд, туркий ва хитой тилида ёзилган) <ЎзСЭ, X-160>. Булар қаторида «Каван китоблари» деб аталган ҳамда «Калила Димна» асосида яратилган ибратомуз хикоя ва масаллардан иборат ёдгорлик ҳам бор.

4. *Кушон ёзуви*. Сўфд ёзуви билан олдинма-кейин пайдо бўлган ёзувдир. Эр. ав. I—милоднинг III асрида Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистоннинг турли вилоятларини бирлаштирган Кушон подшоҳлиги даврларида кенг кўлланилган ёзув. Танга ва зеб-зийнатларда сақланиб қолган. Марказий Осиёда бу подшоҳлик даврида ҳиндларнинг қҳароштий ёзуви ҳам кўлланилгани маълум.

5. *Рун ёзуви* (Дулбаржин). Эрамизнинг биринчи асрларидан туркий ёзув сифатида вужудга келди. Ўрхун-энасой битиклари шу ёзувда ёзилган. Ибн Арабшоҳ унда 41 та ҳарфи бор дейди. Кўшимча ва айиргичлар билан шунчалик кўпайиб кетган. <қ.: Кадимий туркий тил, 12-б.> Бу ёзувнинг Ўрхун, Турфан, Энласой варианлари мавжуд. Ўрхун ёзувида 4 та унли, энласой ёзувида 5 та унли товуш билдирувчи ҳарф бор. Ўрхун ёзуви юқоридан пастга ва ўнгдан чапга караб ёзилган. Юқоридан пастга ёзилган ҳарфлар чап ёнга ётқизилган ҳолатда бўлади. Сатрлар ҳам ўнгдан бошланади. Сўзлар, баъзан бирикмалар бир-бирларидан айиргич (икки нуқта) билан ажратилади. Унлилар бир ёзилиб, бир ёзилмайди: «*a*» сўз боши ва ўртасида кўпинча ёзилмайди; «*ii*» эса доим ёзилади. Бу ёзувда қоғозга битилган «Таъбирнома» асари ҳам сақланиб қолган.

6. *Уйғур ёзуви*. Ўрхун-Энласой ёзуви билан деярли олдинмакетин юзага келган. Сўфд ёзувининг туркийлашувидан келиб чиқкан. Уйғур ёзуви факат Шарқий Туркистондагина эмас,

Мовароуннахр ва Хурсонда ҳам кейинги асрларга қадар кўлланилиб келинган. XIV—XV асрларда темурийлар саройларида қисман бўлса-да шу ёзувдан фойдаланишган (Беляев уни мўғул ёзуви дейди). Бу ёзувда XV асрда (Еттисувда) кўчирилган «Ўғузнома» достони бор. Бу ёзувда «Қутадғу билиг» нинг Вена нусхаси, Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойик» асари, Хоразмийнинг «Мұхаббатнома»си, «Ўғузнома», «Мерожнома»лар сақланиб қолган. Тўхтамиш ва Тумур Кутлуғларнинг ҳам ёрлиқлари уйғур ёзувдан битилган. Бу ёзувга Маҳмуд Кошғарий түрк ёзуви деб таъриф беради ва унинг алифбосини қуидагича тавсиф этади: «Түрк тилларида ишлатиладиган ҳарфларнинг ҳаммаси 18 та асосий ўзак ҳарфдан иборат. Улардан ташқари 7 та тармоқ ҳарф бўлиб, улар ёзувда акс этмаган, бироқ сўзлар улардан ҳоли бўлмайди».

Уйғур ёзуви сўғд ёзувидан, сўғд ёзуви оромей ёзувидан пайдо бўлгани учун у ўрхун ёзувига нисбатан туркий тилларнинг фонетик хусусиятини яхши ифодалай олмайди. Уйғур ёзуви ўнгдан чапга, ҳарфлар бир-бирига икки ёки бир ёндан қўшиб ёзилади. Шунинг учун ҳар бир ҳарф уч элементдан иборат. I асосий элемент бўлиб, у ҳарфнинг ҳамма кўринишларида ҳам сақланади ва товушни шу элемент ифодалайди. II улагич чизиқчалардан иборат бўлиб, булар ҳарфни ҳарфга қўшиш пайтида пайдо бўлади. III тугалловчи чизиқ бўлиб, бу ҳарфлар алоҳида ёки охирги кўринишида ўзак, негиз ёки қўшимчалар охирида пайдо бўлади.

7. *Араб ёзуви*. Эрамизнинг бошларида оромей-сурия ёзувидан пайдо бўлган. Кейинчалик, араблар истелосидан кейин, бу ёзув бошка мамлакатларга ҳам тарқалган. Бу алифбонинг энг қадимги шакли Фирот дарёси қирғоғида жойлашган Куфа шаҳри номи билан юритиладиган куфий ёзувдир. Куфий ёзувдаги 28 та ҳарфдан 18 таси ундош (ҳозир 28 тадан 3 таси унли). Бу ёзувни ўзлаштиришда турли ҳалқлар ўз тилларига мувофиқлаштириб қабул қилганлар. Бу мувофиқлаштириши кўпинча араб ёзувидаги барча ҳарфларни сақлаб қолган ҳолда ўз товушларини ифодаловчи қўшимчалар киритиш тарзида рўй берган (форсий, уйғур, пушту ҳарфлари

бунга мисол бўла олади.) Бу ёзув ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлиш учун ёзув тарихини алоҳида ўқув фани сифатида режалаштироқ мақсадга мувофиқидир.

Саволлар:

- * Араб ёзувидан бошқа яна қайси ёзувда фақат ундош товушларгина ифодаланган?]
- * Маҳмуд Кошғарий қайси ёзувга *турк ёзуви* деб таъриф беради?
- * Рун ёзуви фақатгина тошга битилганми?
- * XIV—XV асрларда темурийлар саройларида араб ёзувидан ташқари, қисман бўлса-да, яна қандай ёзувдан фойдаланишган?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <«мўғул ёзуви», «турк ёзуви», «дулбаржин», алифбони бошқа тилга мувофиқлаштириш>

ЕТТИНЧИ МАВУ

Туркий адабиётнинг энг қадимги манбалари

Адабиёт: Қ а ю м о в А. Қадимият обидалари, –Т., 1972; Қадимий ҳикматлар. Ўзбек адабиёти бўстони туркум нашридан, –Т., 1987; С у л а й м о н о в а Ф. Гарб ва Шарқ. –Т., 1997.

Дарснинг мазмуни: Қадим ёдгорликларнинг манба сифатида босиб ўтган йўли. Манба тарихи тушунчаси. «Авеста», Қадимий қиссалар.

Манбашуносликнинг қизиқиши доираси манбаларнинг фоявий мазмунини эмас, унинг манба сифатида босиб ўтган йўли—манба тарихини қамраб олади. Манба тарихи маълумотларини шартли равишда учга бўлиб тадқиқ ва таҳлил

қилишимиз мумкин. Манбанинг юзага келиши, кўпайтирилиши, ўрганилиши.

АВЕСТА. Халқ бадиий тафаккурининг илдизлари, маълумки, халқ оғзаки ижоди, у орқали афсона ва асотирларга бориб тақалади. Марказий Осиё ва эрон халқларининг энг қадимги афсона ва асотирларларини ўзида мужассам этган манба «Авеста» китобидир. «Авеста» зардўштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, минтақамизнинг исломгача бўлган ижтимоий-маданий ҳаётида катта ўрин тутиб келган. Бу ерда биз «Авеста»нинг манба сифатида босиб ўтган йўлига—манба тарихига тўхталамиз.

Кейинги маълумотларга қараганда, бу таълимот бундан қарийб уч минг йил илгари вужудга келган. Милоддан олдинги VI асрларда китоб ҳолига келтирилган. Беруний ва Табарийларнинг маълумот беришларича, подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида бу китобнинг ўн икки минг қорамол терисига (Табарийда пергаментга) тилла ҳал билан битилган нусхаси бўлган. Искандар босқини пайтида Александр Македонский (эр. ав. 336—323) унинг илми нужум, табииёт, табобат, риёзиёт каби фанларга оид зарур жойларини таржима қилдиририб, Юнон юртига жўнатади ва қолганини куйдириб юборади <Сулаймонова Ф. Фарб ва Шарқ, 25-б.>. Кейинчалик (милоднинг 227—273 йиллари) бу асар яна қолдиқлардан қайта тикланади. Бундай нусхалардан иккитаси ҳозир Хиндистонда, биттаси Копенгагенда сакланади. Кейинчалик кўчирилган нусхаларидан бири Тошкентда— Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида ҳам бор.

«Авеста»нинг бизгача етиб келган бу нусхалари тўла ҳолда эмас. Унинг Ясна, Яшт, Виспарад, Вендидод деб номланган қисмларигина сақланиб қолган.

—Ясна—«Гат» деб аталган қўшиқлардан иборат.

—Яшт—Ахурамазда, Ер, Қуёш, Ой, Митра илоҳларига бағишланган ўзига хос «ҳамд»лар билан бир қаторда Жамшид, Горшасп, Афросиёб ҳақида афсоналар ҳикоя қилинади.

—Виспарад—Яштдан кўпда фарқ қилмайди.

—Вендиод—таълимотнинг ақида қисми бўлиб, уни бузганлар қандай жазоларга маҳкум бўлиши баён этилган.

«Авеста» **матни** қадимий сўғд ва бохтарий тилига яқин бир тилда ёзилган, **Ёзуви** юонон ва парфия ёзувининг ислоҳ қилиниши натижасида юзага келган.

Ўрганилиши. Европада «Авеста»ни ўрганишни француз Олими *Анкетиль* бошлаб берган. У Ҳиндистонга қилган сафари давомида бу асарни ўрганиб қайтгач, уни француз тилига таржима қилиб чоп этди. <Ўзбек адабиёти тарихи, 5 томлик, I т., 66-б.>

Санкт-Петербург университетининг ўқитувчиси К. Коссович 1861 йилда «Авеста»нинг тўрт асосий мақоласини рус ва лотин тилларига таржима қилди ва муфассал кириш мақоласи ҳамда лугат билан чоп этди. Рус тилига қилинга таржиаси (таржимон М.А. Салье) 1957 йилда, ўзбек тилидагиси (таржимон А.Расулов) 1968 йилда Ўз ФА нашриёти томонидан чоп этилган.

ҚАДИМИЙ ҚИССАЛАР. Бу қиссалар оғзаки шаклда тарқалган бўлиб, уларни бошқа халқларнинг сайёҳ ва олимлари қоғозга туширгани учун *хорижий манбаларда*—бошқа тилларда сақланиб қолган. Шу боис бу манбалар яратилиш давр тил хусусиятлари учун материал бўла олмайди. Улар Юнон тарихчилари Ҳеродот (эр. ав. 484—425)нинг «Тарих» китобида (История в девяти книгах. Ленинград, 1972), Полиэн (эр. ав. II а.) «Ҳарбий ҳийлалар» асарида, сицилиялик тарихчи—Диодор (эр. ав. I а.)нинг «Кутубхона» асарида сақланиб қолган. Булардан ташкари, ўша давр Даван (Фаргона) ижтимоий ҳаётидан хитой сайёхи Чжан Сянъ (эр. ав. II а.) ҳам хабар беради ва ундаги маълумотлар бу қиссаларни тасдиқлайди.

Ўрганилиши.

Тўмарис қиссаси (эр. ав. IV а. воқеалари) бу китобда «Кирнинг массагетларга қарши юриши» сарлавҳаси остида берилган. Ушбу қиссанинг батафсил баёни 1947 йил «Вестник древней истории» журналида В.В. Латишевнинг «Древние писатели о Скифии и Кавказе» мақолалари туркумида босилган.

Ундан «Ўзбекистон ССР тарихи», Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (—Т., 1963, 1976.), «Ўзбек адабиёти бўстони» туркум нашрида («Қадимий ҳикматлар»—1987 йил) қисқача мазмуни берилган.

Аморг ва Спаретра қиссаси юон тарихчилари Ктесий ва Полисий асарларида сақланиб қолган. Ундан Б.Я. Синявицкий «Между Помиром и Каспием» (М., 1966), «Ўзбекистон ССР тарихи» (I т. —Т., 1970, 86—87-бетлар), Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (—Т., 1963, 1976.). Бунда ҳам Эрон шохи Кирнинг саклар ерига бостириб кириши ва малика Спаретранинг қаҳрамонликлари тасвирланган.

Широқ қиссаси Юон тарихчиси Полиэн (эр. ав. II а.) «Ҳарбий ҳийлалар» асарида, ундан олиб Б.Я. Синявицкий «Между Помиром и Каспием» (М., 1966), Н. Маллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» (—Т., 1963, 1976.), «Ўзбек адабиёти бўстони» туркум нашри «Қадимий ҳикматлар» (1987 йил) китобида қисқача мазмуни берилган. Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида (40-боб) «Широқ»нинг ҳиндча варианти «Шоҳканик ва рожа Канжанинг вазири» номи билан келтирилади. Бу манбалар асосида ёзувчи М. Осим мўъжазгина (3 бетлик) «Широқ» бадиий қиссасини яратди.

Зариадр ва Одатида тарихчи Харес Митиленский (эр. ав. IV а.) нинг асарида сақланиб қолган. Қисса «Ўзбек адабиёти бўстони» туркум нашрида («Қадимий ҳикматлар»—1987 йил) қисқача мазмуни берилган. Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (—Т., 1963, 1976.)да қиссанинг қисқача мазмуни келтирилган.

Зарина ва Странгия қиссасини сицилиялик тарихчи— Диодор «Кутубхона» асарида тарихчи Ктезий (430—354) қолдирган маълумотларга асосланиб баён этган. Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (—Т., 1963, 1976.) да қиссанинг қисқача мазмуни келтирилган.

Искандар қиссаси «Тарихи Табарий»да сақланиб қолган. Унинг қисқача мазмуни «Ўзбек адабиёти тарихи» беш жилдлигида келтирилган (1-жилд, —Т., Фан, 1977).

Рустам қиссаси эрамизнинг VI—VII асрларида сўғдларда пайдо бўлган. «Рустами достон» халқ китоблари тарзида тарқалган. Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (—Т., 1963, 1976.) да қиссанинг қисқача мазмуни келтирилган.

Сиёвуши қиссаси қадим форс-тожик адабиётида, «Шоҳнома»да, Наршахий ва Беруний асарларида сақланниб қолган. Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (—Т., 1963, 1976.) да қиссанинг қисқача мазмуни келтирилган.

Бу қиссалар «Ўзбек адабиёти тарихи» беш жилдлигида (1-жилд, —Т., Фан, 1977) адабий манбалар сифатида келтирилган ва таҳлил қилинган.

Кўриб турганимиздек, бу асарларнинг асл нусхалари бизгача сақланмаган. Йиллар, асрлар ўтган сайн уларнинг мазмуни қолган бўлса-да, бадиий шакли ўзгара борган.

Саволлар:

- * «Авеста» ҳақида ўрта аср тадқиқотчиларидан кимлар қандай маълумотлар беришган?
- * Қадимий қиссаларни туркӣ тил хусусиятларини ўрганиш манбаси сифатида олиш мумкинми?
- * Қадимий қиссаларнинг манбашунослик тархини баён этинг.
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <манба тарихи, хорижий манбалар>

САККИЗИНЧИ МАВУ

Ислом даври манбашунослигининг шаклланиши ва ривожланиши

Адабиёт: М а в л ю т о в Р.Р. Ислам. М., 1969, 58—65-бетлар; Ҳадис. 4 жилдлик, 1-жилд, Сўз боши, —Т., 1991, 4-бет; Тафсири Ҳилол. —Т., 1991; У. Уватов. Муслим ибн ал-Хажож. —Т., 1995, Ўз СЭ, “Куръон” мақоласи.

Дарснинг мазмуни: Исломий манбаларнинг юзага келиш тарихи. Тафсир илми манбалари.

Маълумки, қадим араб тилидаги ёзма ёдгорликлар Арабистон ва Суриянинг жанубидаги қоятошларга эрамизнинг I асрлари атрофида битилган битиктошлардан иборатdir. Жоҳилия даври V—VII асрлар шеърияти ҳам оғзаки тарзда ривожлана бориб, VIII—X асрларга келибгина хатга туширилди. Ёзма адабиёт арабларда VIII асрдан юзага келди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, вахий тарзида 610 йилдан бошлаб кела бошлаган оятлар саҳобалар томонидан ёдда сақланган, айримлари тери ва суякларга ёзиган кўйилган (М.: Абу Бакр кўлида). Уларнинг барчасини ёд билган кишиларни ҳофизлар дейишган. Расулуллоҳ вафотларидан кейинги жиҳотлардан бирида бундай ҳофизлардан бирданига 18 таси шаҳид бўлиши исломроҳнамоларини сергаклантириди.

Араб манбаларидан маълумки, *Абу Бакр ва Умар* саҳобалардан Зайд ибн Собитга бу оятларни тўла ёд билган киши сифатида уларни тўлалигича хатга туширишни топширдилар. Бироқ бу орада бошқа саҳобаларда ёзиган олинган яна бошқа оятлар ҳам борлиги маълум бўлиб қолди. *Халифа Усмон* (р) яна Зайдга топшириқ бериб, Куръонни барқарор, мукаммал шаклини ҳатга туширишни буюрдилар. Зайд ўзи йикқан оятларни Расулуллоҳга бевосита яқин бўлган маккалик саҳобалардан олинган оятлар билан тўлдириб, Куръонни қатъий сураларга тақсимлади ва у ҳозирги шаклга келтирилди.

VII асрнинг ўрталарида барқарор шаклда қоғозга кўчган Куръоннинг матншунослари ўз хизматларини вижданон бажарганликларига ҳеч бир шубҳа йўқ. Сабаби бу барқарор шакл бу оятларни ёд билган саҳобалар ҳали ҳаётлик вақтларида ёзиган келган бўлиб, уларнинг барчалари томонидан эътироф этилган ва бирор бир эътиrozга сабаб бўлгани ҳақида маълумотлар йўқ. Куръон хатга қуфий ёзувда туширилди. Тахминан 702 йилларда унинг матнини кўчириб ёзишда ҳаракатлар кўйиладиган бўлди (қ.: Климович, Ислам, 1965. С.44).

Куръон 114 та *сурадан* иборат бўлиб, дастлабки—Сураи фотиҳани ҳисобга олмагандан энг узун суралардан бошланиб, у ёғига қисқара боради ва кам оят ли суралар билан якунланади. Куръон китоб ҳолига келгач, у кўплаб кўчирила бошлади. Шу билан бирга халқ маънавий эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган бошқа илмлар юзасидан ёзиладиган китобларга ҳам йўл очила бошлади. Масжид ва мадрасаларда, саройларда китоб хазиналари юзага келди. Исломгача бўлган давр адабий, тарихий ва илмий манбалари бир сидра кўриб чиқилди ва ҳ.к.

ҲАДИС. Маълумки, ҳадислар ислом оламида Куръондан кейинги иккинчи муқаддас манба ҳисобланниб, ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатларига ўз таъсирини кўрсатган. *Муҳаддислик* (ҳадис йиғиш анъаналари) Расуулulloҳ ҳаёт вақтларидаёқ юзага келган. Ҳимом ибн Мунаббихнинг (вфт.101 ҳ.) «Саҳийфа» асари энг қадимий ҳадис ҳисобланади. У 138 та ҳадисдан иборат бўлган. Бу асарнинг VI аср ҳижрийда кўчирилган нусхаси сақланиб қолган. Исломшунос олим У. Уватовнинг хабар беришича, китоб шаклида, расмий равища ёзилган биринчи ҳадис китоби ҳижозлик олим Ибн Шиҳоб аз-Захрий (вфт.124 ҳ.) қаламига мансуб. Бу тўплам халифа Умар кўрсатмаси билан юзага келган. Умуман, халифа Умар мадиналикларга ҳам ҳудди шундай топшириқлар берган. Ҳижрийнинг иккинчи асрида яратилган ҳадис тўпламлари ичida Молик ибн Анаснинг «Муватта» номли китоби (Уватов, 9-б.) алоҳида қадрланади. Шуни ҳам айтиш керакки, бу асрда кўплаб нуқсонли ҳадислар, улар қаторида ҳатто сохта ҳадислар ҳам тарқаб кетди.

Муҳаддислик ҳижрийнинг учинчи асрида ўзининг чўққисига кўтарилган. Улар орасида олтита тўплам ҳадисларнинг фақат тўғриларини тўплаганликлари билан беҳад эътибор қозониб, «Саҳиҳ сittа» ёки «Кутуби сitta» номи остида машҳур бўлди. Улар: «Саҳиҳ ал-Бухорий», «Саҳиҳ Муслим», «Сухан Абу Довуд», «Жомеъ ат-Термизий», «Сухан ан-Нисоий», «Саҳиҳ Ибн Можа».

ТАФСИР ИЛМИ. Ислом дини турли тилларда сўзлашувчи халқлар ўртасида кенг ёйилган бўлса-да, уни таржима қилиш

тақиқланган, фақат тафсир қилиш (айнан изоҳлаш) анъанага айланган.

Шарх, изоҳ, бирор матнинг маъносини ечиш *тафсир* дейилади. Диний маънода Қуръон оятларини изоҳлаш ва шу тўғрисида ёзилган китоб. Тафсирда одатда, ҳар бир сурा ёки оятнинг қайси ерда нозил бўлгани, сурада нечта оят борлиги ва нималар хусусида гап кетиши, нозил бўлиш сабаблари батафсил ёритилади. Ислом дини тарихида ва қўлёзма фондларимизда форс, турк, урду ва бошқа тилларда бундай тафсирлар жуда кўп. Аммо улардан тўққизтаси—Тафсири Табарий, Тафсири Саолибий, Тафсири Замаҳшарий, Тафсири Байзовий, Тафсири Фахриддин Розий, Тафсири Жалолайн (икки Жалол)—суннийликда; Тафсири Табарий, Тафсири Хиллий, Тафсири Ҳусайнний—шиаликда тан олинган ва кенг тарқалган. Марказий Осиё минтақасида кўпроқ Қуръоннинг татар тилида қилинган тафсирлари тарқалган эди. Сўнгги пайтларда ўзбек тилида яратилган тафсирлардан собиқ муфтий Мухаммад Содикнинг «Тафсири ҳилол» (—Т., «Мовароуннахр», 1991) ни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Булардан ташқари Қуръонни Ибн ал-Арабий бошлаб берган сўфиёна талқин қилишлар ҳам учрайди ва уни *таъвил* (мажозий талқин) деб аташади. Бу кўпроқ шиа йўналиши ва тасаввув тариқатларида тарқалган.

Хозирда тафсирларда Қуръони карим оятлари матни транслитерацияда берилади. Сўнг оятнинг таржимаси ҳамда тафсир шарти ёзилади. Лозим бўлган ўринларда тарихий киссалар келтирилади. Бир сўз билан айтганда, ўкувчи учун қуляй ва тушунарли килиб тафсир этилади. Тафсир этиш турли муносабат билан ёзилган мақолалар таркибида далилловчи хужжат тарзида ҳам учрайди.

Қуръоннинг ёзма китоб тарзида юзага келиши араб манбаларининг хатга тушиш жараёнини бошлаб берди. Жоҳилия давридан қолган кўпгина адабий мерос ёзма шаклга кирди. Бунда Қутайбанинг хизматлари катта бўлди. Бу манбаларни яратиш соҳасидагина эмас, Уларни тартибга солиш, сақлаш, кадрлаш ишлари ҳам анча жадаллашди. Бу диний манбалар

кетидан дунёвий билимларни ўзида жам этган манбалар ўз қадрини қайта топа борди. Йирик шаҳардарда диний-дунёвий билимлар хазиналарига эътибор кучайди.

Халифаликнинг Ўрта Осиёда вилоятларга қарашли бир қанча шаҳарлардаги саройларда ўқимишли хукмдорлар ҳомийлигидаги бой кутубхоналар барпо этилди. Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлган Бухорода кўп кутубхоналар ва китоб бозорларнинг бўлиши илмий-дунёвий билимларнинг ёйилишига имкон беради. Жумладан, Абу Али ибн Сино, файласуф Абу Наср Форобийнинг ўзига зарур бўлган асарини Бухоро бозоридаги китоб дўконидан топганлиги хақидаги хабари сақланиб қолган. Бу асарда, унинг ёзишича, юнон олими Арастунинг қарашлари шарҳлаб берилган эди.

Илгари саройлар ва мадрасаларда сақланиб келган қўлёзмалар бу даврда аста секин кутубхоналарда тўплана бошлади. Айни вақтда қўлёзмаларни хилларга ажратиш усуллари ишлаб чиқилди. Бу иш IX—X асрларга келиб анча юқори савияга кўтарилди.

Саволлар:

- * Куръон тахминан қайси йиллардан ҳаракатлар қўйиб қўчириладиган бўлди?
- * Куръон китоб ҳолига келиши манбашуносликда қандай ўзгаришларга сабаб бўлди?
- * ўадисларнинг йифиб китоб ҳолига келтирилишини манбашунослик ва матншуносликда қандай баҳолаш мумкин?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <сура, оят, ҳофиз, «ҳаракатлар», мухаддислик, тафсир, таъвил>

ТЎҚҚИЗИНЧИ МАВУ

Адабиётшуносликка оид қадимиий манбалар

Адабиёт: С а о л и б и й. «Ятимат уд-даҳр»—Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X—начала XI

вв. –Т., Фан, 1984; А в ф и й нинг «Лубоб ул-албоб» асари (Низомиддинов китобида); Шайх Ахмад Т а р о з и й нинг «Фунуни балоға», А т о у л л о х Ҳ у с а й н и й нинг «Бадойиъ ус-санойиъ» асарлари. –Т., 1981.

Дарснинг мазмуни: илмий асарлар, тазкира ва баёзлар, маноқиб ва ҳолотлар, манбашуносликка оид маълумотлар излаш.

Бадиий адабиётнинг тараққий этиши ўз навбатида тилшунослик ва адабиётшуносликка оид асарларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Адабий ёдгорликларни тўплаш, уларни китобат қилиш, шарҳлар битиш ва луғатлар тузиш, сўз санъати тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш илмий маърифий аҳамиятга эга бўлбигина қолмай, балки адабииётнинг амалиёти учун ҳам, адабиёт аҳллари ва китобхонлар учун ҳам катта аҳамиятга эга эди.

«Девону луғатит-турк»ни туркийда илми адабга оид бундай асарларнинг дастлабкиларидан бири дейиш мумкин. Туркий тиллар изоҳли луғати бўлган бу асар араб тилида ёзилган бўлиб, адабий манба сифатида 300га яқин туркий шеърий парча ва жуда кўп мақол ҳамда ҳикматли сўзларни ўз ичига олган. Асар ундаги сўзларнинг тилимизда қайси пайтлардан бошлаб қўлланилиб келишини қўрсатувчи манба бўлиб ҳам ҳисобланади. Маҳмуд Кошғарий «Алп Эртўнга» (Афросиёб), Искандар ва бошқалар ҳақида халқ орасида мавжуд бўлган айрим афсона ва ривоятларни ҳам баён қиласи. Шу билан бирга, муаллиф йўл-йўлакай бўлса ҳам, баъзи адабий жанрлар ҳақида, вазн, истиора, ўхшатиш ва бошқа назарий тушунчалар ҳақида маълумот беради. Бу бирмунча содда тарзда бўлса ҳам, ўша даврларда адабиёт назариясига доир айрим масалаларнинг илмий асосда ўрганилгани ва маълум қоидалар яратилганини кўрсатади.

Бу асарда айрим парчаларнинг тили ва услубига қараб улар олинган асарларнинг яратилиш даврларини фараз қилиш ҳам мумкин. Кўпгина адабий парчаларда қабилаларнинг жуда

қадимги патриархал ҳаёти, ибтидоий жамоа қолдиқлари, табиат ҳодисаларига нисбатан содда қараш ифодаланган ҳамда уларда ислом дини ақидаларининг изи кўринмайди, арабча сўзлар ишлатилмайди.

IX асрда вужудга кела бошлаган *тазкирачилик* ҳам ўзига хос тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Кўлёзма китобларнинг кўпайтириш имкони чекланганлиги туфайли адабиёт ихлосмандлари турли шеърларни, асарларни дафтарларга кўчириб олиб кичик-кичик тўпламлар тузар эдилар. Машхур ёзувчиларнинг асарларидан намуна сифатида тузилган бундай илк тўпламларда биографик маълумот у ёқда турсин, кўпинча, шоирнинг номи ҳам қайд этилмас эди. Лекин вақт ўтиши билан тўпламларга ёзувчилар ва адабий намуналар кўпроқ кириб боради ва натижада муаллифлар ҳаёти ва фаолияти ҳамда асарлари ҳақида маълумотлар бериш зарурати юзага келади. Шу тахлит вужудга келган тўпламлар илк тазкиралар эди.

Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётшунослигига тазкиранависликни Саолибий (вфт. 1037) бошлаб берган (бу ҳақида 1-мавзуга қаранг).

Бу даврда бадиий адабиётда эришилган катта муваффақиятлар замираиде адабиётшунослик ҳам маълум ютуқларни кўлга киритди. Буюк ёзувчиларнинг асарларини тўплаш, қайта китобат қилиш ишлари кучайди. Жумладан, Бойсунқур даврида (XV аср) Шоҳноманинг чоғиштирма матни тузилиб, Хусрав Дехлавийнинг лирик асарлари девон шаклини олди. Навоий асарлари асосида «Бадойи ул-луғат» китоби вужудга келди. Аруз вазни, қофия, муаммо жанри, бадиий санъатлар ва бошқалар ҳақида бир қанча *адабий рисолалар* пайдо бўлди. Сайбакнинг аruzга доир икки рисоласи, Сайфи Бухорийнинг «Аруз», «Радойиф ул-ашъор» рисолалари, Камолиддин Хусайннинг муаммо ҳақидаги рисоласи, Жомийнинг муаммо ва қофия юзасидан яратган рисолалари, Навоийнинг «Мезон ул-авzon», «Мажолис ун-нафоис» ва «Рисолаи муаммо» асарлари, Бобурнинг вазн ва қофияга доир «Муфассал» асари, Ҳилолийнинг «Рисолаи қофия»си ва

бошқалар шулар жумласидандир. Улар орасида ҳатто турли асарларга ёзилган *муқаддима* ёки *дебочаларда* ҳам кутилмаганда манбашунос учун қимматли маълумотлар чиқиб қолиши мумкин. Бевосита адабиётшуносликка оид асарлардан ташқари, адабиёт тарихи ва назариясига доир маълумот ва фикр мулоҳазалар бадиий асарларда (айниқса, Навоий ва Жомий асарларида) тарих китоблари ва мемуларда (Восифийнинг «Бадойи ул-вақое», Бобурнинг «Бобурнома»си ва бошқаларда) ҳам ўз ифодасини топади. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, адабиётшуносликнинг равнақ топишига катта ҳисса қўшган ва ўз даври адабиёти ҳамда кейинги босқичлар адабиёти тараққиёти учун маълум дастуруламал бўлиб хизмат қилган эди. Бироқ бу даврнинг адабиётшунослиги адабий жараёнининг айрим масалаларидангина баҳс қиласарди. Аммо бу нуқсонларига қарамай, адабиёт тарихи ва сўз санъатининг айрим назарий масалаларини ўрганишда ўзининг маълум қимматини ҳамон сақлаб келмоқда. Айниқса уларнинг бизни қизиқтирган манбалар ҳақида маълумотлар бериши мумкинлиги ниҳоятда муҳим.

Саволлар:

- * «Девону лугатит-турк»ни нимаси билан адабиётшуносликка оид манба дейиш мумкин?
- * Тазкираларда манбашуносликка оид қандай маълумотлар топиш мумкин?
- * Аruz вазнига оид қандай манбаларни тавсия эта оласиз?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <изоҳли луғат, тазкира, адабий рисолалар>

ЎНИНЧИ МАВУ

Марказий Осиёда қогоз ишилаб чиқарииш ва китоб яратилиши тарихи

Адабиёт: С а о л и б и й. «Ятимат уд-даҳр»—Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X—начала XI вв. —Т., Фан, 1984; А в ф и й нинг «Лубоб ул-албоб» асари (Низомиддинов китобида); Шайх Ахмад Т а р о з и й нинг «Фунуни балоға», А т о у л л о х Ҳ у с ай н и й нинг «Бадойиъ ус-санойиъ» асарлари. —Т., 1981; Ҳ а б и б у л л а е в Н. Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш тарихидан. —Т., 1992; Р у с т а м о в М. Ўзбек китоби. —Т., 1968; Ўзбекистон тарихи, б-синф, —Т., 1994, 270—272-б.

Дарснинг мазмуни: Китобат; хаттотлик, наққошлик санъати. Ҳирот Самарқанд, Бухоро хаттотлик мактаблари.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, қоғоз дунё бўйича милоднинг II асрида Хитойда кашф этилган. У ўсимлик танасидан ҳосил қилинган қипиқкан тайёрланган бўтқани юпқа қилиб ёйиб қуритиш йўли билан ҳосил қилинган. VI асрлардан бошлаб бу усулда қоғоз ишлаб чиқариш Осиёнинг бошқа мамлакатларига, шу жумладан, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларига ҳам ёйилди. Шубҳасиз, тез орада, ёзув ашёси сифатида ишлатилиб келинган тери, пергамент ва папирусларни қасодга учратди.

XV асрга келиб Самарқанд, Бухоро шаҳарлари замонанинг қоғоз ишлаб чиқарувчи энг йирик марказлари даражасига кўтарилди. Бу ерлардаги усталар ишлаган қоғоз жуда катта шуҳрат қозонган. Уларнинг қоғозлари бошқа жойларнидан пишиқ ва силлиқ саналар эди. Темурийларнинг иккинчи пойтахти Ҳиротдаги қоғоз жувози ҳам машҳур бўлган (қ.: «Бобурнома»). Бу пайтлар бундай жувозларда икки турли қоғоз ишлаб чиқарилган.

Биринчиси, холис ипак лослардан тайёрланган бўлиб, жуда пишиқ ва чиройли, тоза ва силлиқлиги билан ажралиб туради.

Иккинчи хили ипак билан каноп толасининг тенг нисбатдаги аралашмасидан тайёрланган (қофози ним катоний) қоришма керакли қалинликда куйилиб, соя жойда қуритилган. Ҳар иккала томонидан буғдой унидан қилинган аталасимон елим (крахмал, охор) юпқа қилиб суркаб, яна қуритилган. Сўнг

ақиқдан қилингандын тиши ёки чиганоқ (*муҳра*) билан пардозланған. Бу қоғоз яхши охор берилған бўлиб, ялтироқ, пишиқ ва салмоқли бўлиб чиққан. У Ўрта Осиёнинг барча шаҳарларида XX асрларгача «охор муҳрали қоғоз» номи билан машҳур бўлган ва ишлатилиб келинганди. Бундай қоғоз хаттот хато қилиб қўйса, ўша жойни юмшоқ булут билан ювиб қуригича, бир оз крахмал суркаб, қуриганидан кейин, қайта ёзиш имконини беради.

Китобат учун маҳсус ёзув ашёлари зарур бўлган: сиёҳ, қора қамиш қалам, *мистор* (транспорант), қаламтарош (қалам учини чиқариб туриш учун), қаламқати (қаламнинг учини кесиш учун тайёрланған маҳсус суюк пластина). Ёзув қуролларининг саранжом туриш учун қаламдан.

Китоб яратиш жуда оғир ва мураккаб жараён бўлиб, бир неча хил мутахассисларнинг меҳнат фаолияти ва малалкаси билан боғлиқ бўлган. Бу жараёнда қоғозрез (қоғоз қуювчи), хаттот, мусаввир, лаввоҳ (лавҳа чизувчи), сахҳоф (муқовачи), иштирок этган. Кўпинча хаттот қўчириладиган асарнинг ҳажми, характеристири ва бўлажак китоб саҳифаларининг андозасига қараб қоғозрезга қоғоз буюрар эди.

Хатот қўлёzmани қўчиришга киришишдан аввал варакдаги сатрлар қанча бўлиши кераклигини ва улар қандай—тўғри чизик биланми, параллел чизик биланми, қиялатибми, қандай ёзилишини белгилаб олади. Шунга қараб варакнинг ҳажмига лойиқ мистар тайёрлайди ва матнни кўчиради. У нақш ва расмлар учун мусаввирга ўрин клидиради. Мусаввир тасвиirlарни хат қўчирилгандан кейин туширади.

Шундан кейин ишни лаввоҳ давом эттиради. У саҳифаларга нафис рамка (жадвал)лар ишлайди. Турли ранглар билан зийнат беради. Лозим бўлса, керакли ўринларга олтин ёки кумуш суви юргизади. Ниҳоят қўлёzmама сахҳоф қўлига ўтиб, пишиқ ва нафис муқова билан қўлёzmани китоб ҳолига келтиради. Бу ишларнинг барчаси маълум тартиб билан бажарила боради.

Қўлда қўчирилган ҳар қандай китоб ҳам китобхонларнинг талабига жавоб беравермаган. Китоб ўз мазмунидан ташқари шакли ва безатилиши билан ҳам китобхонга манзур бўлиши,

унинг диди ва талабига жавоб бериши, маълум эстетик завқ бағишлиши керак. Бинобарин, бир асарни кўчириб китоб ҳолига келтириш —китобат санъати номи билан санъатнинг бир турига айлангани ҳам бежиз эмас. Турли даврларда ва турли жойларда яшаган бундай уста-санъаткорларнинг ўз усули ва услуби бўлиб, бу анъаналар устоздан шогирдга ўтиб, давом этиб бораверган. Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ўрта асрларда бу борада ўзига хос мактаб яратганлар. XV аср китобларни безашда инсон сурати ишлатишга тўсқинликлар бўлиб тургани ҳолда ўиротда бу ишга айб деб қарамаганлар.

Хуросондаги Ҳирот китобат ва миниатюра мактабини алоҳида таъкидламоқ керак.

Саволлар:

- * Хаттотнинг матнни хатга тушириш жараёнини тасвирлаб беринг.
- * Тайёр бўлган матннинг китоб бўлиб шаклланиш жараёни қандай кечади?
- * Китобат ва миниатюра мактабларидағи фарқлар нималарда кўзга ташланади?
- * Қуйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <китобат, қофозрез, хаттот, мусаввир, лаввоҳ, сахҳоф, қофози ним катоний, охор муҳрали қофоз, >.

ЎН БИРИНЧИ МАВУ

Қўлёзмалар фонди

Адабиёт: М у н и р о в К. Шарқ қўлёзмалари, –Т., 1962; К а ю м о в А. Ўзбек адабий манбашунослиги.—«Ўзбек тили ва адабиёти» ж-ли, 1987/5.

Дарснинг мазмуни: Қадимий Шарқ мамлакатларида китоб йиғиш анъаналари. Ўрта аср китоб хазиналари. Тошкентда қўлёзмалар фондининг ташкил этилиши.

Милоддан аввалги VII аср ўрталарида ёк Шарқдаги кўпгина мамлакатлар подшоҳлари саройларида давлат хазинаси билан бир жойда сопол ва пергаментдан иборат хужжатлар тўпламлари сақланган. Қадимги Мисрда, ибодатхоналарда коҳинларга хизмат қилувчи китоб фондлари кўп бўлган.

Юнонистонда биринчи йирик кутубхонани (милоддан ав. IV асрда) Аристотель ташкил этган. Қадимги давр кутубхоналаридан энг машҳури Александрия (Искандария) кутубхонаси дидер.

Тарихий манбаларга қараганда, Марказий Осиёning кўпгина давлатларида, хусусан, Сўғдиёнада, Хоразмда учинчи асрларда ёк анчагина бой кутубхоналар бўлган. Лекин улар араблар итеълоси (VII—IX аср) натижасида талон-тарож этилган. Ислом давлатларида китоб йиғиш анъаналарининг кейинчалик қанчалар яхши йўлга қўйилганлигини Марокашда 1146 йилда қурилган Кутубия масжидининг бой кутубхонаси ҳам кўрсатиб турибди.

Муҳаммад Хоразмий, Фарғоний, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ сиймолар замоналарининг бой кутубхоналаридан фойдаланганлари, китоблар тўплаш ишларига ҳомийлик қилганлари маълум. Хусусан, Бухоро, Хива, Самарқанд каби шаҳарларда хон саройларида, мадрасаларда кўплаб нодир кўлёзмалар сақланган машҳур кутубхоналар бўлган. Бу кутубхоналарнинг кўпи фақат кутубхона вазифасини ўтаб қолмаган, балки уларда китоб тайёрлашнинг барча жараёнлари амалга оширилган <қ.: ЎзСЭ, «Нашриёт иши» мақоласи>. Лекин ўзаро урушлар натижасида кўп кутубхоналар талон-тарож қилинган, ноёб китоблар ёқиб юборилган.

Республикамиз худудида XIX асрнинг 70 йилларига келиб мадраса ва масжид кутубхоналаридан ташқари *давлат кутубхонаси* ҳам ташкил қилинди. (Навоий номли кутубхона

тариҳи шундан бошланади.) В.Л. Вяткин³ ташаббуси билан Самарқандда ҳалқ қутубхонаси ва Мирзо Улуғбек мадрасасида мусулмон қутубхонаси очилди. Унда турк, араб, форс ва бошқа тиллардаги китоблар, газета ва журналлар тўпланган. Октябр тўнтариши арафасида Туркистонда 14 та қутубхона давлат тасарруфида бўлган. Тошкентдаги «Турон» қутубхонаси ҳам инқилоб арафасида жадидлар томонидан очилган.

Булар орасида 1870 йилда ташкил этилган давлат қутубхонаси қошида Шарқ қўлёзмалари бўлими мавжуд бўлган. Унда 1889 йилда 87 жилд 1895 йилда 90 дан ортиқ жилд қўлёзма мавжуд эди. Инқилобдан кейин бу бўлимда қўлёзмалар сони тез кўпая борди. Бу асосан, ўзбек, араб, форс, тоҷик, урду, пушту, озар, турк, татар, туркман ва бошқа шарқ ҳалқлари тилида битилган қўлёзма китоблар эди. Бу қўлёзмалар ўрта аср фаннинг ҳамма тармоқларига—тариҳ, адабиёт, фалсафа, хуқуқ, фалакиёт, физика, кимё, табобат, тил, фармакология, география, мусиқа, қишлоқ хўжалиги, тасвирий санъат ва бошқа соҳаларга доир асарларни ўз ичига олади. Бу қўлёзма китоб хазинаси Ўз ФА ШИ қўлёзмалар фондига асос бўлди.

Қўлёзмаларни илмий ўрганишни ривожлантириш мақсадида 1944 йили Республика Давлат қутубхонасининг Шарқ бўлими негизида Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти тузилди. 1950 йилдан бу институт Шарқшунослик институти деб атала бошлади. Ўша пайтда Шарқшунослик институти фондида 40.000 га яқин алоҳида асарларни ўзида жамлаган 20 мингдан ортиқ қўлёзма асарлари тўпламлари мавжуд бўлган. Улардан бирқанчаси *муаллиф дастхати* ёки муаллиф ҳаётлик чоғида кўчирилган нусхалардир <қ.: СВР, 1952—75 йиллар, 11 томлик>.

1940 йилда Тошкентда адабиёт музейи очилди. 1944 йилдан бу музей Ўз ФА ТАИнинг бир бўлими бўлиб ҳисобланди

³ Вяткин Владимир Лаврентьевич (1869—1932)— Афросиёбда қазиш ишлари олиб борган (1905—31 йиллар), Улуғбек расадхонасини топган (1908—1914) археолог олим.

(1968 йилгача). 1968—78 йиллар орасида у Ўз ФАнинг мустақил бир ташкилоти сифатида ишлади. 1970 йили шу музей негизида Ўз ФА Қўлёзмалар институти ташкил қилинди ва бошқа ерлардаги қўлёзмаларниг бир қисми шу институт фондига ўтиб кетда. Бу оради фонд тинмай бойиб борди. 1981 йил маълумотларига кўра, бу фонdda 24 мингдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма китоблар сақланган. Бу фонд ва институт 1998 йил сентябр ойидан Ўз ФАШИ фонди ва институтига қўшилиб кетди.

Республикамизда ҳозир қўлёзмаларнинг асосий қисми Ўз ФА ШИ қўлёзмалар фондида сакланади. Улар ўзининг қадимиyllиги билан минг йиллик даврни ўз ичига олади. Энг қадимги қўлёзма китоблар орасида Ибн Саломнинг (вфт. 837) «Фаройиб ул-ҳадис» асари ҳам бор. Бу асар ярим куфий ярим насх хати билан 344/955 йилда кўчирилган. (Ислом минтақасида X асргача китоблар куфий ёзувда битилгани X асрдан насх хатига ўтилганини эсланг). Фондларимиздаги қўлёзмаларнинг энг янгиси XX аср бошларида ёзилган.

1943 йил 20 октябрда Тошкентда йиғилган мусулмонлар вакиллари қурултойи Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасини таъсис этди. Бошқарма мусулмонлар ўртасидаги диний ишларни бошқариб туриш, фатволар бериш, масжидларга имом-ҳатиблар тавсия этиш, диний ходимлар тайёрлаш билан шуғулланди. Шулар билан бир қаторда, бошқарма қошида кутубхона ташкил қилиниб, у ерда ҳам диний, дунёвий қўлёзма китоблар йиғила бошлади. Бу ерда қўлёзма китобларга картотека қилиб қўйилган. Бироқ фонднинг тавсифий каталоги эълон қилинмаган.

Вилоятлардаги музейларда ҳам бирмунча қўлёзмалар фондлари мавжуд:

—А. Икромов номидаги Самарқанд Давлат тарих ва нафис санъат тарихи музейи фонди;

—СамДУ фундаментал кутубхонаси;

—Бухоро санъат музейи ва ҳ.к.

Бу фонdlарда шарқ адабиёти ва тарихида шухрат қозонган адиблар Ибн Сино, Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Рабғузий, Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Амир Ҳусрав, Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Аттор, Румий, Умар Ҳайём, Фузулий, Бедил каби классикларнинг қўлёзма девонлари, «Хамса»лари ва бошқа асарлари сақланади.

Б. Аҳмедовнинг (4.01.96 ТошДШИдаги маърузасида берган) маълумотига қараганда, республикамизнинг 10 та йирик қўлёзма фондида 200 минг қўлёзма сақланади.

Саволлар:

- * Минтақамизда энг қадимги қўлёзмалар хазиналари қачон вужудга келган?
- * Ўз ФА ШИ Қўлёзмалар фондининг тарихий йўлини гапириб беринг.
- * Республикаизда яна қандай қўлёзмалар фонди бор?
- * Қуйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <давлат кутубхонаси, халқ кутубхонаси, қўлёзмалар фондидан>

ЎН ИККИНЧИ МАВУ

Фонд устида ишиш

Адабиёт: Собрание восточных рукописей АН Уз ССР, 11 томов. –Т., 1952—1975 (каталог); Қаюмов А, Ўзбек адабий манбашунослиги. «Ўзбек тили ва адабиёти» ж-ли, 1987, 5-сон;

Дарснинг мазмуни: Фонdlарда фаолият турлари. Каталоглар тузиш. Илмий изланишлар олиб бориш.

Ҳар қандай тадқиқот, аввало, манба излашдан бошланади. Бу манбаларни қидириб топиш, ўрганиш ва қўллашнинг назарияси ҳамда амалий усулларини билиш манба излашдаги энг яқин йўлни кафолатлади. Шу боис қўлёзмалар фондида қўлёзмаларни илмий ёзиб олиш, тавсифлаш ва каталогглаштиришнинг соҳа тадқиқотчилари учун аҳамияти жуда каттадир.

Фондларда фаолият кўрсатадиган соҳа мутахассислари куйидаги ишлар билан шуғулланадилар:

- у ерда тўпланган меросни намунали сақлаш;
- қўлёзмаларни дастлабки кўриб чиқиш, илмий ёзиб олиш, илмий тавсифини тузиб, каталогглаштириш, *каталог мажмуалари* тарзида чоп эттириш;
- шарқ қўлёзмаларига хос бўлган китобат санъати, миниатюра санъати ва ҳуснihat тарихини тадқиқ қилиш;
- ўзбек халқ китобларининг қўлёзмаларини тадқиқ этиш;
- энг ишончли қўлёзмалар асосида ҳар бир шоир ва ёзувчи меросининг танқидий матнларини тузиш (матншунослик тадқиқоти);
- алоҳида илмий аҳамиятга ва бадиий қийматга эга бўлган қўлёзмаларнинг факсимил нашрини тайёрлаш.
- ўзбек адабиёти, илм-фани, қўлёзма манбалари захирасини қўшни мамлакатлар ва жаҳон кутубхоналаридан нусха олиб бойитиш;

Каталог—юононча рўйхат маъносидаги сўздан олинган бўлиб, зарур манбани топишда қулайлик туғдириш учун маълум тартиб асосида тузилади. *Картотека каталоглар* китоб фондларида карточкалар ҳолида маълум тартибдаги тортма яшикларда сакланади. Қўлёзма каталогларига алифбо тартибида, муаллиф номи ёки асар (китоб) номи бош ҳарфи орқали кириб борилади. Каталоглаштириш иши ҳамма ерда маълум даражада барқарорлашган бир хил шаклда (жузъий фарқлар билан) ташкил этилганлиги улардан фойдаланишни осонлаштиради. Каталогдан топилган қўлёзма у ердаги *тартиб раҳами*, китоб номи, муаллифи, кўчирилган йили ва ҳ.к.лар ёзиб олиниб, фонд учун масъул ходимга буюртма берилади ва ўша ердагина фойдаланишга рухсат этилади.

Каталогларнинг иккинчи бир тури ҳам борки, улар китоб шаклида чоп этилган мажмуалардир. *Тавсиф каталоглари* деб юритиладиган бу каталоглар фондда мавжуд бўлган қўлёзмаларни хиллаб берилганлиги билан ажralиб туради ва фойдаланишга жуда қулай. Бундай хиллаш қўлёзмалардаги

асарларнинг қайси даврга мансублиги ёки уларнинг шакли (рухи) билан боғлиқ бўлиши мумкин. Жумладан: XIV—XV асрлар адабиёти, XVI аср адабиёти тарзида ва х.к. Ёки қўллёзма турларига қараб: тўпламлар, баёзлар, насррий асрлар, нома, тазкира, қисса, тарих кабилар.

Каталог мажмуалари нашрига илова қилинган асар номлари, муаллиф номлари, хаттот номлари ва бошқа кўрсаткичлари борлиги билан ҳам қулайдир. Бундай тавсифларни яратиш фондда фаолият кўрсатаётган соҳа мутахассисларининг биринчи даражали иши ҳисобланади.

Шу пайтгашча Республикаиз фондларини акс эттирувчи икки тавсиф каталоги чоп этилган:

- * Собрание восточных рукописей. –Т., 1952—1975.
- * Каталог фонда Института рукописей АН УзССР. –Т., Фан, 1988—1989.

Булардан ташқари бир неча хусусий (бир муаллифлик) тавсиф каталоглари нашр этилди: Жумладан,

- * Ибн Синонинг Шарқшунослик институтида мавжуд асарлари (библиография), –Т., ЎзФА нашриёти, 1955;
- * Рукописи произведений Абдурахмана Джами в Собрании Института Востоковедения АН УзССР, –Т., «Наука», 1965;
- * Алишер Навоий қўллёзма асарлари каталоги. –Т., «Фан», 1970.
- * Алишер Навоий асарларининг тошбосма нашрлари тавсифи (каталог). –Т., 1988.

Фондларда олиб борилаётган бошқа турдаги манбашунослик тадқиқотлари ҳам илмий ахборот, мақола, монография, алоҳида китобчалар тарзида илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинади.

Саволлар:

- * Қўллёзма фондларида соҳа мутахассислари қандай ишлар билан шуғулланадилар?
- * «Собрание восточных рукописей» тавсиф каталоги жилдларининг қисқача тавсифини беринг.

- * Ўз ФА ҚИ Қўлёзмалари каталоги Ўз ФА ШИ нинг СВР каталогидан қайси жиҳатлари билан фарқ қиласди?
- * Қуйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: < картотека каталоглар, тавсиф каталоглари >

ЎН УЧИНЧИ МАВУ

Қўлёзмаларни тавсифлаш

Адабиёт: Акимов О.Ф. Археография и кодикология.– Материалы всесоюзного рабочего совещания по проблемам восточной археографии. Ленинград, 1-4 марта 1988 года. –М., 1990, стр. 5-9; Геюмов Н. Дж. Актуальные вопросы каталогизации восточных рукописей на современном этапе. –Материалы всесоюзного рабочего совещания по проблемам восточной археографии. Ленинград, 1-4 марта 1988 года –М., 1990, стр. 67-73.

Дарснинг мазмуни: Қўлёзмаларни тавсифлашнинг турли фондлардаги принциплари. Ягона принципнинг давр талаби экани.

Дунёнинг кўпгина кутубхоналари, музейлари, масжидлар, мадрасалар ва шахсий кутубхоналардаги мавжуд қўлёзмаларни илмий муомалага киритишнинг дастлабки босқичи уларнинг тавсифи берилган феҳрест (каталог)лари тузиш ва улардан мутахассисларни хабардор қилишдир. Шунга кўра, қўлёзмаларини тавсифлаш ва каталогглаштириш қўлёзма фондларида амалий манбашунослик фаолиятнинг кенг тарқалган турига айланган.

Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам бир қанча қўлёзма фондлари мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари дагина (ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти) тавсифлаш ва каталогглаштириш ишлари бирмунча жадал олиб борилмоқда. Соҳа мутахассисларининг тан олишича, уларда ҳам ҳозирги кунгача қўлёзмаларнинг атиги 30 фойизигина тавсифланган холос. Бошқа қўлёзма хазиналарида

эса, мавжуд қўлёзмаларнинг тўла бўлмаган рўйхати, картотека карточкалари тузиб қўя қолинган.

Қўлёзмаларни тавсифлаш жаҳон андозаларига мослаштирилган ҳолда олиб борилиши керак. Қўлёzmани тавсифлаш учун у ҳақида талаб этиладиган маълумотларни иложи борича тўлиқ беришга ҳаракат қилинади, тики тавсифни ўқиган тадкиқотчи учун саволга ўрин қолмасин. Бунинг учун тавсиф этувчи ўзи аниқлай олмаган фактларни ҳам аниқланмаганини тавсифда кўрсатиши керак.

Қўлёзмаларни тавсифлаш *қисқача тавсиф, тўлиқ тавсиф ва монографик тавсиф* тарзида амалга оширилади⁴.

Қўлёзмалар тавсифи берилган каталоглар *алфавитли каталог, мавзу каталоги, инвентарь рақамлар тартибига асосланган каталог, бирор муаллифнинг асарлари каталоги* шаклида бўлади.

Тавсифлаш жараёнига қўйиладиган тахминий т а л а б л а р қуидагилар:

–кўлёзмаларга дастлабки ишлов берилиб, инвентар дафтарга қайд этилади ва уларга маҳсус рақам берилади;

–манба номи, ёзилган ва кўчирилган вақти; асар муаллифи, кўчирувчи хаттотларни аниқланади;

–улар қайд этилиши лозим бўлган маълумотлар билан тўлдирилган картотекали карточкаларга киритилади;

–қоғоз тури, хат тури, вараклар ўлчами, варакдаги сатрлар сони, пойгирлар, муқова ва унинг безаклари ҳамда бошқа палеографик хусусиятлар кўрсатилади ҳамда белгиланган тартибда қайд этилади;

–монографик тавсифлар учун каталогларнинг илмий аппарати (шахслар кўрсаткичи, жой номлари кўрсаткичи, асарлар номига тузилган кўрсаткич, муаллиф номларига тузилган кўрсаткич ва бошқалар) тузилади.

⁴ Бу ҳақда тўлиқроқ маълумотни «қўлёзмаларни тавсифлаш» курсида ўтилиши назарда тутилган.

Турли давр ёзма манбалари учун хос бўлган ташки белгилар юзасидан аннотация тузилади. “Абжад” ва “тарихлар”, йил ҳисоби бўйича фактлар мавжудлиги аниқланади. Муайян манба юзасидан қўшимча маълумотлар топишнинг тахминий манбалари белгиланади. *Колофонсиз кўчирилган қўлёзмаларнинг кўчирилиши тарихини белгилашда илмда қўлланилиб келинган усулга мувофиқ қофоз хили, хат услуби, формати, безак йўллари ва бошқаларни қиёсий ўрганиш зарур бўлади.*

Қўлёзмаларни тавсифлаш принциплари турли илмий гурух ва фонdlарда бир-бирларидан бирмунча *фарқ қилиши* мумкин. Бу, албатта, мазкур соҳа мутахассисларининг изланишда эканини, соҳа эса тинмай ривожланиб бораётганини кўрсатади. Жумладан, каталог маълумотларини компьютерлаштириш талабнинг ҳар бир бандини бир хилликка келтиришни тақозо этади. Маълумотларни «Интернет» ахборот тизимига киритишни бусиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Саволлар:

- * Қўлёзмаларни тавсифлаш принциплари турли илмий гурух ва фонdlарда бир хилда эмаслиги нимани кўрсатади?
- * Колофонсиз кўчирилган қўлёзмаларнинг кўчирилиши тарихини белгилашда илмда қандай усул қўлланилади?
- * Тавсифлаш жараёнига қандай талаблар кўйилади?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <қисқача тавсиф, тўлиқ тавсиф ва монографик тавсиф; алфавитли каталог, мавзу каталоги, инвентарь рақамлар тартибига асосланган каталог, бирор муаллифнинг асарлари каталоги>

ЎН ТЎРТИНЧИ МАВУ

Қўлёзмалар фондини бойитши

Адабиёт: М у н и р о в Қ. Шарқ қўлёзмалари. –Т., 1962.

Дарснинг мазмуни: Фондга нодир қўлёзмалар жалб этиш усуллари. Бошқа фонд қўлёзмаларидан нусхалар келтириш.

Қўлёзма фондлари қадимда фақат сарой ва йирик мадрасалар доирасида мавжуд бўлганлиги маълум. Шунга кўра, илму маърифатга давлат томонидан эътибор берилган замонлардагина китоб хазиналари шиддат билан қўпайган. Танглик замонларида бу соҳада турғунлик ёки камайиш ҳоллари юз берган.

Марказий Осиёда, Ҳирот, Бухоро, Хива, Самарқанд кутубхоналари ишлаб тургани маълум. Улар қўлёзма китобларни йигиши ва сақлаш билан бир қаторда улардан нусха кўчириш, уларга чиройли миниатюралар чизиш, муқовалаш ишлари билан ҳам шуғулланганлар.

Бу хазиналар муаллифлар ёзиб келиб тортиқ қилган, ҳукмдорлар ёки амалдорлар буюртмасига кўра ёзилган, таржима қилинган ёки қўпайтирилган китоблар ҳисобига ҳам бойиб борган.

Темурий шаҳзодалардан Шоҳрухнинг учинчи ўғли Бойсунқур Мирзо саройда худди шу турдаги фаолият олиб боргани маълум. Отаси ҳузурида вазирлик лавозимидан фойдаланиб, Ҳиротда катта кутубхона ташкил қилган. У замонасининг машҳур хаттотларини, наққош, мусаввир, сахҳоф, заркорларни бу ишга жалб қилиб, гурух ташкил этгани тарихчилар маълумотларида учрайди. Улар китоб яратиш учун нусхалар танлаб, уларни чоғишириб, ишончли янги нусхалар яратганлар.

Шўролар даврида қўлёзма хазиналарини бойитиш учун аҳолидан китоблар сотиб олина бошланди. Бунинг учун маҳсус фонд комиссияси тузилиб, бу комиссия уларнинг қийматини ва нархини белгилаш билан шуғулланган. Бунда якка, ёлғиз китобларни эмас, бутун бошли кутубхоналарни ҳам сотиб олинган ҳоллари бўлди. Бухоронинг охириги қозикалони Шарифжон маҳдум ва В.И. Вяткинларнинг кутубхоналари сотиб олинди.

Ўзбекистон Министлар Совети фармони билан Республиканинг бошқа вилоятларида мавжуд қўлёзмалар Навоий кутубхонаси Шарқ бўлимига тўплана бошлади.

Натижада, Самарқанддаги Ўзбекистон илмий текшириш институти фонди; (50-йиллар) Бухоро шаҳридаги Ибн Сино номидаги облассы кутубхонаси қўлёзма фонди, Хоразм облассы музейи фонди, Кўқон облассы музейи фонди ва бошқалар Навоий кутубхонасига кўчирилди. Кейин бу қўлёзмалар Шарқшунослик институтига топширилган. Институт ходимлари ҳар йили Республика бўйлаб китоб сотиб олиш бўйича экспедициялар уюштиришган. Натижада фондга мингларча қўлёзмалар келиб тушди. Жумладан, Ўз ФА ШИ қўлёзмалар фондида узоқ йиллар китобдорлик қилган устоз Қувомиддин Муниров берган маълумотларга дикқат қиласли:

1950 йил бухоролик Сайджоновдан қўлёзмалар, босма асарлар, хужжатлар сотиб олинди. Улар орасида 685/1286 йили битилган «Китоби Синдбод» қўлёзмаси бор эди. Бу китобнинг муқаддимасида ёзилишича, Носириддин Абу Муҳаммад Нуҳ бинни Наср Сомоний (943—954) давригача бу асар паҳлавий тилида бўлиб, форсча нусхаси бўлмаган. Нуҳ бинни Наср бу асарни дарий тилига таржима қилишни буюрган. Шундай қилиб бу асар 950—51 йилларда дарий тилига таржима қилинган. Ундан 200 йиллар кейин хукмдор Қилич Тафғочоннинг топшириғига мувофиқ самарқандлик олим Ҳасан ал-Қотиб (1160—61) бу асарни қайта ёзиб чиқкан. Бу ишларнинг ҳаммаси мълум даражада ўтмишда китоб хазиналаридаги китоблар сонининг қай тарзда кўпайгани ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Фондни бойитишнинг яна бир усули йирик олимларимиз тақдим этган ноёб қўлёзмалар ҳисобига бўлган:

Я. Фуломов— Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшохий» асарини; СССР Медицина ФА профессори В.Н. Терновский ўзининг шахсий кутубхонасида сақланётган тошбосма нашр китоблардан юзтасасини тақдим этган (улар 300 га яқин асарни ўз ичига олади).

1962 йилга келиб Ўз ФА ШИ фондида 16 минг жилдан ошиқ қўлёзма бўлиб (бир муковада бир неча аср бўлишини ҳисобга олинг), сабиқ Иттифоқда Ленинград қўлёзма фондидан кейин II ўринда турадиган бўлди.

Демак, фондлар қўйидаги йўсинда бойиб борар экан:
—Шахсий архивлар;
—Аҳолидан қўллэзма ва тошбосма китоблар сотиб олиш;
—Янги манба ва нусхаларни излаб топиш;
—Хорижий фондлардан манбалар жалб этиш
(микрофилм ва фотонусхалар);
—Хорижий мамлакатларга илмий сафарлар уюштириш;
—Чет эл каталоглари тўпламларини тадқиқ этиш.

Саволлар:

- * Ўз ФА ШИ фондини бойитишнинг амалий натижаларини гапириб беринг.
- * Хорижий давлат китоб хазиналаридан бирида ноёб қўллэзма кўриб колдингиз. Уни республика фондига қандай жалб қиласиз?
- * Кўйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <китоб экспедициялари, китобни баҳолаш ҳайъати>

ЎН БЕШИНЧИ МАВУ *Манбашунослик тадқиқоти олиб боришининг илмий мезонлари*

Адабиёт: Ҳакимов М. Шарқ қўллэзмаларига доир терминларнинг қисқача изоҳли луғати. “Адабий мерос” тўплами, 1985 2-сон; Собрание восточных рукописей АН Уз ССР, 11 томов. –Т., 1952—1975 (каталог); Ж у в о н м а р д и е в А. Ҳарфлар рақамларга айланганда. –Т., 1966; Р. Жуманиёзов. «Эски ўзбек ёзуви» –Т., 1989.

Дарснинг мазмуни: Тадқиқот соҳалари; уларга қўйиладиган талаблар. Тадқиқотларда шакл ва мазмун бирлиги. «Абжад» ва тарихлар. Йил ҳисоби.

Манбашунослик тадқиқотлари қўйидаги йўналишларда олиб борилиши мумкин:

- * алоҳида манбалар таҳлили бўйича

- * алоҳида масалаларга оид манбалар юзасидан
- * алоҳида соҳаларга оид манбалар юзасидан
- * алоҳида даврларга оид манбалар юзасидан
- * алоҳида қўлёзмалар ёки қўлёзмалар тўпламларининг тавсифи ёки обзори тарзида
- * янги топилган қўлёзма материаллар юзасидан
- * манбаларнинг нашри ёки манбашунослик тадқиқотларига тақризлар

ва ҳ.к.

Манбашунослик тадқиқотлари олиб боришда уларни илмий жиҳатдан тўлақонли бўлишини таъминлаш лозим. Бунинг учун:

- * тадқиқ объектларининг тўла қамраб олинишига;
- * фикрлар баёнида илмий изчиллик бўлишига;
- * келтирилган ҳар бир фактнинг манбаси қўрсатилишига;
- * ҳаволаларнинг илмий адабиётларда қабул қилинган тарзда бир хил бўлишига;
- * манбашунослик атамаларининг бир хил бўлишига;
- * чала текширилган фактларнинг чалалиги қўрсатиб ўтилишига

риоя қилиш керак бўлади.

Манбашунослик тадқиқотлари ичидаги унинг шакли ва мазмунига алоқадор айrim деталларга тўхталиб ўтамиз.

Манбашунослик атамалари. XX аср ўзбек манбашунослигига талайгина машҳур олимлар, тадқиқотчилар етишиб чиқкан бўлса-да, ҳануз соҳа атамалари изоҳига етарли эътибор берилмай келаётир⁵.

Бу атамаларнинг кўпчилиги ҳатто адабиётшунослик терминларининг изоҳли луғатларига ҳам кирмай қолаверган. Бу олдимизда ҳали қилинмаган ишларнинг қанчалар кўплигини билдиради. Манбашуносликнинг ўзигагина хос айrim атамалари

⁵ Бу соҳада манбашунос олим М. Ҳакимовнинг «Адабий меърос» тўпламининг икки сонида берган қисқагина луғати мавжуд.

ҳам борки, уларни қўп ҳолларда рус манбашунослигидан, шунчаки, калйка қилиб қўя қолинган. Тадқиқотларда бундай атамалар қай тарзда олинишидан қатъи назар уларнинг бошдан оёқ бир хил бўлишига эришиш зарур.

Манбанинг номи.—Ўтмиш ёдгорликлари кўпинча турлича номлар билан ҳам аталиши мумкинлиги ҳам назардан қочирмаслик керак. Бунга масалан, Наршахийнинг тарих китоби «Тарихи Наршахий» ва «Тарихи Бухоро»; Яссавий ҳикматлари: «Девони ҳикмат», «Ҳикматлар»; Рабғузий асари: «Қиссас Рабғузий», «Қиссас ул-анбиё», Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» асари «Чор девон» деб ҳам аталиб келган. Бундай ҳоллар манбашунослик тарихида кўплаб учрайди.

Баъзан манбанинг номи муқова ёки дастлабки саҳифада учрамайдиган қўлёзма китоблар ҳам учраб қолади. Бундай ҳолларда қўлёzmанинг дастлабки бир неча саҳифасини ўқиб чиқиш билан муаллифнинг ўз асарини қандай номлагани, **муаллиф номи** фактига дуч келишимиз мумкин. Яна ўрта аср манбаларининг, қўп ҳолларда, ёзилиш тилидан қатъи назар арабча номланиши ҳолига ҳам диққат қилиш керак.

Айрим ҳолларда асар номи, муаллиф номи, китобат қилган котиб, ёзилиш вақти асарнинг колофонида, яъни, сўнгти жумлаларида ўз аксини топган бўлади.

Абжад. Араб ёзувида мавжуд бўлган ҳар бир ҳарф рақам қийматига ҳам эга. Масалан, алиф—1, бе—2, нун—50, те—400, файн—1000 сонига баробардир. Ҳарфлар воситаси билан сон тушунчасини ифода этиш абжад ҳисоби дейилади.

Маълум тарихий воқеалар бирор шахснинг туғилган ёки вафоти йили бир асарнинг ёзилган йили кўпинча рақам орқали эмас, абжад ҳисоби асосидаги сўзлар орқали берилган (ва *тарих* :деб аталган).

Абжад—1—2—3—4

Ҳавваз - 5—6—7 (*ҳойи ҳавваз*)

Ҳутти 8—9—10 (*ҳойи ҳутти* ва *то*)

Каламан —20, 30, 40, 50

Саъфас—60, 70, 80, 90 (*айн* ва *сод*)
Қарашат—100, 200, 300, 400
Саххаз—500, 600, 700 (*се* ва *зол*)
Зазаг—800, 900, 1000 (*зод* ва *зо*)

Ана шу саккизта сўз хаммаси фақат ундошлар билан ифода этилган. Бошқа тиллар учун киритилган *не*, чим, жсим, *гоф* ҳарфлари абжад тизимида қатнашмайди.

Мисол: ("Махбуб ул-қулуб" нинг ёзилган йили).

«Тарихи чу хуш лафзидин ўлди ҳосил»
(«Махбуб ул-қулуб»).

«Хуш» сўзи 906 ҳижрийни билдиради (1500—1501).

Яна мисол («Юсуф ва Зулайхо» достонининг ёзилиши.):

«Зод» эди тарих тақи «хе»ю «дол»,
Муддати ҳижратдан ўтуб моху сол.

«Зод» 800, «хе» 8, «дол» 4. ўаммасини қўшсак, 812 чиқади (1409 милодий).

Ҳозиқнинг ўлдирилиш санаси:

Шенидм ўтиби ҳикмат саранжом,
Ба гўшам қатли ўзиқ дод пайғом,
Хирад аз баҳри таъриҳаш рақам зад,
Жунайдуллоҳ ибн Шайхулислом.

1259 (1843)

Йил ҳисоби. Ўрта аср манбаларида, табиийки, ҳижрий йил ҳисоби кўлланилган. Тадқиқотларда бу йил ҳисобини милодийга ўзгаририш эҳтиёжи ҳосил бўлади ва бу қуидагича амалга оширилади:

—Йилни 33 га тақсим қиласиз.

—Қолдиқ 33 сонининг ярмидан кам бўлса, ҳисобга олинмайди, кўп бўлса, 1 қўшиб юборилади.

—Энди ҳосил бўлган сонни ҳижрий йилдан айирамиз.

—Сўнгра уни 622 га қўшамиз, натижа милодий йил ҳисобини кўрсатади.

Тадқиқотларда иккала йил ҳисобини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилган маъқул.

Саволлар:

- * Номи кўрсатилмаган асарнинг нима асар эканини қандай аниқлаш мумкин?
- * Сизга маълум асарнинг бошқа бир номда кўчирилгани нимани билдиради?
- * Абжад ҳисобидаги тарихни топинг:

Кўриб ушбу фарах афзо бинони,
Муқимий сўрди ақлидин ниҳони.
Деди аз руйи лу тф охиста ногоҳ
Хирад таъмирина «*тарихи соний*»

(Муқимий)

- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг:
<манбашунослик атамалари, абжад, тарих>

ЎН ОЛТИНЧИ МАВУ

Манбашунослик тадқиқоти йўналишилари

Адабиёт: Адабий манбашунослик. –Т., ЎзФА ҚИ 1989; Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. –Т., 1971; В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, иккинчи китоб, –Т., «Ўқитувчи», 1964, 32—47-бетлар; Н.Маллаев. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти, –Т., 1974, 231—289-б.

Дарснинг мазмуни: Шарқ хаттотлик, китобат ва миниатюра санъатини ўрганиш. Ўзбек халқ китоблари қўллэзмаларини тадқиқ этиш.

Шарқ хаттотлик ва китобат санъатини ўрганиш. Китобат санъатини юксалтириш учун тинмай иш олиб борилган бўлса ҳам, унинг энг гуллаган даври XV асрларга тўғри келади. Бу соҳани чуқур ривожлантириб, уни санъат даражасига

кўтарилишида хизмат кўрсатган шахслар ўзларидан нафис кўлёзма китобларнигина мерос қолдирмасдан, бу соҳа юзасидан асарлар ҳам ёзиб қолдирганлар. (Султон Али Машҳадийнинг хаттотлик санъатига бағишлиган асари бор.) Шарқ хаттотлик ва китобат санъатини ўрганиш учун бундай манбаларни топиб тадқиқ этишимиз, илмий жамоатчиликка етказиб беришимиз керак бўлади. Бу соҳани чуқур ўрганганд олим А.. Муродов хисобланади. (қ.: Ўрта Осиё хаттотлик санъати тархидан; Тошкент, 1971.)

Шарқ миниатюра санъати—кўлёзма китобларга маҳсус ва нафис қилиб ишланган кичик ҳажмли тасвирий санъат асарлари—сурат, манзара, график тасвирлар манбашуносликнинг маҳсус ўрганиш соҳаси бўлиб келмоқда. Булар ўзи жойлаштирилган манбаларнинг юзага келган ўрни ва даврини аниқлашда катта ёрдам берувчи воситалардир. Одатда, эмал, гуаш, акварель ва бошқалар билан ишланган кичик портрет ва суратлар миниатюра дейилади.

Қадимги Римдаёқ китобларни миниатюра билан безаш расм бўлган. Кўпгина мамлакатларда қадимдан котиб миниатюралари бадиий миниатюранинг асосий соҳаси бўлиб ривож топган. X—XI асрлардаёқ ривож топган миниатюра санъати XIV—XV асрларга келиб, юксакликларга кўтарилиди. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, бу даврда Самарқандда инсон суратини қофозга тушириш шариат томонидан тақиқлангани ҳолда Темурийлар салтанатининг иккинчи маркази бўлган Ҳирот шаҳрида инсон сиймосининг, шу жумладан, тарихий шахсларнинг кўринишларини қофозга тушуришга катта аҳамият бериб келганлар. Шунинг учун, бу давр ўирот миниатюра мактаби довруғи Беҳзод ва Султон Муҳаммад каби рассом ва наққошлар изходи мисолида оламга ёйилди. 1522 йилда худди шу мактаб вакиллари Табризга кўчиб ўтиб, Табриз миниатюра мактабини ташкил қилдилар. 1598 йилда Саффавийлар пойтахти Исфаҳонга кўчирилгач, Исфаҳон миниатюра мактаби вужудга келди. XVI асрда Шероз миниатюраси, Бухоро миниатюра мактаби шуҳрат қозонди. Бағдод миниатюраси ҳам

жозибадор томчилар билан бўяб чиқилган. Бобурийлар даврида Хиндистон миниатюра мактаблари пайдо бўлди.

Улар яратган ўлмас асарлар ҳозирги кунда Лондон, Париж, Нью-Йорк, Вена, Техрон, Кохира, Истамбул кутубхона ва музейларида шунингдек, Петербург, Москва, Тошкент, Боку, Душанбеларда сақланмоқда.

Халқ китобларини тадқиқ этиш. Ўзбек адабиёти хазинасида «халқ китоблари» номи билан аталиб келаётган қўлёзма китобларни олайлик. Китоб хазиналарида муаллифи кўрсатилмаган, аммо халқ китоблари жумласидан эканлиги ҳам қайд этилмаган жуда кўп қўлёзма китоблар ҳам борки, улар ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди.

XVI—XVII асрларда «Алпомиши», «Гўрўғли», «Тохир ва Зухра», «Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам» каби халқ достонларининг турли варианatlари ёки уларнинг сюжет ва композицияси таркибиغا кирган айрим қисмлари халқ орасида кенг тарқалган эди. Бу достонларнинг илдизи узоқ замонларга бориб тақалгани сингари, улар кейинги асрларда ҳам мукаммаллашиб борди ва янги-янги варианtlари пайдо бўлди. Халқ китобларини озорбайжон адабиётшунослари Ҳамид Орасли, Мирзо Оғоқулизода, ўзбек фольклоршунослари Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия ва бошқалар кенг ва чуқур тадқиқ этганлар. Бундан ташқари халқ китоблари орасида биз маҳаллий-миллий адабиёт материаллари, шунингдек, хинд, форс-тоҷик, араб ва бошқа адабиёт материаллари асосида яратилган асарларни ҳам кўрамиз. Бунга жумладан, «Калила ва Демна», «Тўтинома», «Китоби Жамсшид», «Рустами достон» каби асарлар мисол бўла олади. Юқоридаги олимларнинг изланишларини ҳисобга олмагандан, ўзбек халқ китоблари ўрганилмаган қўриқ бўлиб ётибди. Одатда, қисса деб юритилган халқ китоблари тарих, этнография, санъатшунослик каби фанлар учун ҳам қимматли манбадир. Халқ китобларини тўплаш уларни матншунослик ва филологик жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати шубҳасизdir.

Ҳар бир адабий ёдгорлик (асар)ни нашр эттириш чоғида у асарнинг атрофидаги фактлар йиғилиб матн тархини ташкил

қилади. Йигилган фактлар илмий таҳлилдан ўтказилиб, ўзига хос манбашунослик тадқиқоти юзага келади. Унда муайян ёдгорликнинг юзага келиш шарт-шароитлари, унинг сақланиб қолган нусхалари, бу нусхалар орасидаги фарқлар, илк бор илмий муомалага киритилган вақти, дастлабки тадқиқотчиси, нашрлари, хуллас ўрганилиши тарихи ҳақидаги изланишлар ўз аксини топади. Бу тадқиқот одатда ёдгорлик матни ёки таржимаси билан биргаликда чоп этилади. Шу жиҳатдан бирор асарнинг ҳар бир нашри ҳозирги замонда у ҳақидаги изланишларни янгилаб, бойитиб боради ва ўз навбатида янги изланишларга туртки бўладиган ўринлар ҳосил қиласди.

Саволлар:

- * Миниатюра санъати ҳамма ерда бирдек ривожлана олмаганининг сабабларини кўрстинг.
- * Халқ китоблари қайси даврда қўпроқ тарқалди, бунинг сабаблари нимада?
- * Қуйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <китобат санъати, миниатюра санъати, халқ китоблари>

ЎН ЕТИНЧИ МАВУ

Манбашунослик тадқиқотларининг матншунослик таҳлилидаги ўрни

Адабиёт: Ш а м с и е в П. Матншуносликка оид тадқиқотлар. – Т., 1986.

Дарснинг мазмуни: Манбашунослик манбалари. Архив тавсифлари, каталог тўпламларидан фойдаланиш. Хаттотлар фаолияти ҳақидаги илмий кузатишлар.

Матншунослик таҳлили учун энг аввало, асарнинг мавжуд нусхалари ҳақидаги маълумотлар тўпланади. Бу маълумотларни

маълум даражада *манбашунослик манбалари* дан олишимиз мумкин.

Манбашунослик манбалари бўлиб турли мамлакатларда чоп этилган қўлёзма фондлари каталоглари, хаттотлар ҳақида маълумот берувчи тадқиқотлар, архив тавсифлари, каталог тўпламлари, айрим шоир ва адилларнинг турли фондлардаги қўлёзмалари ҳақида тадқиқотлар, хаттотлар фаолияти хусусидаги илмий кузатишлар хизмат қилиши мумкин. Улардаги маълумотлар матншуноснинг аниқ мақсад сари ҳаракат қила олиши имконини беради. Чунки тузилаётган асар матни қўлёзма нусхаларининг барча мавжудларини ишга жалб этиш, нимани қаердан қидириш мумкинлигини билиш пировард натижага тезроқ етишнинг гаровидир.

Манбашуноснинг муайян асар манбалари ҳақидаги изланишлари, асарнинг қаердаги фондларда сақланиб қолганлиги, бу манба нусхаларининг сақланганлик даражаси, тўлиқ ёки нуқсонли эканлиги, мўътабар қўлёзмасининг қаерда сақланиши ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотлари матншуноснинг охирги мақсадга эришиш йўлини анча қисқартиради.

Манбашунослик тадқиқотлари ва қўлёзмалар тавсифларининг ҳали талаб даражасида эмаслигидан бундай маълумотлар танқислигини доимо ҳис қилиб турамиз. Шу боис матншунос уларни ўз изланишларининг биринчи босқичи сифатида ўзи излаб топиши, яъни, манбашунослик изланишларини амалга оширишни четлаб ўта олмаслигига тўғри келади. Шунинг учун жуда кўп адабий ёдгорликларнинг матнини нашрга тайёрлашда унинг тадқиқот қисмидаги изланишларни кузатсақ, олимлар аввало, муайян асарнинг манбаларини излаб топиш, уларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат бир талай ишларни амалга оширганликларининг гувоҳи бўламиз.

Манбашуносликда ҳар бир нусханинг топилиши ҳақидаги кичик бир ҳабар ҳам муҳим ҳодиса ҳисобланади. Чунки ундаги маълумотлар ҳам муайян асарнинг илмий-танқидий матнини тузиш ишини янада такомиллаштириш йўлида зарур манба

хизматини ўтайди. Матн тузишдаги қўпгина масалаларни, чигилликларни ҳал этишга йўл очади. Матншунос матннинг бирор ерида дуч келган муаммони турли нусхаларни қиёслаш ўйли билангина ҳал этиши мумкин.

Шунинг учун, турли фондлардаги муайян муаллиф қўлёзмалари, муайян мавзудаги қўлёзмаларни туркумлаштириб тавсиф қилиш, муайян асар қўлёзмаларини *археографик жиҳатдан қиёслаш* каби манбашунослик изланишарининг матншунослик тадқиқотларидаги ўрни бекиёсдир.

Саволлар:

- * Манбашуноснинг муайян асар манбалари ҳақидаги изланишларининг амалий аҳамияти нималардан иборат?
- * Матншунос изланишларининг биринчи босқичи нималардан иборат бўлади?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг:
<манбашунослик манбалари>.

ЎН САККИЗИНЧИ МАВУ

XX аср ўзбек манбашунослиги

Адабиёт: “Адабий мерос” тўпламлари; Муниров Қ. Шарқ қўлёзмалари. –Т., 1962; Ирисов А. Тошкентда арабшунослик. –Т., 1964.

Дарснинг мазмуни: Янги турдаги ўзбек илмий манбашунослик ва матншунослик соҳасининг пайдо бўлиши. Рус ва ўзбек олимларининг бу соҳадаги ҳамкорлайлари.

XX аср ўзбек манбашунослиги олдига янги вазифалар кўйди. Ҳаёт манбаларни қидириб топиш, тартибга солиш, ва улардан фойдаланишнинг янгича усулларини тақозо эта бошлади.

1870 йилда руслар томонидан ташкил этилган Тошкентдаги кутубхона ва ундаги шарқ қўлёзмалари бўлими юртимиз зиёлиларини ҳам шу хилдаги ишлар қилишга унгади.

Аср бошига келиб бу кутубхонада 100 дан ортиқ қўлёзма китоблар йиғилиб қолган эди.

Эски Самарқанд худудида жойлашган бошқа бир мусулмонлар кутубхонаси асосан қўлёзмалардан ташкил топган эди. 1910 йилда маҳаллий мусулмон зиёлилари орасида бепул кутубхона-қироатхона ташкил этиш фикри туғилди. Шу мақсадда ташаббускорлар шаҳардаги ўзига тўқ мусулмонлар ўртасида маблаг йиға бошлайдилар. Инқилобдан сал олдинроқ жадидлар томонидан Тошкентда «Турон» кутубхонаси очилади. Унда асосан, туркча, татарча ва озарбайжонча нашрлар мавжуд эди. Чор амалдорларидан иборат маҳаллий маъмурлар барча мусулмон кутубхоналарига нафрат билан қарашар, бу кутубхоналар ерли аҳолига панисломизм ва пантуркизм ғояларини сингдиришга хизмат қилиши мумкин деб ҳадиксиар әдилар. Туркистон ўлкаси шаҳарларида бу хилдаги кутубхоналарнинг жуда камлиги ҳам шу билан изоҳланади.

Ҳар ҳолда янгича турдаги манбашунослик Тошкентда 1870 йилда руслар ташкил қилган кутубхона негизида юзага келди. Эндиликда бу кутубхона Давлат Халқ кутубхонаси деб аталарди. Бу орада қўлёзмалар йиғила бораверди.

Октябр инқилобидан кейин, хусусан 20-йилларда маданий меросга икки хил қутбий муносабат авж олди. Фитрат, Сайдали каби бир гуруҳ ўзбек зиёлилари ўтмишдаги Шарқ ҳалқлари адабиётларини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Унинг такрорланмас, мисли йўқ адабиёт эканини уқтиришга қаттиқ ҳаракат қилдилар. Бу йўлдаги фаолиятларини давом эттириб, жумладан Фитрат «Адабиёт қоидалари», «Аruz ҳақида» каби илмий мақолалар шунингдек, Фирдавсий, Умар Хайём, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Навоий, Бедил, М. Солих, Муқимий, Фурқат каби ўнлаб мумтоз адабиёт вакиллари ижодини ўрганувчи тадқиқотлар яратди. Бунинг учун улар «ягона оқим» вакиллари, «ўзбек миллатчи буржуа идеологлари» номини олдилар.

Ўтмиш маданий манбаларини қадрлаш, улар устида тадқиқотлар олиб бориш С.Айний ижодида ҳам кузатилади. У Рудакий, Саъдий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бедил, Восифий,

Аҳмад Дониш мероси юзасидан изланишлар олиб бориб уларни эълон қилди.

1932 йил октябрда ЎзССР МИК ҳузурида Фан комитети тузилди. 1934 йил 1 июлдан у ХКС ихтиёрига ўтказилди. Шу йили Фан комитети таркибида ўзбек тилининг бошқа халқлар тили ва адабиётлари билан, фольклори билан алоқасини ўрганиш мақсадида 12 илмий тадқиқот муассасаси 2 кутубхона қаторида Тил ва адабиёт институти ташкил қилинди. Институт илмий ходимлари мазкур масалалар билан бир қаторда адабий меросимиз манбалари устида ҳам ишлай бошладилар.

1935 йилларда Тошкентдаги Давлат халқ кутубхонаси шарқ қўлёзмалари бўлимида 4000 дан ортиқ қўлёзма китоблар йиғилиб қолган эди. Шу йили бу ерда илмий ходим бўлиб иш бошлаган Ибодилла Одилов (1872) каби қўлёзма китоблар фидойилари шарқ қўлёзмаларига карточка ёзиш унинг муаллифи, кўчирилган йили ва қоғозини белгилашда дастлабки ноёб мутахассислар сифатида катта хизмат кўрсатишиди. Ибодилла Одилов бошлиқ бир гурух ходимлар қўлёзмаларни қайтадан кўчириш, тиклаш билан шуғулландилар. Ибодилла Одилов араб қўлёзмаларини каталогглаштиришда улар ҳақида барча мутахассисларга ёрдамчи маълумотлар беришда маслаҳатларини аямади. Унинг ёрдами ва иштирокида шарқ қўлёзмалари каталоги тайёрланган. Кекса зиёлиларимиз ҳурмат билан «Ибодқори» деб атаган бу зот 1944 йили вафот этди.

1944 йилда Тошкентдаги республика давлат кутубхонасининг «Шарқ бўлими» негизида «Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти» тузилди. Институтда А. А. Семёнов, А. К. Арендс, М. А. Салье, уриш даврида Е. Э. Бартельс, И. П. Петрушевский, В. И. Беляев, О. И. Симирнова, Н. Д. Миклухо-Маклай, А. Н. Кононов, Н. В. Дьяконова, И. Одилов, А. Муродов, А. Расулов, С. Мирзаев каби йирик шарқшунослар ишлади.

Булар қаторида 1885 йилдан 1892 йилгача Тошкентдаги «Бароқхон» мадрасасида, 1902 йилгача Бухоро мадрасасида таълим олган ва 1921 йилгача шу мадрасада араб тили ва адабиёти, тарих ва бошқа фанлардан дарс бериб келган

Эшонхўжа Мухаммадхўжаев (1872—1953) каби маънавий меросимиз билимдонларининг хизматлари катта бўлди. У киши 1944 йили Ўз ФА Шарқшунослик институтига ишга чақирилди ва умрининг охиригача шу ерда фаолият кўрсатди. Эшонжон ота жуда кўп асарларни араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилган. Фикҳга оид атамалардан 1200 таси, тасаввуфга оид атамалардан 400 тасини тўплаб ўзбек тилига таржима қилди (инв. № 25, 45 I-II). Аммо булар, афсуски ҳозирги кунгacha қўлёзма ҳолида қолиб келмоқда.

Булар қаторида XX аср ўзбек манбашунослигини йўлга қўйишда 1919 йилдан Тошкентда яшаб келган Э.А. Шмидт (1871—1939), Содик Мирзаев (1885—1961), С. Фаниев (1888—1960), М.А. Салье (1899—1961), А. Расулов (1893 йилда туғилган), Соли Муталлибов, Юнус Ҳакимжонов (1893), Абдуқодир Муродов (1893—1974), А. Носиров, А. Баҳодиров (1903 йилда туғилган), Б.З. Холидов (1905—1968) ларнинг хизматлари катта бўлди.

Улардан кейинги авлод бу ишларни давом эттириб, манбашунослик соҳасида катта ютуқларга эришдилар. Булар орасида У. Каримов, Ш. Шоисломов, Ҳ. Сулаймон, П.Шамсиев, И. Абдуллаев ҳамда Ҳ. Ҳикматуллаевлар илм-фанимиз ва маданиятимиз равнақи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча манбаларни илмий муомалага киритдилар.

МАТНШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

БИРИНЧИ МАВУ

*Матншунослик фанининг предмети
ва унинг асосий вазифалари*

Адабиёт: Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. М. - Л., 1964; Рейсер С. А Основы текстологии. Ленинград, Просвещение, 1978; Ўз СЭ. Текстология мақоласи.

Дарснинг мазмуни: Матншунослик фан сифатида.
Матншунослик тарихига бир назар.

Матншунослик филология фанининг адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиши ва нашр қилиши билан шугулланувчи соҳасидир. Ҳар бир матн ўзи яратилган тарихий даврнинг бевосита таъсири остида юзага келгани учун тарих фани билан матншуносликнинг алқадорлигини унутмаслик керак. Бироқ бу ҳолат матншуносликнинг ажралмас ёндоши соҳаси бўлган манбашунослик билан қўшиб, тарих фаниниг бир тормоги сифатида талқин қилинишига йўл қўймаслик керак. Чунки матншунослик тўлалигича филология илми— тилишунослик ва адабиётшуносликнинг ютуқлари асосида иш кўради.

Албатта, адабий, тарихий, илмий асарлар ҳамда тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганишлар ҳар бири ўзининг хусусиятлари, ўзларининг тадқиқ усусларига эга.

Тадқиқот обьектининг турли-туманлиги матнларни ўрганишнинг ва нашр этишнинг турли хил методларини юзага келтирган. Бунинг устига ҳар бир элда ва ҳар бир тилда матншуносликнинг ўзига хос томонлари бўлади. Ҳатто муайян муаллиф ижоди ёки бирор асар мисолида ҳам умумий мезонлардан ташқари ҳолат учраши табиий. Шу боис барча адабиётшунослик ва манбашуносликлар учун умумий бўлган матншунос мутахассис бўлиб этишиш **мумкин эмас**. Ҳар бир матншунос ўзи ишлаган манба билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунинг учун у матншуносликнинг назарий масалалари хусусида фикр юритар экан, тадқиқотчи ўз тадқиқот мавзусидан узоқ кета олмайди. Матншунослик тадқиқоти олиб боришда қатъий бир услубий мезонларнинг шаклланмаганлиги ва унинг истилоҳлари ҳам бир хилда қўлланилмаслиги шу билан изоҳланади.

Бирок шунда ҳам матнларни таҳлил этишда матншуносликнинг умумий тамойилларидан келиб чиқиб хуласалар чиқармоқ лозим.

Биз мазкур курсимизда ҳозирги замон матнлари матншунослиги ҳақида эмас, Ўрта аср манбаларини тадқиқот обьекти қилиб олган матншунослик хусусида баҳс юритамиз. Матншуносликнинг умумий қонуниятлари, мезонлари ва тамойиллари билан, асосан, адабий ва тарихий асарлар мисолида танишамиз.

Бу соҳа асосларига бағишлиланган маҳсус дарслик ёки ўқув қўлланмасининг ўзбек тилида йўклиги бу фанни ўқитиш ишларини бирмунча қийинлаштиради. Шунга қарамай, маълум жиҳатдан рус матншунослигига бағишлиланган манбалардан фойдаланиш мумкин.

Матншунослик фан сифатида кейинги (асримизнинг 20-йилларидан) йиллардагина тилга олиниб келинаётган бўлса-да, бу борада жуда қадим замонлардан бизнинг кунимизгача тинимсиз ишлар олиб борилган.

Антик адабиёт намуналарини тиклашига, жумладан Аристарх, ўз тажриба ва ҳиссий идрокларига таяниб, Гомер ва бошқа муаллифлар асарларининг асл матнини тиклашига уринган. Геподот ва Полиэн асарларида биз фольклор матншунослигини кўрамиз. Кейинчалик «Инжил»ни танқидий ўрганиш, антик маданият, айниқса, кейинги Уйғонии даври ёдгорликларини тадқиқ этишида матншунослик яхшигина ривожланди.

Шарқда адабий-маданий, илмий, тарихий асарларнинг асрлар оша нусха кўчирилиб, кўпайтирилиб келингани, кейинги асрларда эса дунё миқёсида матншунослик тадқиқотлари анчагина кўпайгани ҳам матншунослик ишларининг қадимийлигидан далолат беради. Айниқса, адабиётимизнинг мумтоз намуналарига эътибор - уларнинг матнларини сақлаб қолиш, ўтмишдагиларини тиклаш, келажак авлодларга етказиш ишлари ислом шарқи маданиятида жуда қадимдан амалда бўлиб келган.

Арабларда Зайд бини Собит томонидан амалга оширилган *Куръони Карим сураларининг* халифа Умар кўрсатмаси билан китоб ҳолига келтирилиши (VII аср), жоҳилия даври шеъриятининг филолог Муфаддал ад-Доббий (VIII аср), шоир Абу Таммом, филолог Ибн Қутайба (828—889), Абул Фарож ал-Исфаҳоний (897—967) томонидан хатга туширилиши, *Расулуллоҳ ҳадислари устида олиб борилган ишлар* шулар жумласидандир⁶.

Эронийларда бу ишлар эртароқ бошланган. *Юнон донишмандларининг асарларини паҳлавий тилига таржима қилиши, уларга шарҳлар ёзиши* сосонийлар давриданоқ (224—651) расм бўлган эди.

Туркӣ ёзма адабиётда Кошгариининг «Девону лугатиттурк», Берунийнинг «Осори боқия» асарлари ҳам матншунослик изланишларини тақозо этган.

Ҳозирги кунда матншунослик фани кўпгина олий ўкув юртларининг ўкув режаларига киритилган. Мустакил Ўзбекистонда давлатчилигимиз тарихини яратиш, адабий-маданий, илмий, тарихий меросга эътиборнинг кучайиши муносабати билан матншунослик фанининг роли янада ортди. Ёзма манбалардаги ҳар бир матн ҳалқ мулки деб тан олинди. Бу эса матншуносларнинг ҳалқ, Ватан, илм олдидаги масъулиятини янада оширади. Яъни, матншуносдан ёзма манба матнининг аниқ, аслига тўғри ва тушунарли тарзда ҳалқ ва илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилиниши талаб этилади.

Саволлар:

- * Нима учун барча адабиётшунослик ва манбашуносликлар учун умумий бўлган матншунос мутахассис бўлиб етишиш мумкин эмас?
- * Антик даврда матншуносликнинг ривожланганлиги нималарда кўринади?

⁶ Қаранг: И б н Қ у т а й б а. Книга поэзии и поэтов. Биографический словарь; А б у л Ф а р а ж. Книга песенъ. Антология.

- * Арабларда матншунослик қандай шароитларда юзага келди?
- * Эрон ва туркий халқларда-чи?
- * Матншунослик филология фанининг қандай соҳаси ва унинг тарих фани билан алоқадорлиги нималарда кўринади?
- * Кўйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <адабий асар, илмий асар, тарихий хужжат>.

ИККИНЧИ МАВУ

Матншуносликнинг ривожланиши йўналишлари

Адабиёт: Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. М.—Л., 1964; Рейсер С. А Основы текстологии. Ленинград, Просвещение, 1978.

Дарснинг мазмуни: Назарий матншуносликнинг фаолият соҳаси. Амалий матншунослик ривожланиш йўналишлари.

Европада XVII—XVIII асрларда Антик матншунослик ва Ўрта асрлар матншунослиги асосида «янги адабиёт» матншунослигининг асосий тушунчалари юзага келди. Олимлар (Р.Бентли, Р.Порсон, И.Рейске, Ф.А.Вольф, Г.Герман ва бошқалар) матнга *илмий-танқидий* муносабатни йўлга кўйишиди. Шиллер ва Гёте асарларининг танқидий матни нашрлари пайдо бўлди. Фарбда бу соҳани *матн танқиди* деб атаб келишган⁷.

Россияда матншунослик ишлари XVIII аср ўрталарида пайдо бўлди. Рус йилномалари, А.Д.Кантемир асарлари, «Игорь жангномаси», Пушкин асарлари, фольклор асарлари матнлари шулар жумласидандир.

⁷ Bowers F. Textual and literary criticism.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида «Текстология» атамаси XX асрда пайдо бўлган. Бу даврга келиб матншунослик алоҳида бир соҳа сифатида ривожлана бошлади. Бу соҳада рус тадқиқотчиларидан Г.О.Винокур, В.В.Томашевский, Д.С.Лихачевлар махсус тадқиқотлар олиб боришли. Матншуносликнинг назарий масалаларида маълум бир умумлашмаларга келинди. Шуларга кўра матншунослик соҳасининг ривожланиш йўналишлари куйидагича кузатилади.

Юртимизда 20-йиллардан бошлаб ўзбек матншунослиги, айниқса, бу соҳанинг *амалий* йўналиши тез ривож топди. Матнларни тайёрлаш ва нашр қилиш билан боғлиқ салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу ишларда С. Айний («Хамса»нинг кисқартирилган нашри), Фитрат (Эски ўзбек адабиёти намуналари), И. Султонов («Мезон ул-авзон»), П. Шамсиев («Хамса»—1960), Ҳ. Сулаймонов («Хазойин ул-маъоний»—1958-61), С. Фаниева («Мажолис ун-нафоис» - 1961) каби олимларнинг роли катта бўлди. Айниқса, рус-кирилл ёзуви жорий қилиниши билан бу ишлар янги босқичга кўтарилди. Ўзбек адабиётшунос олимларидан С. Мирзаев, В. Зохидов, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, Ф. Каримов, С. Муталибов, С. Долимов, Р. Мажидийларнинг матншуносликка оид изланишлари бу соҳани силжитишга маълум даражада ҳисса бўлиб қўшилди.

Матншунослик фани *назарий* ва *амалий* йўналишларда ривожланиб келган. Шунга қараб унинг асосий *вазифалари* белгиланади.

Матншунослик *назарий* планда матнларни илмий тадқиқ этишнинг умумий қонуниятлари, турли тарихий босқичларда уларнинг ўзгариб бориш хусусиятлари ва ниҳоят, матнни қайта тиклаш принциплари каби назарий масалаларни тартибга колади.

Унинг дастхат, нусха, коралама, оққа кўчирма, кўчирма нусха (копия), архетип, вариант каби муаммоли масалалари ва асосий тушунчалари; атрибуция, санасини белгилаш, шарҳлаш, конъектура (бузилган, хиралашган эски ёзувни тахмин билан тузатиш, тиклаш), котиб йўл қўйган хатоларни ўрганиш каби

умумий метод ва усуллар бўйича юзага келган умумий мезонлар ва меъёларни тартибга солади.

Амалий матншунослик муайян асар матни тарихи ва унинг манбаларини ўрганиш, ёзилиш даври ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш (атрибуция) йўли билан муаллиф варианти ёки унга яқин энг ишончли вариантни танлаб, шу вариант асосида **матнни тиклайди**. Бу жараён матн тарихида котиблар ёки ноширлар томонидан асар матнига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, асарнинг турли нусхаларини ўзаро таққослаш ва ишончли **илмий-танқидий матнни** тайёрлаш тарзида амалга оширилади. Матнга бундай ёндашув унинг танқидий таҳлилига ва кейинги илмий тадқиқотларга ишончли асос бўлиши учун, ёзма ёдгорликлар матнини нашр этиш учун керак. **Матншунослик амалиётининг** охирги натижаси бўлиб анашу нашр хизмат қиласи.

Ёзма адабий меросимиз устида олиб борилган ишларнинг кўпчилиги амалий матншуносликка оид тадқиқотлар бўлиб, бу соҳанинг асосларини, қонуниятларини очишга материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу куннинг матншунослик тадқиқотлари ва фаолият турларига:

- назарий мақолалар
- матнлар таҳлили
- матншунослик ишларига тақризлар
- тарихий атамалар юзасидан изланишлар
- адабиёт тарихининг алоҳида масалалари юзасидан йигма материаллар
- манбалар танқиди усуллари; матнларнинг нашри, таржимаси ва шархи принциплари
- кўлёзма манбалар нашри

кабилар киради.

Саволлар:

- * Матннинг кейинги тадқиқотлар учун асос бўладиган даражада, ишончли савияда чоп этиладиган тури қайси?

- * XX аср ўзбек матншуносларидан кимларнинг қандай ишларини биласиз?
- * Шу куннинг матншунослик тадқиқотлари ва фаолият турларига нималар киради?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <матн танқиди, назарий матншунослик, матншунослик амалиёти>.

II. МАТНШУНОСЛИК ТАРИХИДАН

УЧИНЧИ МАВУ

Ислом даври матншунослигининг юзага келиши тарихи

Адабиёт: М а в л ю т о в Р.Р. Ислам. М., 1969, 58—65-бетлар; Ҳадис. 4 жилдлик, 1-жилд, Сўз боши, —Т., 1991, 4-бет; Тафсири Ҳилол. —Т., 1991; Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажож. —Т., 1995; Ўз СЭ, “Куръон” мақоласи.

Дарснинг мазмуни: Илк ислом даврида ёзув маданияти. Мантнларни тиклаш усувлари.

Ислом дунёсида матншуносликнинг ривожланиш тараққиётида, ислом динининг тарқалиши билан боғлиқ сифат ўзгаришлари бўлди. Шу боис ислом минтақаси матншунослик тарихини араб матншунослиги тарихи билан қўшиб ўрганишимиз лозим бўлади.

Тадқиқотчилар «исломий ёзувни» 328 - 511 йиллар оралиғида шаклланган деб таҳмин қилишади⁸. Бу ёзув Суриядга кўлланила бошлаб, карвон қатновлари орқали Ҳижозга ёйилган дейишади. Бу ёзувни Ҳижозда «Хатти набатий» ёки «ироқий» деб ҳам юритишган. *Куфий ёзувга асос бўлган* набатийда ёзилган энг қадимги хужжат 31-йил ҳажрийга мансуб бўлиб, Мисрда топилган. Бу ёзув асосида **куфий** ва **насҳ** хатлари келиб чиқкан.

Исломий манбалардан маълум бўлишича, бу хат Куфа хаттотлари орасида тез ёйилиб, унда асосан, *Куръон ва илмий асарлар* кўчириб ёзила бошлаган. *Хусусий ёзишиналар* учун насх

⁸ Арабларнинг ҳозирги ёзувга яқин шаклда ёзилган ёзма ёдгорликларининг энг қадимиysi милоднинг 328 йилида юзага келган хужжат «Нақши намора», иккинчи битик «Нақши забд» (511 йил), учинчиси «Накши Ҳарон» (568).

хати шаклланди. Бу хат турлари майда ўзгаришлар билан хати маккий, маданий, басрий ва куфий деган тўрт хил шаклда ишлатила борди (Масалан, маккий ва маданий хатларда алифни ўнг томонга оғдириброк ёзишган). Бу тўрт хат асосида аббосийлар даврида 12 хил қалам юзага келган⁹. Кейинчалик уларнинг тури 25 тага етган. «Дор ул-ҳикма»га асос солиниб, мавжуд ёдгорликлар кўплаб кўчириб ёзилган Маъмун Аббосий даврида хатнинг *мурассаъ, нассоҳ, риёсий, риқоъ* турларидан кенг фойдаланганликлари маълум. Бу хатлардан 20 таси куфий асосида юзага келган бўлиб, қолганлари насх хати заминида яратилган.

Ҳижрийнинг VII—VIII асрларига келиб қуфий хат завол топа бошлади. Бу даврга келиб хатнинг қуидаги олти тури мустаҳкамланиб қолди: *насх, сулс, таълиқ,райҳоний, муҳаққақ, риқоъ*.

Маълумки, қадим араб адабиёти оғзаки шаклда ривожланган эди. Шоирлар шеърларини хатга туширишлари мавжуд одатларга кўра мумкин бўлмаган (Фильшинский, 13-бет). Фақат Куръон хатга туширилгандан кейингина, ёзма манбаларнинг юзага келишига йўл очилган. Исломгача бўлган шоирларнинг шеърлари ёки улардан парчалар Ибн Кутайбанинг «Шоирларнинг шеърлар китоби» асарига, Абул Фарожнинг «Қўшиқлар китоби» тазкирасига киритилган.

Марказий Осиёда худди шундай жараённинг давоми бўлиб, Абу Райхон Берунийнинг (973—1048) «*Ал-осор-ул-боқия анал қарнул-холия*» асари бўлди. Бу ўлкамизда исломгача бўлган асарлар мазмунини тиклаб қўйишида жуда муҳим иш бўлган.

Беруний ўзининг «Ўтмиш ёдгорликлари» китобида қадимий шарқ ҳалқлари—араблар, шомликлар (Сурия), яхудийлар, эронийлар, сўғдлар, хоразмликлар ва ўша замонда яшаган бошқа ҳалқларнинг турмуш қоидалари, урф одатлари, йил ҳисоблари, байрам ва маросимлар, хуллас нимаики ҳалқ хаётига оид бўлса, шуларнинг ҳаммасини илмий асосда тадқиқ

⁹ Маликушшуаро Баҳор. Сабкшуноси. 1-жилд, 95-саҳифа.

этади. Олим бу халқлар турмушига оид маълумотларни ҳақиқат ва соғлом фикр нуқтаи назаридан таҳлил қилди. Ҳақиқатга зид кўринишларни қатъий рад қилди¹⁰.

Демак, илк ислом даври маданиятида матнни тиклаш ишлари уч хил шаклда олиб борилган:

а/ мавжуд матнларни айнан кўчириш (шеърият, шу жумладан тазкираларда);

б/ мавжуд асар (китоб) нинг мазмунини ўз талқинида баён этиш;

в/ фольклор матншунослиги.

Саволлар:

- * Куфий ёзувга асос бўлган ёзув Хижозда қандай ном билан юритилган?
- * Илк ислом ёзув маданиятида куфийда қандай матнлар ва насҳда қандай матнлар кўчирилган?
- * Маъмун Аббосийнинг «Дор ул-хикма» сида хатнинг қандай турлари расм бўлган?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <хатти набатий, куфий, насх; «қалам»>.

ТЎРТИНЧИ МАВУ

XI—XIV аср матншунослигининг ҳусусиятлари

Адабиёт: С од и қ о в Қ. Эски уйғур ёзуви. –Т., 1989; Қадимги туркӣ ёзувлар. –Т., 1995; Уйғур ёзуви тарихи –Т., 1997; Қ а ю м о в А. Абу Райхон Беруний. Абу Али ибн Сино. –Т., 1987;

Дарснинг мазмуни: Қошғар адабий мактаби. «Девону лугатит-турк» да халқ оғзаки ижоди матншунослиги. Уйғур ёзувидаги асарлар. Беруний ва қадимий манбалар. Аҳмад Яссавий «Хикматлар»и матни муаммоси.

¹⁰ «Ўтмиш ёдгорликлари» нинг ўзбек тилига килинган таржимасини 1968 йили Тошкентда Фан нашриёти босиб чиқарган. Асарни араб тилидан таникли арабшунос олим Абдуфаттоҳ Расулов (1893 - 1977) таржима қилган.

Минтақамиз маданиятида матншунослик, дастлабки даврларда, фақат оғзаки тарқалган Қуръон сураларини, кейинчалиқ, ҳадисларни қоғозга тушириш билан бошланди. Матншунослик Ўрта аср саройларида йўлга қўйилган ўтмиш ёдгорликларини китобат қилиш, кўпайтириш тарзида намоён бўлди.

Сомонийлардан ҳокимиятни қўлга олган туркий халқлар VIII—XI асрлар мобайнида арабий ва форсий тил ва маданиятнинг соясида қолиб кетиб турғунликни бошидан кечирган бўлса, XI асрдан бошлаб ўз тили ва ўз маданиятининг ривожланишини яна давом эттиришга киришди.

XI асрда туркий филологик илмга бўлган эҳтиёж ва бу соҳага қизиқиш ўсди. Бу айниқса қорахонийлар давлатида алоҳида кўзга ташланади. Ўзига хос (бошқалардан ажралиб турадиган) адабий-бадиий принципларга риоя қилган ижодкорлар даврасини илмда *адабий мактаб* дейилади. Кошғар адабий мактабида Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Кошғарийдек атоқли олим ва адиблар етишиб чиқди. XI асрнинг иккинчи ярмида юзага келган «Кутадғу билиг»да унинг туркий тилдаги *биринчи китоб* эканининг таъкидланиши ўша давргача маънавий эҳтиёж учун бу минтақада арабий ва форсий асарлардан фойдаланиб келинганини кўрсатади.

Демак, матншуносликда ҳам кўпроқ *арабий ва форсий асарларни кўчириб ёзиш* билан шуғулланганлар.

Маҳмуд Кошғарийнинг туркий тил грамматикасини ишлаб чиққани ва туркий тилнинг араб тилидаги изоҳли луғатини тузгани бу пайтларда ҳам араб тилининг мавқеи қанчалар юксак бўлганини кўрсатади. Шундай бўлса-да, туркий тилларнинг Маҳмуд Кошғарий тузган арабча изоҳли луғати—“Девону луғатит-турк” бу тилнинг ва унда яратилган адабиётнинг мавқеининг юксалишига хизмат қилди. «Девон»да туркий халқларнинг луғат таркибини ташкил этувчи сўзларнинг мукаммал изоҳи берилади. Унда сўзларнинг маъносини араб тилида шарҳлаш учун муаллиф узоқ йиллар туркий қабила ва халқлар яшайдиган худудларда юриб оғзаки адабиёт

дурдоналарини, шоирларнинг оғиздан оғизга қўчиб юрган шеърларини тўплади. Шу муносабат билан X—XI асрлар халқ оғзаки ижоди, мақоллар ва шеърий парчалар намуналаридан маълум миқдори матнларини тиклаб, қоғозга туширди. “Девону луғатит-турк” даги меҳнат қўшиқлари, маросим қўшиқлари, мавсум қўшиқлари, қаҳрамонлик қўшиқларининг қоғозга кўчиши унинг муаллифи Маҳмуд Кошгарийнинг машаққатли матншунослик заҳматлари эвазига юзага келган. Бу асар билан боғлиқ матншунослик ишлари *фольклор матншунослиги* тарзида амалга оширилган.

Бу давр ёзма ёдгорликларидан маълум бўлишича, араб алифбоси билан бир қаторда туркий халқлар исломгача ишлатиб келган уйғур ёзуви ҳам қўлланилиб келган («Қутадғу билиг»). Бу ҳақда Қ.Содиковнинг «Қадимги туркий ёзувлар» (1995) ва «Уйғур ёзуви тарихи» (—Т., 1997) китобларида батафсил маълумот олиш мумкин.

Қадимий манбалардаги мавзуларнинг авлодлар оша етиб келишида Берунийнинг ҳам хизматлари катта. Унинг «Ўтмиш ёдгорликлари» асари ўша даврда асарлар матнига ўзига хос ёндашув намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу асарда уларнинг матнини тиклаш эмас, улардаги маълумотларни, фактларни *ижодий ўзлаштириши жараёнини* кузатамиз. Аммо Беруний таржималарида аслият матнининг бузилишига танқидий муносабатда бўлган. Буни Абул Фарож амалга оширган «Калила ва Димна» таржимасига билдирган муносабатида ҳам кўрамиз.

Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар»и XII асрда яратилган бўлиб, дастлаб оғзаки тарқалган бу шеърлар йиллар ўтиши билан ўзгаришларга юз тутиб бораверган. Қадимий нусхаларининг йўқлиги унинг матний алломатлари ҳақида мулоҳаза юритишимизга имкон бермайди. Асарнинг энг қадимий нусхаси XVIII асрга оид. Шу боис узоқ вақт филология илмида унинг илмий-танқидий матнини яратиб бўлмайди деган фикр ҳукмрон эди. Аммо 1995 йилда асарнинг бор нусхаларидан фойдаланиб, бу ишни амалга оширишга жазм қилинди. Асарнинг 100 дан

ортиқ құләзма нусхалари матншунослик таҳлилидан ўтказилиб илмий-танқидий матн тузилди (М.Ишмухамедова).

Хуллас, темурийлар давригача бўлган матншунослик ишлари хусусида жуда оз маълумотлар сакланиб қолган.

Саволлар:

- * Ўрта асрлар матншунослик ишлари қай тарзда намоён бўлган?
- * XI аср матншунослиги кўпроқ қандай матнларни кўчириб ёзилганлиги билан характерланади?
- * М.Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк» асарини матншунослик жиҳатдан қандай баҳолаш мумкин?
- * Берунийнинг «Осор бокия» асарини-чи?
- * Қуйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <адабий мактаб, фоліклор матншунослиги, ижодий ўзлаштириш>.

БЕШИНЧИ МАВУ

Темурийлар даври матншунослиги

Адабиёт: Ҳ а б и б у л л а е в Ал. Ҳирот матншунослик мактаби. —Соҳибкорон юлдузи, 19 май, 1998; Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. —Т., 1991.

Дарснинг мазмуни: Ҳирот матншунослик мактаби. Янги нусхалар яратиш йўлида. Янги ёзув турларининг юзага келиши.

Ҳиротда, айниқса Шоҳруҳ ҳукмронлиги даври (1397)дан бошлаб фан ва маданиятга бўлган эътибор кучайди. Бу ердаги маданий хаёт Ҳиротнинг довругини бутун Шарқ мамлакатларига ёйди. Шоҳруҳ, хотини Гавҳаршодбегим ва унинг ўғли Бойсунқур Мирзо илм-фан ва маданият ҳомийиси сифатида чор атрофга машҳур бўлди. темурийлар хонадонининг илму адаб ҳамда санъат аҳлига бўлган саховатини эшитган олим ва шоирлар, машшоқ ва меъморлар бутун ўлкадан марказга

тортилиб кела бошладилар. Ҳирот том маънода маданият марказига айланди.

Улуснинг маънавияти учун зарур бўлган асарларга эътибор кучайди, янгилари яратилди, борлари таржима қилинди, нусхалари кўпайтирилди. Маънавият хазинасига эътиборнинг бунчалик ортишида Темурнинг набираси, Шоҳрухнинг ўғиллари—Самарқанд ҳукмдори Улуғбек ва Шероз ҳукмдори Иброҳим Султонлардан кейинги учинчи ўғли Бойсункур Мирзо (1397 - 1434)нинг хизматлари катта бўлди. Ҳирот матншунослик мактабининг юксалишини унинг фидокорона меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Сарой мұхитида қониқарли тарбия топган Бойсункур Мирзо 17 ёшданоқ Мозандарон, Астробод ва Журジョン вилоятларининг ҳокимлигига тайинланди (1414). Шоҳрух катта ўғли Улуғбек билан қандай фаҳрланса, Бойсункур Мирзо билан ҳам шундай фаҳрланарди. 1416 да Бойсунқур Мирзо Ҳиротга қайтиб, отасининг саройида вазирлик лавозимига тайинланди. У давлат идора ишларида фаол қатнаша бошлади. 1420 йил декабр - 1421 йил май ойлари Пекинга Шоҳрух, Улуғбеклар томонидан юборилган элчилар қаторида Бойсункур Мирзонинг ҳам элчилари бўлиб, улардан Фиёсиддин Наққош номли кишининг кундаликлари ўз даврида Хитой ҳақидаги энг муфассал ва машхур асар сифатида тан олингани ёш шаҳзоданинг ўз атрофидаги қандай одамларга ишонч билдирганини намойиш этувчи бир далилdir. Мирзо Улуғбек илми нужум ва хандасада ўз даврида ягона бўлгани каби, Бойсункур Мирзо шеърият ва хатда ўз даврининг энг машхур кишиси эди. Форсий тилдаги адабиётга бўлган меҳри туфайли Бойсунқур Мирзо Амир Хусравнинг шеърларини тўплашда, Фирдавсий, Саъдий, Низомий каби ўнлаб даҳо санъаткорларнинг асарларини халқ орасида кенг ёйишда алоҳида жонбозлик кўрсатган. Тарихчи олим Бартольд Бойсунқур Мирзони Шоҳрухнинг ўғиллари ичида энг юксак форсий маълумотлиси деб атайди.

Ёш Бойсунқур Мирзо саройда вазирлик вазифасини адо этиш билан биргаликда илмга ташналиги туфайли китобларга алоҳида эътибор берди. Саройнинг Ҳумоюн кутубхонасидағи

китоблар сонини кескин кўпайтириб, унинг қошида *максус* *китобат* гурухи ташкил этди. Замона тарихчиларининг хабар беришларича, бу меҳнат жамоаси 40 нафар атрофида бўлиб, у ерда машҳур хаттотлар, наққош ва мусаввирлар, сахҳоф ва музахҳиблар илмий ва ижодий иш олиб бордилар. Ўғилларининг бу ишини Шоҳруҳ ҳам, Гавҳаршодбегим ҳам жуда маъқуллаб турдилар. Шоҳрухнинг ўзи ҳам Мавлоно Маъруф каби хаттотларни Шероздан Ҳиротга кўчириб келиб, бу кутубхонада китоблар кўчириш вазифасига тайинлади. Султон Бойсунқур Мирзо кутубхонасининг хаттотлари қўлёзма китобларда ҳурмат билан тилга олинади.

Улардан бири бўлган Аҳмад Румий кўп фозил кишилар билан суҳбатлашишга мойил бўлган. Уларнинг илму маърифат ҳақидаги бу суҳбатлари доимо китобларга бориб тақаларди. Бойсунқур Мирзо кутубхонасининг хаттот ва мирзоларидан бошқа бири Ҳожи Мақсад ҳар бир қаламда (хат турида) шуҳрат қозонган эди. Султон Бойсунқур Мирзо китобат гурухига мансуб бўлган бошқа бир хаттот Шамс Бойсунқорийга шоирлар ўз девонларини ёқутона хат билан кўчиришни буюрар эдилар. Султоннинг бу хаттотга ҳурмати баланд эди.¹¹

Бойсунқур Мирзо бу соҳада сидқидилдан меҳнат қилди. 1420 йил Эрон Озарбайжонига, 1431 йил Астрободга ҳоким қилиб юборилган бўлса-да, бу йўналишдаги фаолиятини тўхтатмади. 1425 - 26 йиллар унинг саъй-ҳаракати ва сўз бошиси билан «Шоҳнома»нинг 40 га яқин қўлёзма нусхалари муқояса қилинган мукаммал нусхаси (ҳозирги мезон билан айтганда— илмий танқидий матни) юзага келди. Жозибали суратлар билан безатилган бу нусхалардан бири ҳозир Техрон музейида сақланади. Бу нусха бир неча асрлардан бери «Шоҳнома»нинг янги нусхаларини яратиш ва таржималар қилиш учун энг ишончли манба сифатида тан олиб келинганини кейинги асрларда кўчирилган нусхалар кўрсатиб турибди. «Шоҳнома»нинг таржималари устида иш олиб борган

¹¹ К.: Ҳайрат ул-абдор. «Ёқутнинг ҳуснихати ва ҳурмати» ҳикояти. Хамса, 2996.

тадқиқотчилар тарихда машхур бўлган туркий таржималардан 1781 йилда амалга оширилган Хомуший таржимасини мана шу нусхадан қилингган деб ҳисоблайдилар.

Бундан ташқари ўша даврларгача тарқоқ ҳолда бўлган Амир Хусрав Дехлавийнинг улкан поэтик меросини «жамлашда» Бойсунқурнинг жонбозлик кўрсатганини, натижада 120 мингдан зиёдроқ байт ҳажмида шеърлари тўпланганини Давлатшоҳ Самарқандий мамнуният билан тилга олади¹². Эрон адабиётшунос олими Малиқушшуаро Баҳор ҳам «Сабкшуноси» асарида Бойсунқур Мирзо тузган матншунослар гурухи хизматларига юқори баҳо берган:

«Саъдийдан кейин «Гулистон» каби асарлар ҳам омма учун таржима қилиниб, форс тилининг ҳаммабоп дарсликларидан бирига айланди. Бойсунқурнинг VIII—IX аср (ҳижрий) темурийлар даврида Ҳирот ва Ҳуресоннинг ҳусниҳат усталари гурухи «Гулистон»ни кўчириш билан қўп машғул бўлганлар. Бойсунқур Мирзо замонида хаттотлар «Гулистон» ни бир қанча нусхада Саъдий замонидаги маҳур хаттот Ёқут Мустасмий номи билан кўчирганлар ва шундай нусхалардан бизгача етиб келганлари мавжуд». Бу жумлалардан кўриниб турибдики, мазкур гуруҳ китоб кўчириш учун нусха танлашда иложи борича муаллиф замонасидаги нусхаларни танлашга ҳаракат қилишган. Бойсунқур Мирзонинг буйруғи билан яна «Фараж баъда шиддат»нинг таржимаси, «Нусхат ул-арвоҳ» китоблари кўчирилгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Бу даврда юзага келган Бойсунқур Мирзо ёки унинг гурухи қаламига мансуб китоблар жуда қўп мамлакатларга ёйилди ва уларнинг кўпчилигини ҳозирги пайтда кўпгина Шарқ мамлакатлари қўллёзма фондларида (Истамбул, Техрон ва ҳ.к.) учратиш мумкин.

Бу даврдаги илмий, адабий-маданий меросга бўлган муносабат *араҳ ёзувининг ривожига* ҳам катта таъсир кўрсатди.

¹² Ҳусайн Бойқаро ҳам Амир Хусрав Дехлавий шеърларидан 18 минг байтини йиғдириб, девон туздирган (қ.: Шомухамедов Ш. ва Мусаев Б. Амир Хусрав Дехлавий –Т., 1971, 46.

Тарихда настаълиқ хатининг равнақ топиши ва шуҳрат қозониши айни шу Ҳирот матншунослик мактабининг фаолияти билан боғлиқ.

Маълумки, хатнинг бу турига насх хати асос қилиб олинган. Аввалига насх хати ҳарфларини кичрайтириш ва қалталатиш йўли билан ўзгара борди. Даствор, (XIV аср) бу хатни ингичка хат тури номи билан атаб келишган. XV асрда бу хат ислоҳ қилиниб, ўзининг қатъий шаклига эга бўлди. Бу хатда танилган дастлабки хаттот темурийлар даври ҳусниҳат санъатининг фахри ҳисобланган *Мир Али Табризий* эди. У настаълиқ хатининг ихтирочиси (возеъ), «Қиблат ул-куттоб» (котиблар пешвоси) деган лақаб билан шуҳрат қозонди.

Девон, рисола ва мактублар таълиқ хати билан кўчирилаётган бир вақтда Мир Али настаълиқ хатини ихтиро қилади ҳамда таълиқ хатига насх хатини кириширади. Шунинг учун ҳам унинг хатига «насхи таълиқ» номи берилади. Бу хат хаттотлар орасида жуда тез ёйилиб, Табризийнинг шогирдлари доираси борган сайин кенгая боради. Шогирдлари орасида унинг ўз ўғли Мир Абдулло ҳам бор эди. Уннг шогирдларидан икки киши - бири Мавлоно Жаъфар Шоҳруҳ Мирзо замонида ҳушхатликда ном чиқарган. Иккинчиси, Мирабулҳай китобат санъатида, иншо ва таҳрирда тенги йўқ котиб бўлиб, Султон Абу Саъид замонида иншонавислик шу кишига топширилган эди. Шогирдларидан (куёви) Амир Мухаммад Бадриддинга ҳам Мир Али Табризийнинг ҳурмати баланд бўлган.

Кейинчалик Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурида фаолият кўрсатган Мир Али Ҳиравий ва Мулло Жаъфар Табризийлар ҳам бу хат билан шуҳрат қозонишиди. Улар ҳам бу хатга ислоҳотлар киритишиди. Бойқаро саройида Султон Мухаммад ва Султон Али Машҳадийлар бу хатни қиёмига етказдилар.

Китобат санъатида темурий шаҳзодаларнинг ўзлари ҳам яхшигина фаолият кўрсатишган. Хаттотлик санъатига меҳри баланд Бойсунқур Мирзо талайгина китобларни қаламдан чиқариш билан бирга Машҳадда қурилган, онаси Гавҳаршодбеким номи билан аталмиш масжид деворларига сулс ёзуvida китобалар битган (бу ёзувлар хозир ҳам қисман

сақланиб қолган). Унинг улуғ тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг таълимини олган акаси Мирзо Иброҳим (1431 йилда вафот этган) ҳам олти хил хатда тенги йўқ хаттот эди. Машхур хаттот Ёқут услубига тақлид қилиб, хат санъатида ундан ўтиб кетган эди. У ёзган хат қолдиқларининг баъзилари ўзи ҳокимлик қилган Шероздаги қадимий биноларда ҳозир ҳам қисман сақланиб қолган. Кейинчалик Шоҳ Фарид Мирзо ва ва Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиuzzамон ҳам хаттотлик билан шуғулланишгани маълум.

Шоҳруҳ даврида унинг саройида асос солинган ҳамда XV аср давомида довруғ таратган Ҳирот матншунослик мактаби ва у ерда фидокорона меҳнат қилган кишиларнинг хизматлари туфайли

- адабий-маданий меросга эътибор кучайди, борлари йигилиб, нусхалари кўпайтирилди, таржима қилинди, янгилари яратилди,
- миниатюра санъати юксак даражада равнақ топди
- хат турлари такомиллашиб, настаълиқ хати юзага келди ва кенг расм бўлди
- анчагина қўлёзма нусхалар силсиласи узилмай кейинги авлодларга етиб келди.

Саволлар:

- * Бойсунқур Мирзо ташкил қилган гуруҳ қандай юзага келди?
- * Ушбу гуруҳ меҳнати билан юзага келган қандай асарларни биласиз ва улардан қаси бирини илмий-танқидий матн билан тенглаштирадилар?
- * Бу давр Ҳирот матншунослик мактабининг хаттотлик соҳасидаги қандай ютуқлари тарихда қолган.
- * Қуйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <китобат гурухи, «қиблат ул-куттоб», китоба, «хат».>.

III МАТНШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

ОЛТИНЧИ МАВУ

Құләзма китоб ҳақида тушунча

Адабиёт: Лиҳачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. М. - Л., 1964; Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. - Т.: Фан, 1971; Шамсiev П. Матншуносликка оид тадқиқотлар. - Т., 1986.

Дарснинг мазмуни: Матншуносликда котибнинг мавқеи. Китобат санъати, китобнинг тузилиши.

Варақлари дасталаниб, мукова орасига олинган китоблар эрамизнинг биринчи асидан пайдо бўла бошлади. Улар дастлаб папирус, кейинроқ пергаментга ёзилган. Қоғознинг кашф қилиниши китоб яратиш тарихида оламшумул ўзгариш ясади. VII асрда ёқ Самарқанд кутубхоналарида қоғозли китоблар бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Европа қоғозни XIII асрдан кенг ишлата бошлаган. Китоблар қўлда кўчирилгани туфайли, матншунослик нуқтаи назаридан олиб қарасак, уларнинг юзага келишида **котиб (хаттот) муаллифдан кейинги иккинчи асосий шахс** хисобланади. Шунинг учун қўләзма китоб яратилишида у ўзига хос **мавқега** эга бўлиб, унга кўра матн оригинални устида ишлаб ҳукм чиқара олган.

Котиб, аввало, хаттотлик санъатидан, қолаверса, барча хат турларининг нозик томонларидан воқиф шахс бўлмоғи лозим. Қўләзма китобларда матн муайян бир хат турида ёзилгани ҳолда, зарур ўринларда ва котибнинг ихтиёрига қараб, айrim ҳолларда бошқа хат турлари ҳам учраб қолади. Баъзан котиб матндағи фикрни тасдиқлаш учун ҳошияларда ўзидан шеърий парчалар, изоҳлар қўшиши ҳам мумкин.

Шу билан бирга, котиб маълум даражада матншунослик билимiga ҳам эга бўлмоғи керак. Муаллиф нусхасидан

кўчирилганни истисно қилганда, бошқа ҳолларда кўп нусхали матнлардан аслият учун нусха танлаш ҳам маълум даражада билим талаб килади. Бироқ амалда, кўп ҳолларда мавжуд нусхаларгагина таяниб қўя қолинганинг гувоҳи бўламиз. Котиб асарни кўчириб ёзишда асар яратилган даврни, кўчирилган давр тилини, грамматик қоидаларини хисобга олиши керак. Бироқ кўп ҳолларда ўз замонасининг талабларини хисобга олиб, ўз замондошларига тушунарли бўлсин учун матнга маълум даражада ўзгаришлар киритиб юбориш ҳоллари кўп учрайди. Шу билан бирга, аслиятдаги айрим сўзларни нотўғри тушуниш, ўзича «тўғрилаш»лар натижасида ҳам кейинги нусхаларда матн ўзгаришга юз тутади. Айрим ҳолларда ҳатто котибнинг матнга бевосита дахл қилиши оқибатида ўзидан қўшишлар, онгли равиша ўзгартиришлар ҳам бўлиши мумкин.

Кўлёзма китобларнинг қандай чиқишига таъсир этувчи **учинчи шахс буюртмачи** хисобланган. Ҳар ҳолда китоб кимга мўлжалланганига қараб, маълум сифат ва шакл касб этган. Ҳукмдорлар, аркони давлат, мансабдор шахслар буюртмасига кўра ёки уларга тортиқ қилиш мақсадида яратилган китоблар мисолида *китобат санъатининг юксак намуналари* кузатилади. Улар ҳаттотлик, мусаввирлик, музахҳиблик (ҳал бериш—муҳалло) санъатини тақозо этган.

Бундай қўлёзма китоблар билан бир қаторда, оддий эҳтиёж учун, кимнингдир маънавий эҳтиёжини қондириш учун юзага келган *оддий ёзувда* (хаттотлик ёзувида эмас) битилган китоблар ҳам кўп тарқалган (*оддий нусха*). Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, уларнинг матнидан фойдаланишда ҳам юқорида санаб ўтган тасодифий ҳолларга тайёр туриш керак бўлади.

Ислом минтаقا маданияти шаклланиши билан китоб яратишида ҳам кўпгина умумий жиҳатлар бу минтақада барқарорлашиб қолди. Бу ҳол, жумладан, китобнинг тузилишида ўз аксини топган ва *одоби тасниф* деган ном олган. Китобнинг тузилиши кўп ҳолларда куйидагича бўлган:

—**Басмала**—ҳар бир китоб «бисмилло»дан бошланган.

—**Ҳамд**—Оллоҳнинг мадҳи, «таҳмид» ҳам дейишади.

Матннинг узвий таркибий қисми бўлиб, унда Оллоҳнинг бафоят

буюклиги ва барча ишларга қодирлиги, унга муаллиф муносабати акс этади.

—**Матн**—китобнинг асосий қисми бўлиб, унга айрим хошия ёзувлари, жадвал, пойгиrlар кирмайди.

—**Ички унвон**—тузилиши мураккаб китобларда улар баъзан бошқа (масалан қизил) сиёҳ билан, баъзан қалин харфлар (жумладан насрый асарларда), баъзан ҳозиргидек сахифа ўртасида берилади.

—**Хошия**—жадвал (матн рамкаси)дан ташқарида жойлаштирилиб, кўпинча тушиб қолган ўринларга қистирмалар қўйиш, изоҳ бериш, матн фикрини тасдиқлаш учун хизмат қиласди.

—**Пойгиr**—ўзидан кейинги сахифанинг шу сўз билан бошланишини билдириб келувчи сўз бўлиб ўнг сахифанинг энг остига, чап томонга жойлаштирилади (пойгиr сахифаларни дасталаш учун бет рақамлари ўрнига ишлатилади).

—**Колофон**—котибнинг қўлёзма сўнгига келтирадиган маълумотномаси. Унда китоб муаллифи (баъзан), котиб, буюртмачи (баъзан), кўчирилиш санаси, сабаби (баъзан) берилиши мумкин.

Бироқ кўргина қўлёзма китобларда бундай маълумотларсиз якуnlанишини ҳам эътибрдан қочирмаслик керак.

Қадимги китобларда матнлар турли шакларда—сидирға, икки устун, тўрт устун, зина, ромб, доира шаклида, қия ҳолда ва бошқа турли гиометрик шакллар тусида жойлаштирилган. Бу нарса маълум даражада безак вазифасини ўтаб, шеърий матнларда, айниқса, кўп қўлланилган.

Одатда, маснавий, ғазал, рубоий каби шеърий жанрларга оид асарлар икки устун шаклида битилган.

Масалан, агар матн ғазал бўлса, *байт мисралари ёнма-ён, мақтада эса устма-уст ёзилиб, рамкага олинган*. Демак ўқиша ҳам шу тартибга риоя қилмоқ керак бўлади. Матн зина шаклда жойлаштирилганда байтларнинг биринчи мисралари сахифанинг ўнг томонига, иккинчи мисралари уларнинг остида чапга сурилган ҳолда ёзилган.

Бўш қолган ерлар турли безаклар билан безатилган. Ҳар иккала ҳолда ҳам шеър қофиялари устма-уст тушаверади.

Хозирги кунда қўлёзма фондларда сақланаётган китобларда пойгир ва арабий рақамлардан ташқари ҳар бир варақ алоҳида номерланган (бетлаш). Бундай манбалардан фойдаланганда уларнинг инвентар рақами ва варағи кўрсатилади, варақнинг ўнг юзи «а» ҳарфи билан, — чап юзи «б» ҳарфи билан белгиланади. (Масалан, 21-а бет.)

Турли жойларда, турли замонларда кўчирилган қўлёзмалар хати бир биридан кескин фарқ қиласди. Ҳатто бир қўлёзманинг ўзида бир сўз турли шаклларда ёзилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳар бир қўлёзмани тўғри ва равон ўқий олиш учун хаттотнинг ёзув услубига хос хусусиятларини ҳам ўрганиб чиқиши керак.

Баъзан кўплаб хат турларидан воқиф бўлган хаттотлар, ўз санъатларини намойиш этиш учун, кўчириш жараёнида хатнинг бошқа турларига хос унсурларни ҳам ишлатиб юбораверишади.

Хат сатр чизигига асло бўйинсунмайди, баъзи қўлёзмаларда ҳарф нуқталари бежо қўйиб кетилиши ҳам мумкин. Ўша нуқтанинг қайси ҳарфга тегишила эканлигини матн мазмуни орқалигина билиб олишимиз мумкин.

Баъзан икки ҳарф учун битта нуқта қўйилади. Бундай ҳолда биз ўша нуқтани иккала ҳарфга ҳам қўйиб ўқишимиз лозим («хазон» сўзида битта нуқта, «пичноқ» сўзи остида уттагина нуқта қўйилган каби). Турли ҳарфларга тегишли бўлган нуқталар бир жойда ғуж ҳолатда ҳам берилади («бир» сўзи остида уч нуқта).

Ёзувда айрим ҳарфлар ёки сўзлар бир бирига мингашиб келиши ҳам мумкин.

Саволлар:

* Китобнинг шакли ва мазмунига таъсир кўрсатувчи шахслар ва уларнинг таъсир доираси нималардан иборат бўлган?

* Китобнинг тузилиши билан боғлиқ бўлган тушунчаларни изоҳлаб беринг.

- * Кўлёзма китоблардан олинган иқтибослар тадқиқотларда қандай кўрсатилади?
- * Кўйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <Котибнинг мавқеи, оддий нусха, одоби тасниф, басмала, ҳамд, унвон, ҳошия, пойгир, колофон>.

ЕТТИНЧИ МАВУ

Матншунослик таҳлили объекти

Адабиёт: Лихачев Д.С. Текстология, М-Л., 1964, с. 9—14; Лихачев Д.С. Текстология, Ленинград, 1983.

Дарснинг мазмуни: Матн тарихи. Матншунослик таҳлили. Кўлёзма нусха турлари.

Муайян матн ҳақидаги барча маълумотлар йигиндисини *матн тарихи* деймиз. Матн тарихини ўрганиш, аввало матншунослик таҳлилида асарнинг шакли ва мазмуни ҳақида аниқ тасаввур олиш учун керак. Матн тарихи фақат бадиий асарларгагина эмас, турили хил ҳужжатларга ҳам чуқурроқ кириб бориш имкониятини яратади. Матн тарихи материаллари ўз навбатида *матншунослик таҳлилини* амалга ошириш учун хизмат қиласди.

Матншунослик таҳлили қўйидаги асосий омилларга аниқлик киритади:

- * - тадқиқ этилаётган матннинг қайси даврга мансублиги;
- * - матннинг тарихий-адабий ва маданий шарт-шароит билан алоқасини белгилайди ва кузатади;
- * - ўрганилаётган асар матнидаги барча ўзгаришларни ҳисобга олади;
- * - худди ўша шароитда ижод қилган бошқа муаллифларнинг асарларини ҳисобга олади;
- * - мазкур асарнинг бошқа асарларга кўрсатган таъсирини излайди.

Гап қадимги адабиёт намуналари ҳақида борганда, асарнинг муаллиф замонасидағи тақдиригина эмас, балки кейинги барча даврлар ҳам аҳамиятлидир.

Жумладан, Алишер Навоийнинг 870/1465-66 йилда кўчирган «Илк девон»и 1829 йилда Россиянинг Техрондаги элчиси А.С. Грибоедев ўлдирилиши муносабати билан Эрондан Петербургга юборилган ва ҳозир у ерда 564-рақам остида сақланади. 1968 йилда худди шу нусханинг факсимили нашри Тошкентда, «Фан» нашриёт томонидан чоп этилди.

Асарлар матни устида матншунослик таҳлили олиб бориш учун бу соҳада барқарорлашган қуйидаги бир қанча тушунчаларни билиб олишимиз керак:

Матн.—Бу муаллиф фикрининг ёзма ифодасидир. Муаллиф ҳозирги даврда ёзувчининг ўзи. Қадимда, ўрта асрлар адабиётида эса, асар матни асосан *котиблар* қаламига мансуб бўлган. Матннинг тўғри талқини учун унга котибнинг *онгли аралашувини* ҳам ҳисобга олиш керак. Беихтиёр қилинган хатолар эса матн талқинидан ташқарида туради.

Матнга, шунингдек, ёзув хусусиятлари, графика, безаклар, муаллиф чизган расмлар *кирмайди*. Кўлёzmани ўрганаётганда манбашунос ундаги нарсаларнинг қай бири матнга, қай бири қўлёзма хусусиятларига алоқадор эканини фахмлай олиши керак.

Худди шунингдек, матнга хос хусусиятлардан алифбога, имлога оид, матннинг *тасодифий нуқсонлари*—ёзув хатоси, тушиб қолган ўринлар, такрор ёзиб қўйиш ҳоллари, беихтиёр қистирмалардан ажратади.

Матнга хос ҳодисалар билан матндан ташқари бундай ҳодисаларни фарқлай билиш учун, кўп ҳолларда, пухта тилшунослик билими тақозо этилади. Чунончи, тил саводсизлиги матнга алоқадор ҳолат юзага келтирса, имло саводсизлиги матндан ташқари ҳодисадир. Буларни фарқлай олиш осон иш эмас.

Асар.—Манбашунос учун асарнинг объектив белгиларини аниқлаб олиш жуда муҳим. Манбашунослик нуқтаи назаридан

мазмун жиҳатдан тугал ва шакл жиҳатдар маълум яхлитликка эга бўлган матннигина асар деб атай оламиз.

Қадимий матнларда алоҳида бир тузилишга эга бўлган асарлар ҳам учраб туради. Асар ичида қўшимча, қистирма сюжетлар, қиссалар, афсоналар учраши мумкин. Матншунос бундай қиссаларни асосий асардан ажратиб олиб қарамаслиги, унинг яхлит асардаги ходисалар билан биргаликда олиб текшириши лозим бўлади. (Жумладан, «Шайх Санъон» қиссаси, «Ҳафт пайкар», «Ҳашт беҳешт», «Сабъаи сайёр» ҳикоятлари ва ҳ.к.)

Асар тушунчасининг ўзи нисбий характерга эга. Бу тушунчага манбашунос бошқа матнлардан у ёки бу даражада мустақил матн тарихига (тахрир вариантлари, матн нусхалари, фарқлантирувчи тил хусусиятлари, тазкираларда мустақил асар сифатида учраши ва ҳ.к. ҳолатларга) эга бўлгандағина мурожаат этади. Матншунослик тарихида икки алоҳида ёдгорликни бир асар деб танилиши ёки аксинча ҳолатлар ҳам учраб туради. Асарнинг сақланиб қолган бир парчасининг ўзи уни тўла асар сифатида қабул қилиш ҳоллари ҳам бўлиб туради.

Қўлёзма.—Ҳозирги замон адабиётида қўлёзма деб *муаллиф нусхаси* тушунилади. У машинкада ёзилган ёки компьютерда терилган бўлиши мумкин. Қадимий асарлар матншунослигига эса, ахвол бошқача. Унда қўлёзма—бир ёки бир неча асарларни ўз ичига оладиган қўлда ёзилган матн (ёки унинг бир қисми)дир. Қадимий асарлар матншунослигига *муаллиф дастхати* бўлган қўлёзма алоҳида қадрланади.

Нусха деб аслият ёки бошқа нусхадан кўчириб олинган матнга айтамиз. Нусхада кўчириб олинган аслиятдаги иллюстрациялар тушириб қолдирилиши, ёки аксинча, йўқ бўлса кўшилиши мумкин.

Бир қўлёзма турли асарларни ўз ичига олган ҳоллари кўп учрайди. Масалан, Қўлёзмалар институти чиқарган каталогда инв. 409 да Низомий «Хамса» си қўлёзмасида Лутфийнинг бир неча ғазаллари; инв. 165, ўша асар, Ҳофиз Шерозий ғазал ва рубоийлари кўшиб кўчирилган.

Баёзлар эса бир қанча шоирларнинг шеърларидан ташкил топиши мумкин. Масалан: Инв. № 94, баёз ғазал, мухаммас ва рубоийлардан иборат. Унда: Жомий, Ибн Ямин, Бедил, Машраб, Сайиидо, Ҳофиз, Имло, Гулшаний, Фигоний, Мушфикий, Соиб Хайём, Анқо, Ҳайрат, Ҳозиқ шеърлари бор.

Қўллўзма ҳам, нусха ҳам баъзан муаллиф нусхаси бўлиши мумкин. Матншунослик амалиётида қўллўзма матнини— қўллўзмадан, нусха матнини—нусхадан, дастхат матнини— дастхат тушунчаларидан фарқлай олиш керак.

Қоралама ва оққа қўчирма. Муаллиф дастхати қоралама ҳолида, яъни ижодий жараённи акс эттирувчи қатламларга эга бўлган матн бўлиши мумкин. Баъзан бирор оққа қўчирган нусха устидан муаллиф қайта қўрган, тузатган қўллўзмалар ҳам учраб қолади. (Қаранг: «Хамсат ул-мутахайирин». Бу ерда Жомий ўз қўли билан тузатган қўллўзма китоб ҳақида гап боради.)

Саволлар:

- * Матн тарихига нималар киради?
- * Асар матни ва қўллўзма матни тушунчалари ўртасидаги фарқни изоҳланг.
- * Муаллиф ижодий жараёни қатламларини қандай нусха акс эттириши мумкин.
- * Қўллўзма китобдаги матнга кирмайдиган нарсалар нималар?
- * Қўйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <матн, асар, қўллўзма, нусха, матн тарихи, матншунослик таҳлили>.

САККИЗИНЧИ МАВУ

Матн турлари ва вариантлари

Адабиёт: Л и х а ч е в Д.С. Текстология. Краткий очерк. М. - Л., 1964, с. 13—15; Н а в о и й. “Мажолис ун-нафоис”. –Т., 1961, 11—12-

б.; СВР; Ҳакимов М. Навоий қўлёзмаларининг тавсифи. –Т., 1983, 24—25-б.

Дарснинг мазмуни: Вариант ва «разночтение» тушунчаси. Матн иурли варианatlари: таҳрир варианти, тил варианти, фольклорда вариантлилик. Вариантларнинг юзага келиш сабаблари.

Қадим ёзма ёдгорликлар матншунослигига оид тадқиқотларда **«вариант»** (бошқача қўриниши) атамасининг **«разночтение»** (ўқилишдаги фарқлар, матний тафовут) термини билан параллель ишлатилиши баъзан англашилмовчиликларни келтириб чиқарди. Ҳатто луғатларда ҳам уларни баъзан бир тушунча сифатида изоҳлашади. Аммо матншунослик назарияси бу тушунчаларни фарқлай олишни тақозо этади.

Вариант —ижодий мақсадларни кўзлаб, онгли равишда асарнинг қайта ишланган фарқли шакли бўлиб, бутун асарга алоқадор тушунча. «Разночтение» (ўқилишдаги фарқлар) эса, бутун асарга эмас, айрим жумла, айрим банд, нари борса, айрим сахифаларга алоқадор фарқлардир. Бунинг устига бу фарқларга онгли ёки билмай йўл қўйилган бўлиши мумкин.

Матншунослик амалиётida ёзма ёдгорликларнинг турли вариантларига дуч келишимиз мумкин.

Матннинг таҳрир варианти (қўриниши). Таҳрир варианти деб матннинг муаллиф ёки бошқа шахс томонидан атайн қайта ишланган нусхасига айтамиз. Матннинг қайта ишланишига асарнинг ғоявий мазмуни, бадиий шакли, услуби, фактик материалларидан айримларини чиқариб ташлаш, қўшиш ёки ўзгартириш зарурати сабаб бўлади.

Масалан, Абу Мансур ас-Саолибий (961—1038)га шуҳрат келтирган «Ятимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси») тазкираси асар муқаддимасида ёзилишича 384 йил х.(994-95)да

ёзила бошлаган. Кейинроқ бориб, муаллиф китобига янги маълумотлар киритиб уни 1020 йилларда қайта яратган¹³.

Жумладан, Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари биринчи марта 1491 йил, иккинчи марта 1498 йил ёзилган.

Бу асар матни тадқиқотчиси С. Фаниеванинг фикрича, «Мажолис ун-нафоис» асари иккинчи таҳрир вариантининг юзига келишига қуидаги ҳолатлар сабаб бўлган:

* ижтимоий мухитида Ҳусайн Байқоро обрўсини янада кўтариш учун кейинги нусхада С. Ҳусайнга бағишлиланган 8 - мажлисни қайта ишлаган, унинг ижодидан намуналарини кўпайтирган;

* Адабий жараённи синчиклаб кузатиб борган Алишер Навоий янги кириб келаётган ёш кучларга алоҳида эътибор билан қараган ва нусхани янги номлар билан бойитган.

* 1492 йил 8 ноябрда вафот этгашан Жомий номи билан бошланадиган З-мажлис хотимаси шу муносабат билан айрим ўзгаришга юз тутди.

* 23 машҳадлик шоир ҳақида маълумот тўплаб киритилган¹⁴.

Матнаги тузатишларнинг қўп эканлиги ҳамма вақт янги таҳрир вариантининг аломати бўлавермайди. Шу билан бирга матнаги тузатишлар миқдор жиҳатдан унча қўп бўлмаса-да, мазмун жиҳатдан яхшигина ўзгаришга юз тутган бўлса, уни янги таҳрир варианти деб қабул қилишга тўғри келади.

Агар матн маълум мақсадни кўзлаб қайта ишланмаган бўлса, таҳрир варианти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас (Чунончи, матннинг бир қисми йўқолган, ёки узоқ йиллар давомида қайта кўчирилавериб тил хусусиятлари ўзгариб борган бўлса).

—Навоий «Муншаот» қўлёзмаларини 1499 йилгача уч бор таҳрир қилган: янги мактублар қўшган. Унинг биринчи

¹³ Крачковский И.Ю. Абу-л-Фарож ас-Вава Дамасский, Петроград, 1914, стр.12.

¹⁴ Фаниева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси. —Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» илмий танқидий матни нашрига сўзбошидан.

вариантида 94 та, учинчисида эса 100 тадан ортиқ мактуб бор эди (Ҳакимов М. Навоий қўлёзмаларининг тавсифи. –Т., 1983, 24—25-б.).

—«Сайд Ҳасан Ардашерга шеърий мактуб»нинг тахрир варианти бор (А. Ҳайитметов). Унга ҳам бир қанча ёш шоирларни қўшган.

Матннинг тил варианти. Тил варианти деганда матннинг стихияли тарзда (атайин эмас) бирор муҳит, жой ёки юртда кўп марта кўчирилиб ёзилиши натижасида ўша муҳит тил хусусиятларига кўра бошқа нусхалардан фарқ қиласидиган қўлёзмаларини тушунамиз.

Улар қўлёзмаларнинг муайян бир туркумини ташкил килади (татар, уйғур, озорбайжон, хоразм ва ҳ.к.). Шу жиҳатдан қўлимизга тушган қўлёзмани тахрир вариантими, тил вариантими эканини аниқлаш бирмунча осон.

Матннинг алоҳида варианти. Агар бир қанча нусхалар тил варианти ва тахрир вариантига алоқаси бўлмаган умумий ўзгаришларга юз тутган бўлса (умумий хатолар, жузъий ўзгартишлар) унда ёдгорлик матннинг алоҳида варианти дейилади.

Бу ҳол кўпроқ фольклор меросга алоқадор. Фольклорда «вариант» ижроиси номи билан юритилади. Масалан, «Алпомиш»нинг Фозил Йўлдош ўғли варианти, Берди бахши варианти, Сайдмурод Паноҳ ўғли варианти ва ҳ.к.. Фольклор матни - вариантнинг оғзаки ифодаланиши бўлиб ҳисобланади.

Саволлар:

- * Матннинг тахрир варианти қандай шароитларда юзага келади?
- * Қайси асарларнинг тахрир вариантларини биласиз?
- * Фольклор матнишунослигида вариант деганда нима тушунилади?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <вариант, матний тафовут (<разнотение>), тахрир варианти, тил вариант>.

ТҮҚҚИЗИНЧИ МАВУ

Ягона нусхадаги матн тарихини ўрганиши

Адабиёт: Лихачев Д.С. Текстология. Л., 1968, с. 151; Туркий сўзлар девони. Уч томлиқ. –Т., 1960—64.

Дарснинг мазмуни: Ягона нусхада сақланиб қолган матнлар. Палеографик ўқиш. Текстологик ўқиши. Матн устида ишлашнинг умумий ва хусусий принциплари. Матн тузиш жараёнидаги тузатишлар.

Ёзма ёдгорликларимизнинг ягона нусхада сақланиб қолганлари ҳам талайгина бор. (Хўжандийнинг «Латофатнома», Сайд Аҳмаднинг «Ташшуқнома» асарлари ягона нусхада Лондондаги британия музейида сақланмоқда; Кутбнинг «Хусрав ва Ширин» достонининг ягона нусхаси Париждаги миллий кутубхонада 312 қайд рақами остида сақланмоқда; Сайфи Саройи «Суҳайл ва Гулдурсун» достони Ўз ФА Адабиёт музейи фондида, Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайх» достони, Турди Фародийнинг шеърлар девони Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда).

Асар матнини тиклаш ва нашр этиш ишлари матннинг ягона ёки кўп нусхада сақланиб қолганидан қатъи назар, барқарорлашган умумий *принциплар* асосида олиб борилади. Аммо матншунослик амалиёти бу принципларнинг қотиб қолган қоидалар йиғиндиси эмаслигини, уларга ёпишиб олмаслик кераклигини кўрсатади. Кўпинча, маълум бир кўлёзма устида иш бошлар эканмиз, бу принципларга нисбатан истисноли ўринлар чиқа бошлайди. Шу боис ҳар бир ҳолат ва кўлёзма учун хусусий бўлган жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, умумий принципларга қўшимча равишда, фақат шу кўлёзмагагина хос бўлган хусусий *принциплар* ишлаб чиқилади ва бундай ҳолатлар, одатда, нашрнинг археографик кириш (матн танқиди) қисмида зикр этилади.

Матн устида ишлаш, аввало, уни ўқиб чиқишдан бошланади. Матнни ўқиши икки босқичда кечади. Биринчи босқич *палеографик ўқиши* тарзида боргани маъкул. Яъни, матнни ёзув характерига қараб, ҳарфлари аниқланиб, сўзлар чегараси белгилаб олинади. Ёзув ўчган, ўчирилган жойларини эътиборга олиб (қайд этиб) ўқиб чиқилади. Ўқилишининг иложи йўқ ўринлар (доғ, ўчган, ўчирилган, қайта тузатилган ва ҳ.к.лар) фотоанализ қилиниши мумкин. Бунинг учун ривожланган мамлакатларда ҳозир люминисцент фотографияси, радиографияси, рентгеноскопия каби усууллар қўлланилади. Аммо ҳозирги пайтда бу замонавий усуулларни қўллаш учун техник воситалар қўллэзма фондларимизда мавжуд эмас.

Мураккаб ҳолларда айрим хос ҳарфларнинг ёзилишига жадвал тузиб олган маъкул. Бу муайян ҳарфнинг бошқа ўринларда учрайдиган қийин ҳолатлардаги кўринишини аниқлашни осонлаштиради. Бу босқичда матннинг *шакли* тикланади. Бу—матнни матншунослик нуткаи назаридан тушунишнинг биринчи босқичи.

Матннинг турини аниқлаш; асарнинг юзага келиш ва матннинг ёзилиш даврини аниқлаш; келиб чиқиш ўрнини аниқлаш каби ташқи белгилар ҳам ягона нусхадаги матн тарихини ўрганишнинг дастлабки босқичида амалга ошириладиган ишлардандир. Бу ишларнинг натижаси охир оқибатда асар матнини тўғри тушунишга хизмат қиласди.

Иккинчи босқич *текстологик ўқиши* тарзида боради. Яъни, матн синтаксисига кириб борилади ва унинг *мазмуни* тикланади.

Матнни тўғри ўкий олишнинг асосий шарти—дavr тилини яхша билишдир. Бунинг учун даврнинг фонетик, морфологик ва синтактик мезонларидан хабардор бўлишимиз керак бўлади. Ўқиш жараёнида давр адабий услуби, тарихий атамалари ва ҳ.к.ларга эҳтиёж сезилади.

Мураккаб матнлар албатта кўчириб ёзиб олиниши керак. Бунда унинг тиниш белгилари ўрни, персонаж нутқи, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ва ҳ.к.лар яққол кўриниб қолади. Бунда матндаги хатолар, такрорлар кўзга ташланиши осон бўлади. Бу

босқичда матн тарихини ўрганиш сари чуқурлашиб борилади. Яъни: матн хатолари, атайнин ёки беихтиёр киритилган ўзгаришлар, уларнинг юзага келиши сабаблари аниқланади.

Бундай нусхаларнинг матнини тиклашда, ўқилиши қийин, тушунарсиз жойларини аниқлашда матншунос кўп жиҳатдан бир нусха доирасида чегаралангани сабабли, контекстга суюнган ҳолда ҳиссий идрокни ишга солишига тўғри келади. Ўқилиши қийин, бузилган жойларни асарнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб, ўз мулоҳазаларигагина асосланиб тузатиш матншуносликда **конъектура** дейилади.

Ниҳоят, матн тарихи учун йифилган барча маълумотларга асосланиб, матнни бир бошдан тиклашга киришилади. Тайёр бўлган матн илмий ёки оммабоп тарзда чоп этилади. Матн тарихи ҳақидаги маълумотлардан эса матн танқиди (матн ҳақидаги тадқиқот, матншунослик таҳлили) юзага келади.

Саволлар:

- * Ягона нусхада сақланиб қолган ёзма обидалардан қайсиларини биласиз?
- * Уларнинг матнини тиклаш учун танишув қандай бошланади?
- * Ягона нусхада сақланиб қолган ёзма обидалар матнини тиклашда матншунос қандай материалларга суюнади?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <умумий принциплар, ҳусусий принциплар, палеографик ўқиши, текстологик ўқиш, конъектура>.

ЎНИНЧИ МАВУ

Кўп нусхали матнларни тадқиқ этиши

Адабиёт: Лихачев Д.С. Текстология. Л., 1983, глава V, с. 175; Фирдоуси. Шахнаме. Критический текст. Т. I, Предисловие Бертельса Е. Э. М., 1960; М. Ҳамирова. Манбашуносликнинг баъзи масалалари. — «Шарқ машъали» ж-ли, 1999.

Дарснинг мазмунни: Матнларни хиллаш. Таянч нусха танлаш. Матн устида ишлаш.

Асар кўп нусхаларда сақланиб қолган бўлса, матншунос улардан фойдаланиб, энг ишончли матнни юзага келтириши керак бўлади. Бунинг учун мавжуд нусхаларнинг барчаси тадқиқ назаридан ўтказилиши ва хилланиши лозим.

Кўп нусхали матнларни тадқиқ этишда *нусхаларни хиллаш* жараёни қуидагиларни ўз ичига олади:

- Нусхаларни топиш
- ўзаро алоқадорлик даражасини аниқлаш
- кўчирилган нусхалар (копия)ни аниқлаш
- даврини, ўринини аниқлаш

Айтайлик, турли нусхаларда матнни йиғиб олдингиз. Аввало, уларнинг ўзаро алоқадорлик даражаси аниқладингиз. Кейин уларни хиллашга ўтасиз:

- нуксонсиз
- нуксонли
- тўла
- тўла бўлмаган
- ўзгартириб кўчирилган
- ўзгартирмай кўчирилган ва ҳоказолар.

Шундан кейин бир нусхани *таянч нусха* қилиб белгилаб олинади ва кейинги барча ишлар шу нусха атрофида олиб борилади. Таянч нусха учун, одатда, қадимий, бенуқсон ва тўла сақланган кўләзма *мўътабар* саналади. Аммо ҳётда ҳамма вақт мавжуд кўләзмаларнинг орасида қадимииси яхши сақланган ва бенуқсон бўлавермайди. Шунинг учун бу танловда бирмунча кейинроқ юзага келган кўләзмага келиб тўхташимиз ҳам мумкин. (Нашр учун, барча кўләзмалар қиёсий ўрганиб чиқилиб, тадқиқот натижаларига қараб, бошқа таянч нусха танланиши ҳам мумкин.) Аммо бошқа нусхалар билан умумий жиҳатлари кўпроқ нусхани таянч нусха сифатида танлаган маъқул. Шунда ўқилишидаги *фарқлар* сони кўпайиб кетмайди.

Бундан кейинги ишлар қуидагилардан иборат бўлади:

- нусхаларни таққослаш
- ўқилишдаги фарқларни аниқлаш ва уларни таянч нусхага йигиш
- ўқилишдаги фарқларни таҳлил қилиш
- қистирилган ва тушиб қолган ўрниларини аниқлаш.

Матн устида ишлаш.

Д.С.Лихачев таянч нусха матнига матний тафовутларни итишининг қуидаги усулини тавсия қиласди.

Қоғоз нусхалар сонига қараб устунларга ажратилади.

A	Б	В	Г
таянч нусха матни	ёрдамчи нусха	ёрдамчи нусха	ёрдамчи нусха

Чап устунга таянч нусха матни ёзилади.

Матний тафовутлар кўп бўлса, таянч нусха матни бир қаторга биттадан сўз тарзида ёзилади.

Кейинги ҳар бир устун биттадан ёрдамчи нусханинг матний тафовутига ажратилади. Устун тепасига ўша нусханинг шартли белгиси ёзиб қўйилади. Нусхаларга алифбо тартиби, нусха топилган ёки сақланадиган жойнинг бош ҳарфи шаклида шартли белгилар берилади ва бу ишнинг тадқиқот қисмida кўрсатиб ўтилади.

Барча матний тафовутлар киритиб бўлингач, уларнинг таҳлилига ўтилади.

Матний фарқлар фақат котибнинг хатоси туфайлигина юзага келиб қолмасдан, балки онгли равишда қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Матншунос олимлардан проф. М.Ҳамидова матн тузиши жараёнида аниқланган бундай текстологик характердаги барча саҳв ва матний тафовутларни уч гурухга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб билади:

1. Композицион ўзгаришга олиб келган фарқлар.
2. Имловий хатолар.

3. Матнни маъновий бузилишга олиб келган тафовутлар.

Бу саҳв ва матний тафовутлар таҳлили нашрнинг тадқиқот қисмида батафсил ёритилади.

Лихачев рус матншунослиги ҳақида ёзади: «Матний фарқларнинг таҳлилидан мақсад—матн тарихини яратиш, сақланиб қолган нусхаларнинг алоқадорлик даражасини, генеологик муносабатини аниқлаш.

XVIII—XIX асрлар матншунослиги матний тафовутларнинг келиб чиқишига бирма-бир аниқлик киритар экан, бир чеккадан ўқилишдаги янги фарқларни эскироғи билан алмаштириб бораверган, шу йўл билан гўё энг қадимги матнни «тиклаган». ўзириги пайтда «тиклаш»нинг бу усулини тўғри деб хисоблай олмаймиз. Бу йўл билан яратилган лаҳтак (курама) матн ҳеч қачон бўлмагани аниқ.

Хозирги пайтда матншунос матн тарихини яратишга, унинг турли хиллари, кўринишлари ва алоҳида нусхалари орасидаги тарихий алоқадорликни аниқлашга ҳаракат қиласди. Шу боис ҳозирги пайтда матншунос учун муҳими матннинг тур ва вариантларини аниқлаб олиш, ундан кейин уларнинг келиб чиқишини аниқлаши керак.

Шунинг учун матний тафовутлар таҳлили бошқа мақсад сари йўналтирилиши керак: яъни, «дастлабки матн»ни тиклаш эмас, балки ёдгорлик матнининг тархини яратиш учун матннинг барча босқичлардаги ўзгариб бориши ҳақида маълумот бериши керак. Кейинги босқичларга ойдинлик киритиб олгандан кейингина, энг қадимийсини тиклаш мумкин». (Лихачев Д.С. Текстология. Л., 1983/182-183).

Матн тарихи учун энг муҳим маълумотлар матний тафовутлар таҳлили натижасида қўлга киритилади. Бундай фарқларнинг ҳар бири ўзининг келиб чиқиши нуқтаи назаридан тарихий планда ўрганилади. Уларнинг қайси бири қайсисидан келиб чиққанини аниқлашга ҳаракат қилинади.

Алоҳида фарқларнинг умумлашма таҳлили нусхаларнинг шажарасини белгилаш имконини беради.

Барча матний тафовутлар ўрганилиб, таҳлилдан ўтказилгач, устунлар ўзининг таянч нусхага яқинлиги даражасига қараб қайта қўйиб чиқилади ва нашр учун таянч нусха танланади. Бу ишни ҳозирги пайтда компютер ёрдамида анчагина осон амалга ошириш мумкин.

Илмий-танқидий матн яратишда ҳам, одатда, қадимий, бенуқсон, тўла деб ҳисобланган нусха *мўътабар* саналади ва шу нусха *таянч нусха* деб олинади. Таянч нусха танлашда муайян вазиятдан келиб чиқиб, ҳар сафар турлича ёндашилади. Энг қадимий нусха ўта нуқсонли бўлса, асос қилиб олишга ярамайди, Унда бирмунча кейинги йилларда яратилган нусха танланади.

Асосга олинган қўлёзма нусха матни *қўчириб олиниб*, қолган қўлёзма нусхалар матнини шу матн билан қиёсланишдан келиб чиқкан фарқлар сахифа ости (аппарат)да кўрсатиб борилади. Бунда кўчириб олинган нусха—асосий, қолганлари—ёрдамчи манба ҳисобланади. Ёрдамчи манбаларнинг ҳар бирига сахифа остида алифбо тартибида ёки нусха топилган ёки сақланадиган жойнинг ёхуд котиб номининг бош ҳарфи шаклида шартли белгилар берилади ва бу нашрнинг тадқиқот кисмида кўрсатиб ўтилади. (А—Абдужамил котиб қўлёзмаси, Б—Султон Али Машҳадий қўлёзмаси, В—Тошкент қўлёзмаси каби.) Бир марта белгилаб олинган хусусий бу принципга бутун нашр матни давомида қатъий риоя қилиш керак бўлади.

Ёрдамчи манбалар бўлиб хизмат қилувчи нусхалар сон саноқсиз бўлса, улардан энг мўътабарларигина танлаб олинади. Чунончи, Е.Э. Бертельс «Шоҳнома» илмий-танқидий матнини тузишда энг қадимий тасаввурини берувчи қўлёзмаларгина нашрни тайёрлаш учун жалб этган¹⁵.

Нашр илмий-танқидий матн бўлмаса, матнда бериш учун, кўп ҳолларда, тафовутли сўз ёки ибораларнинг матн мазмунидан келиб чиқиб, лозим топилган шакли танланади. Кўпинча

¹⁵ Фирдавсий. Шахнаме. Критический текст. Т.І, М., 1960, с.9.

транслитерация нашрида шундай ҳолат кузатилади. Таниқли матншунос устозлар ҳатто илмий-танқидий матн тузишда ҳам баъзан шундай йўлдан борганликлари кузатилади (Қ.: Порсо Шамсиев. Матншуносликка оид тадқиқотлар. –Т., 1986, 19-б.).

Саволлар:

- * Таянч нусха қандай нашр учун ўзгаришсиз кўчириб олинади?
- * Нусхаларни хиллаш жараёни қандай олиб борилади ва таянч нусха қандай танланади?
- * Илмий-танқидий матн ва оммабоп нашрларда асар нусхаларида матний тафовутларга муносабат қандай?
- * Кўйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <таянч нусха, мўътабар қўлёзма, нусханинг шартли белгиси>.

ЎН БИРИНЧИ МАВУ

*Матн тарихини ўзаро боғланган,
бир бутун (комплекс) ҳолда ўрганиши*

Адабиёт: Лихачев Д.С. Текстология М—Л 1964. Стр. 61; Письменные памятники востока; историка филологическая исследования. М., 1970. Стр. 135—141; И с х о қ о в Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи.—“Ўзбек адабиёти тарихи масалалари” китобида. — Т., 1976, 78—100-б.; Ш а й х з о д а. Тазкирачилик тарихидан. — “Навоийга армугон” китобида, —Т., 1968.

Дарснинг мазмуни: Асар матни ҳақидаги бевосита маълумотлар, билvosita маълумотлар. Кўлёзмадаги асарларнинг ўзаро алоқадорлиги.

Матн тарихи учун маълумотлар бевосита ва билvosita йўл билан ҳосил қилиниди. Бундай маълумотларни тадқиқотимизга иложи борича кўпроқ жалб этишимиз керак.

Бевосита маълумотлар—тўғридан-тўғри асарнинг ўзидан олинадиган маълумотлардир. Асар матни ўрганилар экан уни, имкони борича ҳар хил турларга мансуб матнлари тадқиқот учун жалб қилинади. Унинг вариантлари қатлам бақатлам ўрганилиб борилмоғи керак. Қўлёзмадаги сана (тарих), имзо, қўлёзманинг ўзидаги муаллиф ёки котибнинг ўзи ёки ўз даври воқеа ва ҳодисалари ҳақидаги қайдлари ва ҳоказолар бевосита (*асосий*) маълумотлар ҳисобланади. Бундай маълумотларни қидириб топа билиш керак. Матннинг ўзиди бундай маълумотлар бўлмагани ҳолда қўшишимча манбалардан маълумотлар қидирилади.

Билвосита маълумотлар—асар ҳақида бошқа турли манбаларда келтирилган маълумотлар бўлиб, уларни топиш бирмунча мураккабдир. Ҳар бир асар ўша муаллифнинг бошқа асарлари билан боғлиқ ҳолда (баёзларда, тўпламларда, вақтли нашрларда, архив таркибида), ёзилган даврда юзага келган бошқа асарлар билан алоқадорликда ўрганилмоғи керак. Асар атрофидаги бу «доира» қанчалар кенгайиб борса, матн тарихини тиклаш учун асослар шунчалик кўпаяди.

Баъзан асарлар мавзу жиҳатидан бир турли ёки унга камроқ алоқадор мазмундаги бошқа асарлар билан қўшиб кўчирилган бўлади. Бунда тўпламнинг таркиби биз ўрганаётган асарнинг жанри, унинг мазмуни тузувчи томонидан қандай тушунилганлигини ёритиб берилиши мумкин. Бу ҳолда тўпламга кирган асарлардаги тузувчи ёки котиб киритган тузатишлар тўпламга бошдан оёқ алоқадор бўлиб, унда жой олган бошқа асарлардаги тузутишлар тадқиқ қилинаётган асарларда ҳам ўз аксини топган бўлади.

Тўплам таркибига кирган асарларни маҳсус шу тўплам учун қайта ишланган бўлиши, муаллиф айни шу китоб ёки тўплам учун ўз асарини қайта кўриб берган бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолда муаллифнинг иш услуби акс этган бўлади.

Қўлёзманинг матн тарихига архив материаллари ҳам ойдинлик киритиши мумкин. Матн тарихини ўрганишда қўлёзманинг қаерда ёзилиб, қаерга бориб қолганигина эмас,

қаерларда сақланганлигини, қаерларда фойдаланилгани ҳам жуда муҳим.

Матн тарихини тиклашда куллиёт ва баёзлар, тазкира, маноқиб ва рисолалар каби бошқа манбаларни билиш ҳам муҳим ўрин тутади. Бу хилдаги асарлар биз ўрганаётган асарнинг ёзилиши тарихи, унинг шухрат топиш даражаси ва энг муҳими матннинг маълум тарихий даврда қай ахволда бўлганини аниқлашда ёрдам беради.

Тажрибали матншунос асарнинг бизгача етиб келмаган вариантидан келтирилган биргина иқтибосдан жуда кўп нарса билиб олиши мумкин.

Татаббулар ёзиш анъанаси кенг хукм сурган Ўрта аср ислом шарқи адабиётида асарлар матнини бошқа турдош асарлар матни билан алоқадорликда ўрганиш яхши натижалар беради.

Лихачев айтганидек, ҳеч бир ёзма ёдгорлик танҳоликда мавжуд эмас. У ижтимоий ҳодисадир¹⁶. Энг муҳими шу—матншунос тадқиқотчилар одатда ёдгорликнинг маълум нусхалари асосида илмий матнни тузиб оладилар, ундан кейин шу матн асосида асарни талқин қиласидилар. Ёдгорликнинг мазмун хусусиятига қараб, асар қўлёзмаларининг солмоғи, сифатига қараб шундай йўл тувиш тўғридир.

Баъзан таянч қўлёзма асосида аввал матн тузиш ишининг тарихий-назарий асослари, яъни, асарнинг яратилган даври, унинг ёзилиш сабаблари, ғоявий мазмуни, бош сюжет йўли, асарнинг таркибий қисмлари, воқеанинг юз бериш ўрни, образлар тизими, тил хусусиятлари, адебнинг услубий белгилари сингари муҳим умумий соҳалар ўрганиб чиқилади ва бундан келиб чиқувчи холосалар матн тузиш тамойилларининг хусусий жиҳатларини ишлаб чиқишида, матн тузиш жараёнida хисобга олинади.***

Баъзан бирор мўътабар ишончли манба асосий таянч нусха сифатида олинса ҳам шу нусханинг ҳамма хусусиятларини сақлашга ҳаракат қилинса-да, кези келганда шу қўлёзмага ҳам

¹⁶ Лихачев Д.С. Тектология. М—Л. 1964. стр. 62.

танқидий қаралиб, нусхада кўринган хато ва нуқсон бошқа нусхалар ёрдамида танқидий матн доирасидан бартараф қилинади. Бунда ҳар қандай котиб қўллёзмасига танқид кўзи билан қараш керак бўлади. Бор нарсаларни бир бошдан кўчира бориш ва кўзга илғаган ҳамма майда чуйдаларни бет остига қайд эта бориш нотўғриэканини устоз матншунослар тайнинлаб ўтишган¹⁷.

Саволлар:

- * Матн тархини комплекс ўрганишга қандай материаллар жалб қилинади?
- * Асарнинг яратилган даври, унинг ёзилиш сабаблари, ғоявий мазмуни, бош сюжет йўли, асарнинг таркибий қисмларини аниқлаш учун нечта қўллёзма жалб қилиниши керак?
- * Матн тархини комплекс ўрганишда учраши мумкин бўлган маълумотлар нималардан иборат бўлиши?
- * Қуидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <Комплекс ўрганиш, асосий маълумотлар, қўшимча маълумотлар>.

ЎН ИККИНЧИ МАВУ

Таржима асарлари матнини ўрганиши

Адабиёт: Ж. Шарипов. Ўзбекистонда таржима тарихидан,. – Т., 1965; Қ. Муниров. Шарқ қўллёзмалари –Т., 1968; СВР. Наршахий. Бухоро тарихи. –Т., 1966; Лихачев Д.С. Текстология. Ленинград, 1983, с. 404—437.

Дарснинг мазмуни: Таржима асарларининг хусусиятлари. Тарихий давр учун хос бўлган таржима принципларининг ўзгариб, ривожланиб бориши.

¹⁷ Шамсиев П. Матншуносликка оид тадқикотлар. –Т., 1986.

Бошқа тиллардан қилинган таржималар матнини ўрганишда унинг мазмунини матн тарихи учун манба қилиб олишимиз учналиқ тўғри бўлмайди. Бунда матн услубини ўрганиш имкониятлари ҳам кескин камаяди ва ўзига хос тус олади. Бунинг ўрнига таржима тилига эътиборни кучайтиromoқ лозимки, у орқали таржиманинг вақти, жойи ва руҳини аниқлаш имконига эга бўламиз.

Таржима қисматининг бир чигал томони бор. Қадимда таржимон аслиятга кўп ҳолларда ўта ижодий ёндашиб, кўпгина тузатиш ва қўшишмчалар киритиш ҳамда лозим кўрган ўринларини тушуриб қолдирishi ҳуқуқига эга бўлган. Шу туфайли таржима асар матнини ўрганиш, асосан, унинг аслият билан мувоффиклик даражасини аниқлаш тарзида олиб борилади.

Муаллифи аниқ бўлмаган бирор янги ёзма ёдгорликни муомалага киритаётган тадқиқотчи, аввало, уни таржима асарми, оригинал асарми, аниқлаши керак. Асар мазмунидан бунга жавоб топилмаса, унинг тилидан шундай аломатларни кидириб кўриш лозим. Таржима асари, одатда синтактик оборотлардан, таржимага кўчиб ўтган алоҳида сўзлардан, калькалардан, атоқли отларни ёзилиш тарзидан, таржимон аслият тилини билмаслиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган хос хатоликлардан билиб олиниши мумкин. Аммо бундай сўзлар ва сўз бирикмалари тил учун ўзлаштирма сўзлар ёки муаллифнинг ўша тил вакиллари билан алоқаси оқибатида кириб қолган бўлиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Таржиманинг юзага келган даврини аниқлашда таржима матнида вақти маълум бирор воқеа, асар таржима, шахс ва ҳоказоларнинг учрашидан фойдаланиш мумкин. Таржиманинг аслиятдан аввал юзага кела олмаслиги фактининг ўзи ҳам унинг бошлангич санасини белгилаб беради. Таржиманинг яратилиш даврини белгилашда тил тарихида ишлатила бошлаган даври тайин бўлган сўзлар ёрдам бериш мумкин.

Агар таржиманинг қайси тилдан ва қачон қилингани аниқланса, у ҳақидаги маълумотни тегишли манбалардан топиб олиш осонлашади. Яна шуниси муҳимки, аслият кўп нусхали

бўлса, таржима унинг қайси вариантидан қилинган?! Бунинг учун аслиятнинг матн тарихи юзасидан изланишлар олиб бориш керак бўлади. Нусхалари кўп тарқалмаган асар таржимаси учун танланган нусхани аниқлаш бирмунча осонроқ.

Баъзан бир нусхадан қилинган таржима кейинроқ II нусхадан тузатилган бўлади. Баъзида II қайта таржима қилиниб (II нусхадан), I нусхага қаратиб тузатилган бўлиши мумкин. Оригинал матни таржима матнини дастлабки ўқиб чиқишига катта ёрдами тегди. Шу билан бирга таржима матни оригиналда аниқланмаган ўринларни очишда ёрдами тегиши мумкин. Яъни, оригинал асардан тушиб қолган кейин қистирилган жойларни аниқлашда, матн қисмларининг тўғри тартибини тиклаш ишида яхши ёрдами тегади.

Таржимон шахсини аниқлашда тилнинг алоҳида бирикмалари ва маълум бир таржимон учун хос бўлган умумий хатоликлар эътиборга олинади.

Таржима матни тарихи, аслият матни тарихидек кенг қамровли, балки ундан ҳам миқёси кенгроқ ҳисобланади. Чунки, бу ўринда таржима матни ҳақидаги маълумотларга аслият матни ҳақидаги маълумотлар ҳам қўшилиб катта ҳажмдаги маълумотларга айланиб кетади.

Илк таржималар ва таржимонлар. Араб, форс ва бошқа шарқ тилларидан таржима қилинган адабий тарихий ва илмий асарлар ўзбек халқининг ёзма ёдгорликлари хазинасининг катта қисмини ташкил этади.

Шарқ қўлётзмаларини таржима қилиш жуда қадим замонлардан бошланган. Бизгача сақланиб қолган таржималарнинг қадимиylаридан бири Абу Жъяфар Мухаммад бинни Жарир Табарийнинг (вфт.922) «Тарихи Табарий» номли асардир. Бир неча томлик бу асар 963 йилда Бухорода Мухаммад *Балъамий* томонидан форсийга қисқартириб таржима қилинган.

Балъамий таржимасидан турк, француз ва ҳатто араб тилларига таржима қилинган (Ўз ССР тарихи, I том. 257-б.).

Балъамий таржима қилган аслият бизгача етиб келмаган. Шу билан бирга Балъамий варианти арабча нусхада бўлмаган

бир қанча маълумотларни беради. Табарийнинг асари XVIII асрда Қашғар лаҳжасига таржима этилган. Ундан ташқари Феруз амри билан Баёний 1882 йилда Балъамий таржимасини ўзбекчага таржима эта бошлаган.

Ўрта Осиёнинг машхур файласуфи *Форообий* (873—950) таржимачилик соҳасида ҳам ўчмас из қолдирган.

У бир қатор шарқ тилларини билиш билан бир қаторда юонон фалсафасини ўрганиш зарур бўлиб қолганда бу тилни ҳам ўрганганд.

Форообий юонон олимларининг кўпгина асарлари— Аристотелнинг «Метофизика», «Физика», «Метеорология» ва мантиқ соҳасидаги асарларига; Птоломейнинг этика, психология ва табиатшунослик тўғрисидаги китоблирига шарҳлар ёзди. Айрим зарур китобларни юонон тилидан арабчага таржима қилди.

Х аср буюк олимларидан Ибн Сино (980—1037), Беруний (973—1048)лар ўз фаолиятларида юонон, араб, форс, хинд тилларидаги асарлардан фойдаланиш билан бирга, таржима ёки шарҳлар қолдиришган.

Беруний ёзади:

«Мен илгари араб тилга 2 китобни таржима қилган эдим. Унинг бири «Синкҳъя» номли китоб бўлиб, унда оламнинг боши ва яратилиши ҳақидаги *тасниф* берилган, иккинчиси эса, жоннинг жисмдан озод бўлиши ҳақида ёзилган «Патанжала» номи билан машхур бўлган китобдир»¹⁸.

Беруний ўзи таржима қилган асарларига катта маъсулият билан қараб, уларнинг тўғри ва аниқ бўлишига аҳамият берган. Беруний хинд тилидан араб тилга кўпгина асарларни таржима қилган:

- Кҳандакҳадяка («ал-Арканда жадвали»)
- Брахма сиддиҳонта (математикага оид китоб)
- 2 та балиан будпарости ҳақида ҳикоя.
- Бароҳамиҳира
- Нилуфар ҳақида ҳикоя.

¹⁸ Абу Райҳон Беруний, Индия, Ташкент 1963, стр. 21.

- Капаяра (тиббиёт ҳақида)
- Санкхъя (фалсафага оид)
- Патанжала ва ҳоказолар.

Беруний ҳинд ҳикоялари тўплами «Калила ва Димна» асарининг таржимасидаги нуқсонларни айтиб, ўзи шу асарни қайта таржима қилишга иштиёқманд эканини билдирган:

Бизда «Калила ва Димна» номи билан машхур бўлган «Панчатантра» китобини таржима қилишни жуда истар эдим. У Абдуллоҳ ал-Муқаффо каби асарни бузмай таржима қилишларига ишониб бўлмайдиган кишилар томонидан ҳинд тилидан форсчага, сўнгра форсчадан арабчага ўгирилган. Ибн Муқаффо диний эътиқоди мустаҳкам бўлмаган кишилар орасида шубҳа туғдириб, уларни монийлик таълимотига мойил қилиш мақсадида Барзуй ҳақидаги бобларни асарга қўшган. Бинобарин, унинг қўшган нарсалари қанчалик шубҳа туғдирса-да, унинг таржимаси ҳам шундай шубҳадан ҳоли эмас»¹⁹.

XII асрда яшаб ижод этган Маҳмуд Замахшарий Ўрта Осиё халқлари ичида биринчи бўлиб арабча-форсча луғат тузган кишидир. («Муқаддимат ул-адаб»—Ўз ФА ШИ, инв. 429). Бу китоб XIII асрда ёқ туркийга таржима қилинган (арабча-форсча-туркийча луғат).

Фаззолийнинг «Насиҳат ул-мулук» асари форсийдан арабчага таржима қилинди. Кейинги асрларда унинг «Кимёи саодат» асари туркийга таржима қилинган.

1247 йил вафот этган Алоуддин ат-Таржумонийнинг «Ятиматуд-даҳр фи фатвойи аҳлил аср» («Замон аҳли фатволари ҳақидаги замоннинг энг йирик дурлари») асари араб ва қадимий хоразм тилида ёзилган эди.

Хоразмлик шоир Кутб 1340 йилда Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Шир» достонини туркий тилга таржима қилди. Кутбнинг асари бадиий таржима бўлиши билан бирга ўз даври ҳақида маълумот бериб ўтади. Кутб Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхоннинг ўғли даврида яшаган. Ўзбекхон 1312—1340 йилларда хонлик қилган. Унинг Танибек деган ўғли бўлиб,

¹⁹ Ўша ерда, 166-бет.

шоир-таржимон Қутб ўз асарини унга ва унинг хотини Маликага бағишилайди.

Бундай таржималарда таржимон албатта ўзидан кириш сўзи ёзиб киритган. Унда муаллифга бўлган ихлоси, ўз орзулари, таржима қилишнинг сабаблари кўрсатилган. Ўз даврлари акс этган. Боблар қисқарган ёки қўшилган ва ҳ.к.

Тарихий адабий асарлар таржимаси. Барча фанлар ичida энг кўп таржима қилинган асарлар тарихга оид. Ўз ФА ШИ да 60 га яқин тарихий асарларнинг ўзбекча таржимаси бор.

Энг қадими тарихий китоблардан бири Абул Ҳасан ал-Жазарийнинг «Тарихи Комил» номли бутун дунё тарихига оид асари бўлиб, хижрий 628 йилда ёзилган.

Бу 12 жилдан иборат асар XIX асрда (6 йил мобайнида турли таржимонлар томонидан) Хоразмда таржима қилинган. Фазлулло Рашидиддиннинг «Жоме ут-таворих» асари мўғуллар давридан то Фозонхон давригача бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Муаллиф 1318 йилда қатл этилган. Бу асар шайбонийлардан Кўчкинчихон(1510-30) нинг топшириғига биноан Али Мухаммад Бухорий томонидан таржима қилинган. Таржима қўшимчалар билан амалга оширилган ва «Тарихи Рашидие туркий» деб аталган. Бу асарнинг босма нусхалари ҳам бор.

Кўчкинчихоннинг буйруғи билан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си ҳам туркийга таржима қилинган. Зафарноманинг Хотиф таржимаси, Саид Мухаммад Хўжа ибн Жаъфар таржимаси, «Достони Амир Темур» номи билан қилинган таржималари бор.

XIV—XV асрларда «Тузуки Темурий» форсийга таржима қилинган. Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» (7 жилдлик тарих китоби) XVIII—XIX асрларда Мунис ва Оғаҳийлар таржимачилик соҳасида солмоқли ишлар қилганлар²⁰.

Матншуносликда таржима асарларининг аҳамияти шундан иборатки, улар аслият матни тарихини тўла очилишида бекиёс

²⁰ Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. –Т., 1965.

материаллар бериши мумкин. Улар кўпинча аслият матнини тиклашга уларни тўрдиришга хизмат қиласди.

Саволлар:

- * Ҳозирги ҳамда қадимги таржималардаги кескин фарқ нималарда кўринади?
- * Таржима матни тарихи аслият матни тарихидан нималари билан фарқ қиласди?
- * Таржима матнини аслият матнини тиклашдаги ўрнини қандай баҳолаш мумкин.
- * Қуидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <таржимада ижодий ёндашув, таржимада таржимон ҳукуки, аслият билан таржиманинг мувофиқлик даражаси>.

ЎН УЧИНЧИ МАВУ

Халқ оғзаки ижоди матнларини ўрганиш

Адабиёт: Текстологическое изучение эпоса. Сб. ст. М., 1971; Ўзбек совет фольклори масалалари. Тўплам. –Т., 1970; Мамедов Б. «Ўзбек тили ва адабиёти» ж-ли 89/4, 47-б.

Дарснинг мазмуни: Тарихий давр учун хос бўлган фольклор матншунослиги принципларининг ўзгариб, ривожланиб бориши. Ҳозирги фольклор матншунослиги хусусиятлари.

Халқ оғзаки ижодининг халқ оғзидан қофозга тушиш жараёни жуда қадимдан бошланган. Қадимги дунё сайёхлари ва тарихчилари афсона ва ривоятлар, турли урф-одат ва маросимларни ёзib қолдирганлар. Туркий халқларда халқ оғзаки ижоди материалларини ёзib олиш хали йўлга кўйилмасданоқ ёзув маданияти яхши ривожланган халқлар тарихчилари (Герадот, Полиэн) аждодларимизнинг қиссаларини ўз тилларида («Авеста»даги миф ва афсоналарни) ёзib олишган.

Куръонда *ҳадис*—хикоя; *наба*—хабар, ахборот (бевосита шохид); *қисас*—нақл, қисса; *хабар*—хабар; *асатир*—афсона, миф каби фольклор атамаларининг ишлатилгани уларнинг илдизи нақадар мустаҳкам ва чуқур бўлганини билдиради.

VII асрнинг ўрталарида саҳобалар ҳофизасидан барқарор шаклда қоғозга кўчган Куръоннинг матншунослари ўз хизматларини ҳозирги талаблар даражасида, вижданон бажарганликлари ва бу ишга нуқта қўйганларини аввал ҳам айтиб ўтган эдик. Оғзаки, ёзма тарқалган ҳадисларнинг тўплаб қоғозга туширилиш жараёни ҳам ҳозирги матншунослик даражаси талабларини эслатади.

Туркий халқларнинг ўзида эса оғзаки ижодни ёзиб олиш XI асрдан бошлаб кўзга ташланади (Махмуд Кошғарий «Девону луғотит-турк»).

Бизгача етиб келган турли достон, афсона, қисса, ривоят, ҳикоятлар турли даврларда бахшилар, қиссанонлар, ровийлар томонидан маълум ижтимоий мазмун ва ғоявий йўналишларда қайта ишлаб борилган. Кейинчалик улар халқ орасида кенг тарқалган. Айрим ҳолларда улар маълум бир ижодкорлар томонидан яна қайта ишланган.

Тарқалиш шаклига кўра матнга айланган, яъни ёзма шакл касб этган халқ оғзаки ижоди жанри *халқ достонлари*, *халқ китоблари* номи билан аталувчи асарлар бўлиб китоб фондларимизда улар салмоқли ўрин эгаллади.

XIX йил охирида тошбосма усулининг юзага келиши билан улардан «Або Муслим», «Қиссаи Юсуф», «Қиссасул-анбиё»; «Китоби Жамшид», «Рустами достон», «Ойсулов» достони; «Маликаи донишманд» оммавий равишда нашр қилинди.

Бу китоблар Шарқ халқлари эпик меросига асосланган, мазмун ва жанр хусусияти, ҳажми, ғоявий-тематик жиҳатдан ранг-баранг мавзуларда яратилган бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. Ҳозирги пайтда бундай китоблар нашрига ҳам эътибор кучаймоқда: Тожикистонда «Жоме ул-хикоёт», 3 томлик, (Душанбе, 1980, 81, 85.);

Қозоғистонда «Ошиқлар» (Олмота, 1979); Туркменистанда «Молланапас», «Зохра-Тоҳир» (Ашгабад, 1962) босилиб чиқди. Бизда эса Сайёдийнинг «Тоҳир ва Зухра», Сайқалийнинг «Бахром ва Гуландом», Ризоийнинг «Хуршид ва Маликаи Дилором» каби ўнлаб китоби нашр қилинди.

Бундай асарлар:

- форсийда: *насри ривояти, адабиёти омиёна;*
- араб адабиётида оммавий жанр сифатида *сира* («таржимаи ҳол» маъносида);
- ўзбек адабиётида: *ҳалқ китоби, китобий достонлар, қисса, баъзан ҳатто, ҳалқ романлари* деб ҳам юритилади.

Ҳалқ китоблари ҳалқ оғзаки ижодига мансуб бўлса ҳам, тарқалиш шакли билан боғлиқ равишда, уларнинг кўпчилигида ёзма адабиётга хос тасвир усуслари кузатилади. «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо» кабилар ёзма шаклда кенг оммалашиб кетиб, айниқса, Ўрта асрларда маҳсус қиссаҳонлар пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда ҳар бир қисса янги-янги эпизодлар билан бойиб борди.

Бу китобларнинг ёзилиш услуби, тили бир биридан кескин фарқ қилган. Чунки ҳар бир ижодкор воқеалар баёнида ўзига хос тасвир услубини қўллади. Бу даврда чоп этилган ҳалқ китобларининг кўпчилиги наср ва назм билан ёзилган. Айниқса, ишқий-романтик қиссаларда насрга қараганда назм етакчилик қилган. Бу хусусият «Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам», «Маликаи Дилором», «Маликаи Ҳурлиқо» каби асарларда яққол кўзга ташланади.

Бундай китоблар ижодкорлари қиссасоз ва қиссаҳонлар, ровийларнинг билими, дунёқараши, ижрочилик маҳоратининг турлича бўлгани шубҳасиз. Бунинг устига эшитувчиларнинг таркиби, ёши, ижро этилаётган жойига қараб ижро ҳам ўзгариб борган. Яъни, ҳар бир ижодкор—қиссаҳон маълум асарни ўзича қайта ишлайди, ўзгаришлар киритади. Қиссаҳонларнинг ижрочилиги эртакчилар ижрочилигидан фарқ қиласиди. Қиссаҳонлар малакали, саводхон кишилар сифатида ўз даврида кенг тарқалган қисса ва ҳалқ оғзаки ижодига оид асарларни кўчириш, тўплаш қайта ишлаш билан ҳам шуғулланганлар (қ.:

«Ўзбек тили ва адабиёти» ж-ли 89/4, 47-б.). «Гўрўғли», «Авазхон», «Бахром ва Гуландом», «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин», «Зайнул араб», «Эр Торғин», «Қизжипак» каби кўплаб асарлар шу таҳлит юзага келган.

Шоир Уйғун: қиссаҳонлардан бири *Ягуда* ҳақида ёзади: «Унинг бисотида «Рисолай Азиза», «Бўз йигит», «Қаҳрамон қотил», «Тўтинома», «Кесик бош», «Тоҳир ва Зухра», «Юсуф ва Зулайҳо» каби асарлар бор эди.

Ҳозир. XX аср достон ижрочилаидан Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоирлар машхур бўлган. Оғзаки ижоднинг қоғозга кўчишида Ходи Зариф бошлиқ ўзбек фоліклоршуносларидан Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, ў.Раззоков, Т.Мирзаев, М.Муродов каби олимларнинг хизмати катта бўлда. Улар амалий ишлар билан бир қаторда турли-туман фоліклор жанрлари устида жиддий тадқиқотлар олиб бордилар. Кўп жилдли Ҳалқ оғзаки ижоди туркум нашри юзага келди.

Ҳалқ оғзаки ижоди матншунослиги зиммасига: мифлар, афсоналар, қаҳрамонлик эпоси, ҳалқ қўшиқлари, мақоллар, топишмоқлар, достонлар, ҳалқ китоблари (қиссалар), ривоятларнинг матнини ёзиб олиб нашр этиш юқлатилган.

Уларни ёзиб олиш учун ТошДУ Фанлар академиясининг Тил ва Адабиёт институти каби илмий марказлардан республикамиз ва қўшни республикалар нинг ўзбеклар яшайдиган вилоятларига мунтазам равишида экспедициялар уюштириб турилган. Улар шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, эртакчи, қизиқчи, лапарчиларни аниқлаш, уларнинг бисотларидағи дотон, эртак, афсона, қўшиқ, топишмоқ, мақол ва маталларни тўплашдан иборат. ёр-ёр, келин салом, алла, латифа, асқиялар матнини қоғозга туширишдир. Булар аввало магнитофон лентасига ёзиб олинади. Лентадан эса қоғозга кўчиб, кейин илмий таҳлил қилинади. ўар иккала вариант (фонограмма ва матн) архивда сақланади (Фанлар академиясининг Тил ва Адабиёт институти, Зарифов номидаги ўзбек фоліклори архиви).

Саволлар:

- * Фольклор матншунослигининг ҳозирги талаблар даражасида адо этилган илк намунаси деб қайси ёдгорликни кўрсатиш мумкин?
- * Қиссаҳонларнинг маълум асарни ўзича қайта ишлашида қанчалар ўзгаришлар киритишга ҳаққи бор?
- * Ҳозирги замон фольклор матншунослигининг аҳволини қандай тасаввур қиласиз?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <миф ва афсоналар, қиссалар, халқ китоблари, достонлар >

ЎН ТЎРТИНЧИ МАВУ

Босма наширларнинг пайдо бўлиши

Адабиёт: Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. т. 2, ч. 1. М., 1963; Бетгер Е.К. Из истории книжного дела в Узбекистане. Известия АН УзССР, 1951, № 2; Чабров Г.Н. Из истории полиграфии и издательства литературы на местных языках дореволюционного Туркестана (1868-1817 гг.) Труды САГУ им. Ленина вып. 57. кн. 7 стр. 9—80; Р. Махмудова. Ўзбекистондаги тошбосма матбааларида Навоий асарларининг нашр этилиши тарихидан. Адабий мерос т. 1 Тошкент, «Фан», 1968, 98-бет;

Дарснинг мазмуни: Ўлкамизда босмахоналарнинг юзага келиши ва матншунослик равнақи.

Айrim маълумотларга қараганда қоғозли китоблар 650 йиллардаёқ юзага кела бошлаган. Бутун ўрта асрлар давомида китоблар кўлёзма шаклда кўпайтириб келинди. 1798 йилда Германияда *литографик* босма усули ихтиро қилинди. Бу усул тезлик билан Европанинг бошқа мамлакатларига ёйилди. 1816 йилдан Петербургда босма китоблар чиқа бошлади.

Бу босмахоналарда Кавказ, Франция, Германиядан келтирилган маҳсус (калинлиги 8-14 сантиметрлик) ясси тошлар сиртига маҳсус бўёқ, *литография* қалами ёки қалин туш билан

матн ва тасвиirlар туширилган. Кимёвий эритма ёрдамида ишлов берилган. Кейин литография бўёғи билан нусха кўпайтирилган.

1865 йил Тошкентда Туркистон Ҳарбий Округи штабининг босмахонаси ташкил қилинди. Бу йили босмахона Н.А. Северцовнинг «Чу ва Норин тазмалари этагидаги тоғли ўлка тўғрисида лавҳалар» деган русча китобини нашр этди. Ўзбек тилидаги биринчи босма нашр Шоҳимардан Иброҳимовнинг 1871 йилда Хивада босилган календари бўлди. Унгача, Қозондан, Қишимдан, Туркиядан туркий тилда босилган тошбосма китоблар келиб турган. Шу тарзда Туркистоннинг бир қанча шаҳарларда ҳам шу усул билан китоб босиш йўлга кўйилди:

Отажон Абдалов—Хива

Семён Лахтин—Тошкент

F. X. Орифжонов—Тошкент (Фуломия, Фуломий матбааси—1898-1900)

Ильин матбааси—Тошкент

Яковлев Г. Я.—Тошкент

Порцов О. А.—Тошкент, 1888

Полторанова—Самарқанд, 1894

Барановский—Бухоро, Когон, 1901

Калачов—Андижон, 1904

Минаков—Қўқон, 1904

Исохонтўра Жунайдуллаҳўжаев (Ибрат) (1862—1937)—
Тўракўрғон - 1904

Матбааи исҳоқия—Тўракўрғон, 1904.

Бу босмахоналарда турли мавзудаги материаллар билан бир қаторда ўзбек, форс, араб мумтоз адабиёти намуналари ва уларнинг таржималари ҳам нашр этила бошлади. Бу ҳол маънавий меросимизни кенг халқ оммаси орасида кўплаб тарқалиши билан бир қаторда ижод ахли зиммасига уларнинг матнини синчиклаб саралаш, матншунослик изланишлари олиб бориш масъулиятини ҳам юклади.

Тошбосма нашрлар аҳолининг кенг қатламлари эҳтиёжини қондириш учун, биринчи навбатда зарур ҳисобланган диний

китобларни, мадраса ва мактаблар учун зарур ҳисобланган асарларни чоп этди. Чунончи,

«Бидон» деган китобча—араб тили сарфига оид, арабча мисоллар билан тожик тилида ёзилган (бошланғич маълумот учун мўлжалланган).

«Аввали илм»—тожикча китобча, диний масалалар бўйича савол-жавоб тарзида ёзилган.

«Муиззий», «Занжоний»— араб тили сарфига оид, араб тилида ёзилган.

«Авомил»— араб тили наҳвига оид, араб тилида ёзилган, жумлама-жумла тожикча таржимаси билан берилган.

«Кофия»—араб тилининг наҳви кенгроқ баён қилинган. Етти бобга бўлинган.

«Шарҳи мулло»—«Кофия»нинг шарҳи, Жомий асари.

«Шамсия»—мантиққа оид китобча. Нажмиддин Умар Қазваний (13-аср) асари,

«Хошия»— мантиққа оид «Шамсия»нинг шарҳи, Аллома Кутбий асари.

«Ақоиди насафий»—илми каломга оид китобча, Аллома Тафтазонийнинг асари*.

«Таҳзиб»—мантиқ ва илми каломга оид китоб.

«Ҳикмат ул-айн»—ҳикмати табиий ва илохийга оид китоб.

«Мулло Жалол»—илми каломга оид китоб (мадраса илмини олишда якунловчи курс бўлиб хизмат қилган).

Баёзлар. Биргина шоир Хислатнинг ўзи олтида баёз тайёрлаб чоп эттирган:

«Ҳадяи Хислат» 1910

«Баёзи янги» 1911

«Баёз» 1911

«Армуғони Хислат» 1912

«Савғоти Хислат» 1912—1914

«Тухфаи Хислат» 1914—1915.

Бундан ташқари ўнлаб баёзлар нашр қилинди:

«Баёзи Ҳазаний» 1910, 1911, 1913.

«Баёз» маа «Гулшани асрор» –Т., 1913.

«Махбуб ул-махбуб»

«Тухфаи Шавкат» 1913

«Савғоти Шавкат» 1914

Бундай бәйзлар ўнлаб шоирларнинг шеърларини ўз ичига олган. Уларнинг матнини, асосан, шоирлар ўз даврида мавжуд қўлләзмалардан олиб ўз нашрларига киритганлар.

Мумтоз адабиётимизнинг намояндалари ижодидан довруғ таратган асарлар бирма-бир босма нашр сифатида тарқай бошлади. Улар орасида Навоий «Хамса»си (Хива, 1879), девони (–Т., 1888), Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин», Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»и (Қозон, 1896), «Баҳори дониш» китоби ва ҳ.к. Бу нашрлар учун нусхалар танлаб уларни нашрга тайёрлаш ҷоғида олиб борилган ишлар—матншунослик изланишлари ўша давр замонасининг талабларига яраша бўлиб келган ва XX аср замонавий матншунослик илми талабларига ўсиб ўтишда бир босқич вазифасини бажарган.

Босма нашр учун нусхаларни танлаш, уларни саралаш ва ниҳоят босма нашрни юзага келтириш ишлари такомиллаша бориб, ҳозирги замон матншунослигининг юзага келишига замин тайёрлади.

Саволлар:

* Литографик нашрнинг юзага келиш жараёнини сўзлаб беринг.

* Босма китоблар пайдо бўлишининг матншуносликка таъсири қандай бўлди?

* Кўйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <литография, литографик нашр, тошбосма>.

ЎН БЕШИНЧИ МАВУ

Матнларни нашрга тайёрлаш. Нашр турлари.

Адабиёт: П р о х о р о в Е.И. Типы изданий. - В сб. Основы текстологии. М., 1962.

Дарснинг мазмуни: Нашр турларининг ўзаро фарқли ва умумий жиҳатлари. Илмий нашр турлари. Илмий нашрлар матншунослигидаги шартли белгилар.

Нашр турлари. Нашр турлари жуда хилма-хилдир. Нашрлар аввало, илмий ва оммабон нашрларга бўлинади. Илмий мақсадлардаги нашр турлари қуидагича хилланади:

—Тилшунослик тадқиқотлари учун мўлжалланган;

—Адабиётшнос ва тарихчилар учун мўлжалланган;

Тилшунос нашр этилаётган матнга тил нуқтаи назаридан мўътабар бўлган қўлёзма нусхани асос қилиб олади.

Адабиётшнос ва тарихчилар нашр учун ёдгорлик ҳакида кенг тасаввур бера оладиган нусхани асос қилиб оладилар.

Тилшунослар кўпинча битта нусханинг нашр этилишига эҳтиёж сезадилар.

Адабётшнос ва тарихчилар матнни барча нусхалар асосида нашр этиб, таҳрир вариантлари, ёдгорлик матни тарихи ҳакида тасаввур бермоқчи бўладилар.

Ўқилишдаги фарқлар ҳам тилшунослардаги билан адабиётшнос ва тарихчилардагидан фарқ қиласди: Тилшуносларда улар нусха тилидан тасаввур бериш лозим.

Бундан ташқари матн *нашири* ва нусха *нашири* деган тушунчани фарқлай билиш керак. Булардан нусха нашри матн билан бир қаторда қўлёzmани, унинг дастхати (почерк), механик хатолари, ташқи нуқсонлари кабиларни ҳам намоён этиши керак. Бундай нашр факсимиль нашр дейилади. Факсимиль нашрларнинг цинкографик ва фотографик усуллари мавжуд. Факсимиль нашр, одатда қўлёзма устидаги тадқиқотларни давом этиришда қўлёзма нусха ўрнини босадиган китоб ҳосил қилиш учун чоп этилади (айниқса, тўкилиб тушаётганларини). Ҳар қандай нашрнинг қўлёзмалар билан солиштирилган батафсил

тушунтиришлари бўлиши керак. Факсимиль нашр қўлёзмани тўлалигича ўрнини босиши мумкин деган фикр хатодир. Чунки, бундай нусха матн ёзилган материал (м.: қофоздаги сув белгилари, пергамнтга берилган ишлов), сиёҳ ранги, айниқса, қизил ранг ҳақида тасаввур бера олмайди. Рангли нашр ҳам маълум даражада рангларни бузуб кўрсатади. Ретушь қилинган ўринлар бўлиши мумкин. Бирор белги қўйилган ҳошия сахифа рамкасидан ташқарида қолиб кетиши, муқованинг ички томони сахифа ўрнида қабул қилиниши мумкин ва ҳ.к. Қўлёзма китоблар нашрининг рангига қарамай фақат кўринишини ифодаловчи *репринт* усули ҳам мавжуд.

Нашрнинг яна бир тури факсимиль нашрнинг матн транскрипцияси билан берилишидир. Буни *дипломатик нашр* дейилади. Қадимий матнлар нашрининг бир неча хил турлари бир китобда берилиши мумкин. Бундай китобда матн икки, уч марта турли усуллар билан чоп этилган бўлиши мумкин; қўлёзма ва *унинг матни* (транскрипцияси, транслитерацияси), таржимаси ва ҳ.к. Тилшунослар учун нашр билан тарихчи ва адабиётшунослар учун нашр бирлаштирилган ҳолда бўлиши ҳам мумкин.

Транскрипция (лат.—кўчириб ёзиш)—матн ёзувининг шартли, сунъий тури орқали нутқ товушларининг барча хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда хатга туширилиши.

Академик нашр—Бир шоир ёки адаб ижодий меросини мукаммал қамраб олган, танқидий матн билан тенглаштирилган нашр тури. Унда муаллиф асарлари матни юзасидан олиб борилган ишларнинг охирги ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда илмий шарҳ ва изоҳлари бўлади. Одатда транслитерация шаклида берилади.

Илмий нашрлар матншунослигидаги шартли белгилар:

Курсив—ношир томонидан матнга киритилган сўзлар.

Қалин ҳарфлар—киноварда ёзилган сўз.

<бурчак қавс>—матннинг тахминий тикланган қисми.

<...>—тушиб қолган ўрин.

[]—ўчирилган сўз.

[]*—ўчирилган сўз тикланган ёки тахминий ўқилган сўз.

I — қатордан қаторга ўтиш.

II — бетдан бетга ўтиш (бунда ҳошияда сахифа орқали берилади).

Илмий танқидий матн. Нашрнинг бу турига «Кўп нусхали матнларни тадқиқ этиш» бобида бирмунча тўхталиб ўтган эдик. Алоҳида предмет сифатида ўтилгани учун бу мавзуга ортиқча тўхталмаймиз.

Саволлар:

- * Асарнинг тил хусусиятини тадқиқ этиш учун нега биргина қўлёзмага асосланган нашр керак бўлади?
- * Факсимиль нашр деганда нимани тушунасиз?
- * Қуйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг:
<Факсимилий, репринт, транскрипция, академик нашр>.

ЎН ОЛТИНЧИ МАВУ

Матнларни нашрга тайёрлаш. Нашр турлари.
(давоми)

Адабиёт: П р о х о р о в Е.И. Типы изданий. - В сб. Основы текстологии. М., 1962, стр. 479—498.

Дарснинг мазмуни: Оммабоп нашр турлари. Уларга қўйиладиган талаблар. Оммабоп нашрларда изоҳ ва шарҳларнинг ўрни.

Энди илмий оммабоп нашр турларидан айримларини алоҳида қўриб чиқамиз:

Транслитерация²¹—Бу нашрда асар матни қўлёзма графикасидан амалдаги ёзувга ўгирилади. Яъни, бир ёзув ҳарфларини бошқа ёзув ҳарфлари билан алмаштирилади. Қадим

²¹ Транслитерацияни, транскрипция билан адаштириб юборманг. (I графикага, II фонетикага алокадор ҳодисадир.

қўлёзмаларни ўқиб ўрганиш, шунингдек, орфографик қоидаларида қадимий анъанавий ифода усуллари сақланиб қолиши билан бундай нашрларнинг аҳамияти алоҳидадир. Бизда арабий, форсий ва туркий матнларнинг транслитерацияси учрайди.

Арабий жумлалар транслитерацияси—иқтибослар шаклида, форсий жумлалар транслитерацияси—тоҷик кирилицаси ва ўзбек кирилицаси шаклида; туркий—ўзбек кирилицасида (М:—«Қиссаи Рабғузий», Навоий томлари, классик шоирлар мероси, «Бобурнома» ва ҳоказолар.

Табдил. Асар матни муаллиф ёки таржимон давридаги тилдан жорий тилга таржима қилиниши табдил дейилади. Бунда айрим нашрга тайёрловчилар тилнинг тарихийлигини бир қадар сақлаб қолиш ҳоллари ҳам учраб туради. Табдил нашрлар кенг китобхонлар оммаси учун тушунарлилиги билан ҳам муҳим ҳисобланади. (М.: «Қобуснома»нинг Огаҳий таржимаси; «Махбуб ул-қулуб»нинг Порсо Шамсиев табдили.

Насрий баён. Шеърий йўл билан ёзилган эпик асарларни ҳозирги тилга насрда таржима қилинади. Алишер Навоий «Хамса» достонларининг шу хилдаги нашрлари мавжуд. Бу хилдаги нашрлар асар мазмунини ҳозирги китобхон учун таништиришда бекиёсdir.

Бошқа оммабоп нашрлар. Адабий мерос кенг халқ оммаси учун танланган асарлар, анталогиялар, тарнслитерация, совға нашрлар, алоҳида асарлар шаклида ҳам нашр қилиниши мумкин. Бунда илмий-танқидий матни бўлган асарлар шу матндан, бўлмаса, одатдаги тартибда нусха танлаш ва матншунослик изланишларидан кейингина матн тузиш орқали бу ишлар амалга оширилади.

Вакъти матбуотда адабий меросни бериш. Матбуот нашрлари ўзларининг чекланган ҳажмлари билан адабий меросни ёритишида кенг имкониятга эга эмас. Газеталарда кўпи билан 0.3 босма табоқ, журнallарда кўпи билан бир босма табоқка яқин ҳажмда материал жойлаштириш мумкинлигини ҳисобга олсак, адабий меросни ёритиш нашрнинг бу турида ниҳоятда чегараланганини тушуниб етамиз. Бунда муаллиф

томонидан бериладиган изоҳ мақола ниҳоятда ихчам ва лўнда баён тарзига эга бўлмоғи керак.

Нашрда асарларни жойлаштириши. Ҳар бир нашрда, агар у бир таркибли бўлмаса, маълум бир тартиб бўйича жойлаштирилади. Жуладан, девонлар нашри, араб алифбоси ёки криллица тартибида учрайди. (*Қаранг*: Биноий. Тушлар таъбири.–Т., «Мерос», 1991; Фурқат: Танланган асарлар. –Т., 1958.).

Оммабоп нашрларда, одатда, достон, қисса ва баъзан илмий асарларнинг бош қисмидаги матннинг анъанавий таркибини ташкил этувчи басмала, ҳамд, муножот, наът қисмлари қисмлар тушиб қолган. Мустақиллик давригача матннинг асосий қисми ҳам саралашдан ўтказилган. Жумлалар орасидаги диний руҳдаги (Саллогоҳу алайҳи васаллам, Разияллоҳи анҳу каби) сифатлашлар қолдириб кетилаверган. Тушириб қолинган парчага баъзан уч нуқта қўйилган. Оммабоп нашрларни ҳозирда «Чўлпон», «Мехнат», «Мерос», «F. Гулом», «Ўзбекистон» ва яна хусусий нашриётлар нашр этади. Бу нашр учун одатда кўп нусхали матнлардан бир таянч нусха танлаб олиниб, унинг камчиликлари бошқа нусхалар ёрдамида ёрдамида бартараф этилади ва бу ишлар нашр сўз бошисида батафсил ёритилади. (Бир нусхали қўлёзмалар бундан мустасно.) Бундай нашрлар лозим топилса изоҳлар, қийин сўзлар лугати каби маълумотномалар билан таъминланади.

Саволлар:

- * Транслитерация нашри нима ва у оммабоп нашрларнинг бошқа турларидан нимаси билан фарқ қиласи?
- * Вақтли матбуотда адабий мерос намуналаридан қайсиларини бериш мумкин?
- * Оммабоп нашрлар учун қандай матн асос бўлиши мумкин?
- * Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <Транслитерация, табдил, насрий баён>.

ЎН ЕТТИНЧИ МАВУ

Нашр маълумотномаси

Адабиёт: Л и х а ч е в Д.С. Текстология. Краткий очерк. М.Л., 1964; Р е й с е р С. А Основы текстологии. Ленинград, Просвещение, 1978.

Дарс мазмуни: Китобларда изоҳ ва шарҳларнинг, нашр маълумотномаларининг берилиш тартиби.

Ёзма ёдгорликлар нашрининг ҳар бири ўз характеристига кўра турлича илмий маълумотномалар (илмий аппарат) берилишига муҳтож бўлади. Илмий нашрлар илм-фаннинг маълум бир соҳасини кейинги ривожланиши учун ўзидан олдинги мтериаллар билан таъминлаш учун яратилади.

Жумладан, адабий мероснинг илмий нашри адабиётшуносликнинг назарий масалалари, тил ва адабиётнинг ривожланиш босқичларини унинг алоҳида намояндалари ҳаёти ва ижодини ёритишида бебаҳо манба ҳисобланади.

Бу маълумотномалар асар ёки китоб ҳақида имкони борича кўпроқ тасаввур олишга йўналтирилган бўлади. Асар ва унинг матнидан оладиган маълумотларимизни тўлдиради.

Маълумотномалар нашрга муаллиф, тадқиқотчилар ва ноширлар томонидан киритилади. Улар қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин.

- * Сўз боши (нашрга тайёрловчидан)
- * тадқиқот
- * кириш
- * саҳифа ости изоҳлари.
- * иловалар:
 - асарлар кўрсаткичи
 - исмлар кўрсаткичи
 - географик номлар кўрсаткичи
 - қийин сўзлар луғати...

Сўз бошида асарнинг адабиёт тарихида тутган ўрни, муаллифнинг шахсияти, асар нусхаларининг сақланганлик даражаси, матнни қайта тиклаш ва чоп этишда уларнинг қай бири қай даражада эътибор топгани хусусида маълумот берилади. Табдил ёки оммабоп нашрларда сўз боши берилмаслиги ҳам мумкин. Аммо бу иш маъқул деб топилмайди.

Тадқиқот—нашрнинг тадқиқот қисмини бошлаб беради. Унда асар ёки матн ҳақида илмий тавсиф, унинг бошқа шу хилдаги ёдгорликлар орасида тутган ўрни, муштарак ёки фарқли томонлари, матннинг сақланганлик даражаси—бир сўз билан айтганда, *матн танқиди* берилган бўлади. Тадқиқот, кўпинча, факсимель, академик ва илмий-танқидий матн нашрларининг узвий қисмидир.

Саҳифа ости изоҳлари—Сўз бошида кам учрайди, тадқиқот қисмida кўпроқдир. У албатта, муайян тартибига бўйсунган холда берилади. Асосий матн ости изоҳларида уларнинг кимники экани аниқ ажралиб туриши керак—(«изоҳ муаллифники» ёки (A.X.)).

Иловалар—нашрда матндан кейин берилиб, асосан, изоҳ ва кўрсаткичлардан иборат бўлади. Изоҳланаётган материал имкон берса, улар алифбо тартибида жойлаштирилади (асарлар, исмлар, географик номлар...кўрсаткичлари—алифбо тартибида; муаллиф асарлари рўйхати—ёзилган йиллари тартибида ва х.к.). Иловалар ҳам барча нашрларда берилавермайди.

Қийин сўзлар лугати—икки хил усулда берилади: бири—саҳифа остида, иккинчиси нашр охирида. Бу усулларнинг мувофиқроғи нашрнинг характеристига қараб танланади. Саҳифада лугатлар кўпайиб кетгудек бўлса, нашр охирида берган маъқул. Лугат ҳам барча нашрларда учрайвермайди.

Саволлар:

- * Китобларда нашр маълумотномалари нима учун керак?
- * Нашрнинг қандай турларида қандай маълумотномалар берилмайди?
- * Китобларга нималарни илова қилиш мумкин?

* Куйидаги таянч сўз ва ибораларни изоҳланг: <илмий аппарат, кўрсаткич, иловалар>

ЎН САККИЗИНЧИ МАВУ

Aмалий машгулом

Адабиёт: Бертельс Е. Э. Низами и Фузули. М., 1962. Стр. 458—475; Османов М.Н. Из опыта текстологической работы над "Шахнаме" Фердоуси. Проблемы востоковедения, 1960, № 4; Хамирова М. Кўлёзма баёзлар адабий манба сифатида. Адабий мерос № 2, —Т., 1971; Шамсиев П. Матншуносликка оид тадқиқотлар. —Т., 1986; Қаюмов А. Ўзбек адабий манбашунослиги.—«Ўзбек тили ва адабиёти» ж-ли, 1987, № 5.

Дарснинг мазмуни: Манбашунослик ва матншуносликка бағишланган назарий ва муаммоли тадқиқотлар тузилишининг таҳдили.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий:

Лихачев Д.С.	Текстология. Краткий очерк. М. - Л., 1964.
Рейсер С.А	Основы текстологии. Ленинград, Просвещение, 1978.
Сборник	Источниковедение. Теоретические и методологические проблемы. Сб. ст., М., 1969.

Кўшимча:

Абдураҳмонов Ҷ., Рустамов А.	Қадимги туркий тил, —Т., 1982.
Ириқкулов М.	Тилшуносликка кириш. —Т., 1992.
Ахунджанов Э.	Состояние историографии истории рукописной книги и книжного дела в Ср.

- Ахмедов Б. Азии. Адабий мерос, 1984, №4, 1986, №2.
Ўзбекистон тарихини ўрганиш манбалари. – Т., 1993.
- Берков П. Н. Введение в технику литературоведческого исследования. Л., 1955.
- Бертельс Е. Э. Низами и Фузули. М., 1962. Стр. 458—475.
- Бертельс Е.Э. 1-коференция востоковедов: "Крит. Изд. классических памятников" (тезисы) –Т., АН УзССР, 1957.
- Бухмейер К.К. Издание классической литературы. М., 1963.
(сост.)
- Винокур Г. Критика поэтического текста. М., 1927.
- Вопросы текстологии. Сборник статей. (Вып.1,2,3). М., 1957, 1960, 1964.
- Жувонмардиев А. Ҳарфлар рақамларга айланганда. –Т., 1966.
- Закиров С.З. Издания на восточных языках в Казани в I пол. XIX века. Народы Азии и Африки. 1961, № 6.
- Зограф Г.А. Описание рукописей хинди и панджаби. ИВ., М., 1960.
- Иномхўжаев Р. Араб ўзбек ёзуви. Ўқув дастури. Т. 1989.
- Исотин В.А. Возникновение и развитие письма. М., 1965.
- Исҳоқов Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи. ("Ўзбек адабиёти тарихи масалалари" китобида). –Т., 1976, 78—100-б.
- Исҳоқов М. Сўғдиёна тарих чорраҳасида. Т. "Фан" 1990.
- Исҳоқов Ф. Гулханийнинг "Зарбулмасал" асари. –Т., 1976.
- Кази-Ахмед Трактат о каллиграфах и художниках. М.-Л. 1947.
- Камол Фахрий Ёзувлар тарихидан. "Фан ва турмуш". 1957 , № 4,5.
- Каримов Ў. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т., 1966, 1975, 1987.
- Каталог Каталог фонда Института рукописей. В 2-х томах. –Т., 1988, 1989.
- Каталог Собрание восточных рукописей АН УзССР,

- Каталог Каталог Арабских рукописей ин-та народов Азии(1-3 вып). М., 1960-65
- Крачковская В.А. Памятники арабского письма Средней Азии и Закавказье. до IX в. Эпиграфика Востока. 1952, вып. 6.
- Крачковский И.Ю. Над арабскими рукописями. М. - Л., 1943.
- Лившиц В.А. Согдийский документ В-4 с горы Муг. Проблемы востоковедения, 1959, № 6.
- Лихачев Д. С. О некоторых неотложных задачах специальных филологич. Дисциплин. Вестник АН СССР 1976, № 4.
- Лихачев Д.С. Текстология (на материале русской литературы X - XVII вв.). М.- Л., 1962, 1983.
- Мұхаммад Содик Тафсири Ҳилол. -Т., Мовароуннахр, 1991.
- Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. -Т., 1976.
- Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М-Л., 1951.
- Муниров Қ. Шарқ қўллётмалари. -Т., 1962.
- Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. - Т., Фан, 1971.
- Мухамедова З.Б. К текстологии Махтумкули (о стихах Махтумкули по рукописи...—Народы Азии и Африки. 1961, № 6.
- Мухсинова К.З. К истории выступлений бухарских крестьян...в конце XIX века. Проблемы востоковедения, 1959, № 1.
- Османов М.Н. Из опыта текстологической работы над "Шахнаме" Фердоуси. Проблемы востоковедения, 1960, № 4.
- Османов М.Н. Текстологические заметки к "Шахнаме". КСИНА, 1963.
- Основы текстологии. М., 1962
- Пак М.Н. Когда в Корее началось книгопечатание подвижным металлическим шрифтом.

- Папазян А.Д. Проблемы востоковедения, 1959, № 6.
Персидские документы Матенадарана.—
Народы Азии и Африки. 1961, № 2.
- Письменные памятники Востока. Ежегодник. М., 1970.
- Прохоров Е.И. Текстология. М., 1966.
- Рейсер С. А. Палеография и текстология нового времени.
М., 1970.
- Рукописная культура народов Востока. Очерки. Кн. I. М., 1987.
- Рустамов М. Ўзбек китоби. —Т., 1968.
- Самарқандий А. Матлаи саъдайн. (Факс. нашри). —Т., Фан,
1969.
- Семёнов А.А. Письменности, существовавшие на
территории Ср. Азии. Известия тадж. АН,
1946, № 12.
- Содиқов К. Эски уйғур ёзуви. —Т., 1989.
- Струве В.В. Происхождение алфавита. Петербург., 1923.
- Струве В.В. Общественный государственный строй
древнего Двуречья. Шумер. Народы Азии и
Африки. 1961, № 2.
- Текстологическое изучение эпоса. Сб. ст. М., 1971.
- Томашевский В.В. Писатель и книга. Очерк текстологии, 2-изд.
М., 1959.
- Томашевский В.В. Библиографическая эфристика. М., 1960.
- Фирдоуси Шахнаме. Критический текст. Т. I, М., 1960.
- Фрейман А.А. Три согдийских документа с горы Муг.—
Проблемы востоковедения, 1959, № 1.
- Халидов А. Б. Арабские рукописи и арабская рукописная
традиция. М., 1965.
- Халидов А. Б. Книжная культура.—Сб.: Очерки истории
арабской культуры V - XV вв. М., 1982.
- Хамирова М. Кўлёзма баёзлар адабий манба сифатида.
Адабий мерос № 2, —Т., 1971.
- Ху Хоу сюань Некоторые итоги китайской эпиграфики
(изучение надписей на гадательных панцырях
и костях). Проблемы востоковедения, 1959, №

- 6.
- Шамсиев П.
Шарипов Ж.
Эркинов А.С.
Юдахин К.К.
- Ўз СЭ ,
Ўз СЭ 4-том,514
- Қаюмов А.
- Ҳакимов М.
- Ҳакимов М.
- Ҳакимов М.
- Матншуносликка оид тадқиқотлар. –Т., 1986.
Ўзбекистонда таржима тарихидан. –Т., 1965.
Матншуносликка кириш. –Т., 1997.
Культура и письменность Востока. Кн.IV.
Баку, 1929.
Китоб (ёзув анжомлари)
Ибн Баввоб. Ўз СЭ 4-том.
Ўзбек адабий манбашунослиги.—«Ўзбек тили
ва адабиёти» ж-ли, 1987, № 5.
Алишер Навоий асарларини кўчирган
хаттотлар. –Т., 1991.
Шарқ қўлёзмаларига доир терминларнинг
қисқача изоҳли лугати. Адабий мерос. 1985, №
2 (33),
Навоий қўлёзмаларининг тавсифи. –Т., Фан,
1983.